

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

**Ваҳобов Хурбой
Якубов Ўткир**

Рекреацион география асослари

5140500 – география ва иқтисодий билим асослари

Тошкент - 2008

КИРИШ

Мамлакатларнинг рекреацион фаолияти ва салоҳияти бевосита уларнинг ривожланганлик даражаси, ижтимоий-иқтисодий, табиий шароити яъни, табиат комплекслари, техник инфратузилмаларининг ривожланганлиги саноат тармоғи, хизмат кўрсатиш тизими, маданият, санъат илм фанининг ривожланганлиги билан, яъни бир сўз билан айтганда, мамлакатларнинг табиий ва иқтисодий географик ўрни билан боғлиқ.

Географик кашфиётлар тарихида Қизил ва Ўрта денгизларини туташтирувчи Сувайш каналининг қурилиши Европа, Осиё, Америка ва қолаверса Австралия қитъалари ижтимоий-иқтисодий шароитда катта ўзгаришларни келтириб чиқарди. Натижада, “Буюк ипак йўли ” инқирозга учради. Арзон денгиз йўлининг очилиши мамлакатлараро савдо алоқаларини ривожланишини таъминлаш баробарида денгиз бўйи шаҳарларини рекреацион аҳамиятини оширди.

Кўпгина мамлакатларда рекреацион хизмат иқтисодиётнинг йирик ва мустақил тармоғи бўлиб, банд аҳолининг 10-15 % ини ўзига жалб қилади. Рекреацион фаолиятни ташкил қилиш ҳудуднинг табиий ва иқтисодий шароити билан, айниқса, ҳудуднинг географик жойлашуви билан боғлиқ. Масалан, Туркия давлатининг географик ўрни, яъни унинг Европа, Осиё, Африка билан туташ ҳудудига жойлашганлиги унда бу фаолиятнинг ривожланишида бош омил бўлган. Шунингдек, мамлакатларнинг тарихий, этнографик ва маданий ўрни ҳам бунда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу ҳудудларда дам олиш уйлари, туристлар базалари, спорт лагерлари, санаториялар, саноат, транспорт, савдо ва алоқа муассасаларининг ривожланиши рекреацион фаолиятнинг ривожланишида асос бўлади.

I БОБ.

РЕКРЕАЦИОН ГЕОГРАФИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАСИ ВА БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

1§. Рекреацион географиянинг предмети ва вазифалари

Географик муаммоларни ўрганиш география фанининг барча тармоқларининг тадқиқот объектига айланди. Муаммоларнинг вақт ўтиши давомида долзарб аҳамият касб этиб бориши, тадқиқотлар самарасида тадқиқот объектининг чуқурлашиб бориши оқибатида географиянинг пайдо бўлиши заруриятини келтириб чиқарди.

Рекреацион география XX асрнинг иккинчи ярмидан ривожлана бошлади. Мазкур фаннинг ривожланишида В.С.Переображенский, А.А.Минц, П.Г.Царфия, И.П.Герасимов, А.А.Шошина, А.П.Авдин, А.Д.Лебедев ва бошқаларнинг хизматлари катта.

Худудий рекреацион тизимлар, турли хил рекреацион тизимларнинг шаклланиши, ривожланиши ва тарқалиши рекреацион географиянинг ўрганиш объекти бўлиб ҳисобланади (Переображенский, 1975).

Худудий рекреацион тизимлар тўртта асосий турга бўлинади:

I – даволовчи;

II – соғломлаштирувчи;

III – спорт;

IV – билиш.

Даволовчи худудий рекреацион тизимларда даволаш тиббий омиллар воситасида амалга оширилади. Уларга минерал сувлар (ичиладиган, чўмиладиган, балчиклар), иқлимий шарт-шароит киради.

Худудий рекреацион тизимларни иккинчи ва учинчи турида кишиларни соғлиғини мустаҳкамлайдиган чора-тадбирлар қўлланилади. Мазкур чора-тадбирлар кишиларнинг чарчоғини ёзишга ва меҳнат қобилиятини тиклашга ва оширишга йўналтирилган. Бунда пиёда юриш, саёхат, экскурсиялар, турли хил томошалар, ҳаво ва куёш ванналари, чўмилиш (денгизда, дарёда, кўлда) катта ўрин тутди.

Худудий рекреацион тизимларнинг тўртинчи тури янги ходисалар, жараёнлар ва барча нарсаларни билишга асосланган. Бунда даволаш, соғломлаштириш ва умуммустаҳкамлаш тадбирларига кўпроқ эътибор берилади.

Рекреацион географиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- табиий ресурсларни рекреацион мақсадларда баҳолаш;
- асосий иқлимий минтақалар ва табиат зоналари ҳамда ландшафтларнинг табиий рекреацион имкониятларини баҳолаш;
- рекреацион истеъмолни ўрганиш ва баҳолаш;

- рекреацион фаолиятнинг таркибини ва асосий турларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда рекреацион жараёнларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш.

2§. Рекреацион географиянинг тадқиқот усуллари

Рекреацион географик тадқиқотларда қуйидаги усуллар қўлланилади:

Тарихий қиёслаш усули. Атрофимизда содир бўлаётган иқтисодий ижтимоий ҳодисалар, уларнинг бугуни ва эртаси бевосита жойнинг тарихи билан боғлиқ. Фикримизнинг исботи сифатида “қуйидаги тарихий воқеани эсга олиш зарур бўлиб қолди: Буюк Бобил қадимда шарқнинг энг гўзал ва бадавлат ўлкаси, илму-маърифат, иқтисод ва маънавият ўчоғи бўлиб келганлиги ҳаммага маълум. Лекин шундай улуғвор ўлканинг вайронага айланиб тарих саҳифаларидан ўчиб кетишига босқинчилар ёки душман қўшинлар эмас, балки мамлакатнинг бош мироби йўл қўйган бир хато сабаб бўлган экан. Маълумки, Бобилнинг хўжалик тизими ҳам худди биздек икки улуғ дарё яъни Тигр ва Эфрат сувларидан фойдаланишга асосланган бўлиб, сувнинг маълум ҳажми суғориш ишларига олиниб, қолган қисми эса денгизга оқиб турган. Шу туфайли қишлоқ хўжалигида яхши ҳосил олиб туришдан ташқари, қирликлардан ювилиб келадиган лойқа, қум, шағал ва туз билан ҳосилдор ерларнинг бузилишидан асраб қолган.

Эрамиздан аввалги 582-йилда Холдей шоҳи Навхудоносир катта империяга ҳукмронлик қилиш орзусида Мисрни ҳам қўшиб олади. Унинг гўзал маликаси Нитокрисга уйланади. Албатта, маликанинг айрим инжиқликлари ва талабларини бажаришга мажбур бўлади. Нитокрис хонимнинг илтимоси билан унинг Мисрдан келган қариндоши бош мироб вазифасига тайинланади, унга катта маблағ ва ишчи кучи топширилади. Тез орада Бобил атрофидаги текисликлардан юзлаб километрга катта канал қазилиб, минглаб гектар янги ерларда суғориш ишлари бошланади. Натижада, Эфрат дарёсининг суви камайиб, оқими сустлашиб қолади ва сув билан келган лойқа аралаш қум-шағал ва туз эритмаси, ерларга ва каналларга ўтириб қола бошлайди, ерларни шўр босиши оқибатида деҳқончилик қилиши мумкин бўлмай қолади. Бугдойзор, арпазор ва бошқа экинлар кескин камайиб йўқола боргач, жуда катта отлиқ қўшинлари ҳам, аҳоли ҳам қаҳатчиликдан қирила бошлайди ва ниҳоят эрамиз бошларида шундай буюк империядан ҳашаматли қасрларнинг харобалари-ю, оппоқ туз босган бепоён текисликлар қолди, холос.”[1]

Иқтисодий-математик усул. Тадқиқот натижаларини таҳлил этиш учун математик усулни қўллаш катта имконият яратади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий математик усул икки ёки ундан ортиқ ҳолатлар ўртасидаги ишончли фарқларни қайд қилиши мумкин. Асосан, саноат ишлаб чиқариш ва

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисоблашда бу усулдан кенг фойдаланилади. Жумладан, ишлаб чиқариш қувватлари, маҳсулдорлиги ёки улар сальдоларини ҳисоблаб топиш учун бу усулдан фойдаланиш анча қулай.

Иқтисодий - математик усул ёрдамида ҳар доим ишончли натижаларга эришиб бўлмайди.. Чунки, ўрганилаётган соҳасининг ривожланиши ёки кўрсаткичларнинг пасайишига турли объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатиб туради.

Статистик ва кўп ўлчамли статистик усул. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда статистик ва кўп ўлчамли статистик усул ёрдамида турли – туман омиллар таъсирида шаклланувчи ҳолатларни ўрганиш имконини беради. Бу усул бугунги кунда иқтисодий, социологик, демократик, психологик ва ҳатто педагогик тадқиқотларда кенг қўлланилмоқда. Жумладан, иқтисодиётда йиллар ёки бирор иқтисодий ривожланиш босқичдаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таққослаш, йиллар давомидаги ўртача кўрсаткичларни ҳисоблаб топишда фойдаланилса, социологик тадқиқотларда аҳолининг маиший шарт-шароитлари ҳолатини таҳлил қилиш ёки умумий натижаларга эришишда, демократик тадқиқотларда аҳолининг табиий ўсиши, меҳнат ресурслари динамикаси ёки уларнинг маълум йиллардан кейинги ҳолатини прогнозлашда, психологик тадқиқотларда аҳоли ёки унинг маълум қатламининг руҳий ҳолатини тадбиқ этиш ва унинг ижтимоий омилларини аниқлаш каби корреляцион натижаларга эришишда фойдаланиш мумкин.

Қиёсий ва иқтисодий қиёсий таҳлил усули. Иқтисодий ва географик тадқиқотларда иқтисодий қиёсий таҳлил усулини четлаб ўтиб тадқиқотни амалга ошириш мумкин эмас. Чунки, ҳар қандай иқтисодий ва иқтисодий географик тадқиқотда ўрганилаётган ҳудуд бошқа ҳудуд билан ёки соҳанинг турли ҳудудлардаги ҳолати таҳлил этилади. Шунингдек, табиий географик тадқиқотларда ўрганилаётган ҳудуд ландшафти, геоморфологияси, иқлимига хос хусусиятлар қиёсланади. Кўпгина ҳолатда қиёсий таҳлил этиш ёрдамида жуда муҳим муаммоларни ва бу муаммоларнинг пайдо бўлиш омилларини тадқиқ этиш имконини беради. Масалан, бир вақтлар “Буюк кўллар” (Мичиган, Гудзон, Юқори кўл) АҚШнинг шимоли шарқидаги йирик балиқчилик маркази ҳисобланган. Бу ҳудудда саноат корхоналарининг ривожланиши ва денгиз транспортларини материк ичкарасига кириб бориши учун канал қурилиши оқибатида “илонбалиқ” бу кўлларга ўтиб қолади, асосан, увилдириклар билан озиқланадиган илонбалиқларнинг кўпайиб кетиши кўлдаги ноёб балиқларнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади. Натижада, XX асрнинг 50-йилларига қадар кўл билан боғлиқ балиқ саноати бутунлай инқирозга учрайди. Хўш, энди савол туғилади. Бизда, Ўзбекистонда (қолаверса Марказий Осиёда) “илонбалиқ” қандай пайдо бўлган? Биздаги сув ҳавзалари океан билан туташ

эмас-ку?! Ҳозирги кунда “Наврӯз” ресторани раҳбари Ў. Даминов томонидан “асётра” балиғини Тошкент вилоятида кўпайтириш йўлга қўйилган ва натижа ҳам анча самарали. Демак, бизда ҳам ноёб балиқларни кўпайтириш, шунингдек, қимматбаҳо балиқ маҳсулоти “икра” ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Умуман, қиёсий ва иқтисодий қиёсий таҳлил усули ёрдамида табиат ва ишлаб чиқаришдаги жуда долзарб муаммоларни ва уларнинг пайдо бўлиш омилларини аниқлаш мумкин.

Меъёрий-баланс ҳисоби усули. Меъёр ва нисбат тушунчаси табиатнинг энг муҳим қонуниятларидан биридир. Ҳатто табиат қонунларининг ҳам амал қилиш меъёри мавжуд. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда меъёр-баланс ҳисоби усули кенг фойдаланилади. Маълумки, собиқ “Иттифок” тузуми даврида маҳсулот ишлаб чиқариш аҳоли жон сонига нисбатан режалаштирилар эди. Бу эса бугунги бозор иқтисодиёти шароитида илгариги тузум таркибидаги мамлакатлар иқтисодиётида жуда катта ўзгаришларни содир этади ва кези келганда янги вазифаларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради. Эндиликда, мамлакатлар ўзларининг рекреацион салоҳиятларини ўзлари баҳолаши ва районлаштириши лозим.

Картографик тадқиқот усули. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда картографик тадқиқот усулидан фойдаланиш тадқиқот ишининг вазифасида кўзда тутилган хусусиятларининг уйғунлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Чунки карталарда географик ва социал иқтисодий элементлар уйғунлиги бир-бирини тўлдириш билан бирга мамлакат ёки ҳудуднинг табиати ва унинг бойликларини, иқтисодиётини, маданий-маърифий ва тарихий хусусиятларини ўзида жамлаган бўлади. Тадқиқот иши давомида тадқиқотчи учун карталардаги маълумотлардан фойдаланишда қулайлик яратади ёки тадқиқот иши натижасида тузилиши лозим бўлган картанинг мукамаллигини таъминлаш учун тадқиқотчига намуна вазифасини ўтайди. Баъзан тадқиқот вазифасида кўзда тутилмаган қирраларини ёки хусусиятларини ҳам ёритиш имконини беради ва тадқиқот ишининг мукамаллигини оширади.

Географ олимлар Ж.Қорабоев ва Т.Мирзалиевлар таъкидлаганидек,- “карталардан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради:

- карталарни бир бири билан таққослаш орқали уларда ифодаланган жараён, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;
- табиий ресурслар, социал-иқтисодий, маданий-маърифий ва тарихий таҳлил қилиш ва ҳозирги ҳолатини аниқлаш;
- табиий ва социал иқтисодий воқеа, ҳодиса ва жараёнлар тараққиётини ўрганиш, баҳолаш ва башорат қилиш;

- табиий ва социал иқтисодий воқеа-ҳодиса ва жараёнларнинг географик ўрнини, чегараларини ва уларнинг миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларини карта масштаби аниқлигида аниқлаш ва бошқалар шулар жумласидандир”[2].

Социологик сўровлар ўтказиш усули. Социологик сўровлар усули айниқса, аҳолининг ижтимоий демографик ҳолатини ўрганишда кўп қўлланилади. Анкета сўровлари маълум мақсаддан келиб чиқиб, кенг қамровли тузилганлиги тадқиқотни самарали ўтказишда муҳим аҳамиятга эга. Дастлабки умумий саволлар (яшаш жойи, туғилган йили, миллати, жинси, маълумоти, мутахассислиги, мутахассислик бўйича ишлаётган ёки ишламаётганлиги, сабаби, ижтимоий келиб чиқиши, оилавий аҳоли, фарзандлар сони, бир ҳовлида неча киши яшаши, оиланинг ўртача йиллик даромади каби саволлар) ҳар бир анкета сўровларида берилиши керак.

Кейинги бериладиган саволлар тадқиқот мавзусига бевосита тегишли бўлиши лозим. Масалан, аҳолининг турли қатламларининг дам олишга муносабати, эҳтиёжи ва талаблари рекреацион эҳтиёжларини кенг ўрганиш имконини беради. Тадқиқотчи анкета сўровлари натижаларини қайта ишлаш йўллари пухта ўйлаб олиш зарур.

Районлаштириш усули. Хўжалик тизимининг тарихан шаклланиши, табиий жойлашуви, ишлаб чиқариш шакллари ва шарт-шароитлари эътиборга олинган ҳолда, маълум районларга ажратиб ўрганиш зарурияти юзага келади ёки тадқиқот натижаларига кўра маълум соҳага ихтисослашган ҳудудлари, саноат тугунлари, кишлоқ хўжалиги районларига ажратиш мумкин.

Профессор А.Солиев таъкидлаганидек,- “Иқтисодий районлар ҳудудий меҳнат тақсимотининг натижаси бўлиб, улар аввалги тизимда халқ хўжалигини планлаштириш учун асос бўлар эди. Ҳозирда эса ягона марказдан туриб давлат мулкани, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш йўқолди. Давлат планлаштириш ташкилоти (ГОСПЛАН) барҳам топди, мулкчилик шакллари ўзгарди, у давлат тасарруфидан чиқарилди, ишлаб чиқариш ва бошқаришда монополияга қарши кураш, рақобат кучайди. Демак, шу маънода, модомики, планлаштириш йўқолар экан, иқтисодий районлар кераксиздай бўлиб қолди. Бу ҳолат эса иқтисодий география фанининг туб моҳиятига таъсир қилади. Чунки уни иқтисодий районларсиз мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Аслида эса иқтисодий районлар тизим таркиб қайдасига мувофиқ сақланиб қолаверади, фақат уларнинг мақсади ўзгаради холос. Ҳозирги шароитда иқтисодий районлар давлатнинг илмий асосланган минтақавий сиёсатини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади ва уни айти пайтда улар мамлакат иқтисодий маконининг ички хусусиятларини ўрганишда ҳам, ўзига хос усул сифатида зарурдир”[3].

Омилларни таҳлил қилиш усули. Географик тадқиқотларда муаммонинг келиб чиқиши ёки уни тартиблаш омилларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Улар тадқиқот мақсади ва доирасига кўра турлича бўлиши мумкин:

1. Табиий омиллар
2. Иқтисодий омиллар
3. Демографик омиллар
4. Этник омиллар
5. Ижтимоий-психологик омиллар ва бошқалар

Омилларни ўз навбатида иккига бўлиш мумкин: 1) субъектив омиллар яъни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ёки инсон фаолияти натижасида юзага келган омиллар. Юқоридаги демографик, ижтимоий-психологик, этник омиллар шулар жумласидандир. 2) Объектив омиллар, яъни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган омиллар. Масалан, курғокчилик, шўрланиш, тошқинлар, кўчкилар, об-ҳаводаги кескин ўзгаришлар кабилар табиий омиллар ҳисобланиб, ишлаб-чиқаришнинг бирор мавсумда издан чиқишига ёки бутунлай инқирозига олиб келиши мумкин.

Аэрокосмик тадқиқотлар усули. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда аэрокосмик тадқиқот усулидан самарали фойдаланиш жуда мазмунли ва бой ахборотларга эга бўлиш имконини беради. Аэрокосмик суратлар ёрдамида дарёлар ўзанларининг ўзгариши, экологик ўзгаришлар қонуниятлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиш мумкин. Коинотдан олинган суратлар табиий муҳитнинг барча хусусиятлари ва компонентлари тўғрисида ахборотлар бериш, хусусан, рельеф шароитлари ёки шакллари, ўсимлик қоплами хусусиятлари, сув, тупроқ, инсон меҳнат фаолияти натижасида вужудга келган объектлар, фавқулудда табиий ҳодисалар (сурилмалар, сел, кўчки, эрозия ва бошқалар) ҳақида тўлиқ ва атрофлича маълумотга эга бўлинади. Шунингдек, аэрокосмик суратлар ёрдамида тупроқ шўрланиши, чўллашишнинг кенгайиши, ўрмонли минтақаларнинг камайиб боришидаги даврий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Аэрокосмик суратлар топографик, геоморфологик, гидрогеологик, гидрографик, тупроқ, ўсимлик, экологик ўзгаришлар прогнози карталарини тузиш имконини беради.

Иқтисодий прогноз усули. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда иқтисодий прогноз қўлланиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ёки табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилаб беради. Кўпчилик ҳолатларда прогноз, яъни кутилган натижа юз бермаслиги мумкин. Бироқ, кутилган натижа юз бермаган ҳолатларда шу соҳа ёки тармоқ тадқиқотчилари унинг омилларини излаб топишга интилади.

Прогноз – тадқиқот ишининг стержени бўлиб, у тадқиқот жараёнини бошқаради ва уни ички мантиқиға бўйсундиради. Кўпгина машҳур тадқиқотчилар прогнознинг бўлмаганидан кўра, унинг хато бўлсада, мавжудлигини афзал кўришади. Бирор иқтисодий ёки табиий жараёни прогноз қилишда, маълум вақт оралиғидаги кўрсаткичлар ёки воқеалар ривожини таҳлил этилади ва шу асосда жараёнининг келгусидаги ҳолати прогноз қилинади. Прогноз қилишда илмий асосланган бирор қонуният ёки механизм мавжуд эмас. Баъзан иқтисодчилар статистик прогноз усуллариға асосланиб, бирор тармоқнинг истиқболи тўғрисидаги 5-10 йил кейинги прогнозларни келтиради. Кўпчилик ҳолатда бу прогнозлар ўзини оқламади. Чунки, у ёки бу омиллар таъсирида кутилган натижа кузатилмайди. Шу боис, тадқиқот прогнозларини инкор қилиб бўлмайди. Яъни агар амалға ошмаса, тадқиқотчи олдиға “Нима учун?” деган саволни қайта-қайта қўяверади.

3 §. Қурилиш иншоотлари мажмуаси дам олувчилар ва хизмат кўрсатувчилар.

XX асрнинг 60 йилларида бошлаб, шу мазмунларда медицина, ижтимоий-иқтисод, архитектура, қурилиш ва аҳоли дам олиши билан боғлиқ бошқа ташкилий муаммоларида қўлланиб келинган. Агар дам олиш даволаниш билан боғлиқ бўлса, демак рекреация бунда саломатликни тиклашға дахлдордир. Рекреация куч ва фаолиятни тиклаш доирасидаги вақт ёки иш (фаолият) дан бўш даврдаги муддат бирлиги сифатида характерланади ва саломатликни тиклашнинг интенсив йўналиши ҳисобланади.

Умуман олганда, рекреацион география махсус фан ҳисобланиб, унинг ривожланиши жамиятнинг энг долзарб ва ўз ўрнида энг нозик тизимлари билан чамбарчас боғлиқ, булар маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар. Рекреация (полякча *rekreasja*-дам олиш, лотинча *rekreatio*-тикланиш), у қадимда 1) байрамлар, таътилар; 2) дам олиш иншооти; 3) дам олиш, инсоннинг меҳнат жараёнида сарфланган кучини қайта тиклаш маъноларини англатади.

Маълумки, рекреантлар дам олиши, яъни меҳнат қобилятларини қайта тиклаш давомида истеъмол предметларидан фойдаланади. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқариш воситаларининг ҳаракати ва жойлашуви, маҳсулотлар тақсими ёки таъминоти, умумий овқатланиш тизими ишлаб чиқариши, маиший хизмат мажмуаларидан фойдаланиш кабиларни ўз ичига олади.

Рекреацион корхоналар таркибига рекреантлар бевосита истеъмол қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналарни киритиш мумкин. Кўпгина тадқиқотчилар, бу корхоналар тизимини “туризм саноати” дея эътироф этишади. Шу ўринда, “рекреацион

тармоқ” ва “туризм саноати” тушунчаларининг чегараларини белгилаш зарурияти келиб чиқади. Об’ектив асосларга кўра, халқ хўжалиги таркибини жамоат меҳнат тақсимоти белгилайди. Шу боис, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини “туризм саноати” ўз ичига ололмайди, яъни ишлаб чиқариш тармоқларининг бевосита туризм ёки рекреацион фаолият учун хизмат қилувчи қисминигина қамрайди, холос.

Рекреацион вақт бирлиги жамоат ишлаб чиқариш даражаси ва ишлаб чиқариш муносабатлари характери ҳамда аҳолининг ёши, жинси, касби каби қатор ижтимоий демографик омиллар билан боғлиқ бўлади. Мамлакатлар ишлаб чиқариш даражаси ўсиши рекреация вақтининг ҳам ортишига олиб келади. Бошқа томондан эса рекреацион вақтнинг ортиши ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, инсон тафаккури имкониятлари, интеллектуал салоҳияти, жисмоний ва маънавий имкониятнинг ортиши учун хизмат қилди.

Инсоннинг рекреацион эҳтиёжи - социал-иқтисодий категория бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари характери ва ишлаб чиқариш муносабатлари таъсирида ўзгариб туради.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши давомида рекреацион вақт зарурият бирлиги сифатида майдонга чиқади.

Фан техника инқилоби шароитида жисмоний меҳнатнинг қисқариши ҳисобига кишиларда интеллектуал ва руҳий эмоционал ҳиссиётнинг ортиши юз беради. Бу рекреация хусусияти ўзгаришга олиб келади.

Рекреацион фаолият эса туризм, жисмоний тарбия, спорт, бадий ва техник ижодкорлик каби машғулот турларини ўз ичига олади. Бу фаолият турларининг ижтимоий натижадорлиги шахснинг гармоник ривожланиши баробарида социал ва физиологик ҳаракат меъёрини тартибга солиб туради. Рекреацион фаолиятнинг баъзи турлари меҳнат жараёни билан боғлиқ ва амалий аҳамият касб этади. Рекреацион фаолият давлат ва нодавлат муассасалари томонидан амалга оширилиб, уни амалга оширувчи муассаса, клубларни ягона мақсад доирасида жамлайди ва жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди.

4 §. Рекреологиянинг асосий тушунчалари ва вазифалари

Жамиятнинг рекреацион эҳтиёжи – социал-маданий ва социал-меҳнат қобилятларининг қайта тикланишининг оддий ва кенг туридир. Дам олувчиларнинг рекреацион фаолияти эса – инсон маънавий, руҳий, жисмоний, интеллектуал қувватининг ортиши, руҳият тетиклигини таъминлашдаги эҳтиёжнинг таъминланишидаги фаолият йўналишидан иборат.

Рекреацион тизим (РТ) - дам олувчилар гуруҳи, табиий ва маданий мажмуалар, техник тизим, хизмат кўрсатувчилар, бошқарув органлари каби

рекреацион эҳтиёжларни таъминлаш гуруҳларини ўз ичига олган ижтимоий – демоэкологик тизим ҳисобланади. Дам олишни ташкил қилувчиларнинг туристик фаолияти эса – аҳолининг дам олиши учун оптимал шарт-шароитларни яратишдаги рекреацион тизимларини шакллантириш ва ривожлантиришдаги фаолиятларни ўз ичига олади. Рекреалогик тадқиқотларнинг барчасида инсон тирик кучининг тикланиши жараёни ва уни ўрганиш бош вазифа сифатида қаралади.

Биринчидан, жамият ва кишиларнинг кўплаб ижтимоий маънавий эҳтиёжлари мавжуд бўлиб, улар ҳам ўз навбатида бир қанча гуруҳларга бўлинади ва бу гуруҳлар бўш вақтни кўнгилли ўтказиш шароитларни белгилаш, жонли қувватни тиклашдаги киши эҳтиёжи билан боғлиқ.

Иккинчидан, кишининг дам олиши ва бўш вақтларини кўнгилли ўтказишдаги бу каби эҳтиёжлар кундалик меҳнат фаолиятидан жамоатчилик фаолиятига жалб этиш учун махсус шароитлар яратади ва рекреацион фаолиятни уйғотади.

Географиянинг турли тармоқларида рекреацион тизимини ўрганиш

Фан тармоқлари	Тадқиқот жиҳатлари ва ечиладиган вазифа			
	Назарий	Услубий	Амалий	Ахборот
Умумий рекреацион география (В.С.Преображенский бўйича)	Рекреацион фаолиятнинг шаклланиш қонуниятлари, динамикаси, морфологик тузилиши, ҳудудий рекреацион тизимларнинг бирлашиши ва ҳудудий дифференцияси	Ҳудудий рекреацион тизимлар (ХРТ)ни ўрганиш методлари тизимини ишлаб чиқиш.	ХРТнинг ўзгаришини и мақсадли прогнозлаш	Ўз назариялари ҳақидаги ахборотларни бошқа фанларга тақдим этади.
Минтақавий рекреацион география	Рекреацион районлаштириш тамойилларини ва унинг тадқиқот предмети ҳақидаги таасаввурларни ишлаб чиқиш	Рекреацион районларнинг шаклланиш шароитларини таҳлил этади ва омилларини аниқлайди ҳамда регионал характери режаларини ишлаб чиқади	Рекреацион районлар тўртини ишлаб чиқади	Рекреацион районларга тавсиф беради, уларнинг ривожланиш истикболи ва муаммоларини таҳлил этади
Тармоқлар географияси (иқтисодий география табиий		Ўрганилаётган объект рекреацион фаолиятга мослашишини баҳолаш методикасини ишлаб		ХРТнинг шаклланиши ва рекреацион фаолиятни чекловчи

география ва бошқалар)		чиқади		меъёрий ахборотларни ишлаб чиқади
------------------------	--	--------	--	-----------------------------------

Учинчидан, рекреацион фаолиятнинг ривожланиши натижасида табиий объектларни муҳофаза этиш, эъзозлаш, маданият мажмуаларини табиат билан уйғунлаштириш тизимини яратишда шахс иштирокини таъминлайди ва ўз навбатида рекреацион эҳтиёжни қаноатлантиришда жамоатчилик фаолиятини ривожлантиради.

Тўртинчидан, барқарор рекреацион тизимни яратишда қуйидаги омиллар, яъни эҳтиёж, фаолият йўналиши, тизимнинг яратилиш зарурияти ва унинг элементлари, системани ташкил этувчи ички ва ташқи алоқалар каби муҳим ўрин тутаяди.

Бешинчидан, рекреацион тизим фаолият вазифаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Олтинчидан, ўз тавсифига кўра, рекреацион тизим социологик, демографик, экологик, макон ва динамик тизимларнинг ҳам таркибий қисмидир.

Шундай қилиб, рекреацион тизим рекологиянинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади.

Рекреация туризмнинг муҳим асосини ташкил этиб, инсоннинг жисмоний, психологик интеллектуал кучи ва қувватини катта ишлаб чиқариш жараёнидир. Рекреация ва рекреацион фаолият билан боғлиқ тадқиқотлар замонавий фан тизимининг янги, яъни ёш йўналишлардан бири.

1963-1975 йилларда ҳозирги Россия Фанлар Академияси география институти мутахассислар жамоаси (В.С.Преображенский, Ю.А.Веденин, И.В.Зорин, В.Н.Лехонов, Л.И. Мухина, Л.С.Филиппович ва бошқалар) томонидан “Рекреацион географиянинг назарий асослари” номли монография тайёрланди ва бу монография кейинги шу каби тадқиқотлар учун асос сифатида хизмат қилди.

1992 йилда эса Россия халқаро туризм академиясида В.С.Преображенский, Ю.А.Веденин, И.В.Зорин, В.А.Квартольников, В.М.Кривошеев, Л.С.Филипповичлар муаллифлигида “Рекеалогия ва рекреацион география назарияси” номли янги монография чоп этилди. Унда кўп йиллик тадқиқотлар умумлаштирилган ва рекреалогия қандай ривожланиши лозимлиги тўғрисида; рекреацион тизим, рекреацион эҳтиёж бош омил сифатида, рекреацион фаолият тизимини ташкил этувчи омил сифатида, рекреацион тизим модели ҳақидаги концепция ёки дастури амал вазифасини ўтайди.

Рекреалогия – ландшафт ва унинг хусусиятларини бош омил ҳисобловчи биринчи фанлардан бири сифатида майдонга чиқди. Узоқ тарихий даврлар давомида қора металл, нефть қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва ҳатто қишлоқ хўжалигига фақатгина эҳтиёж маҳсулотлари етказиб берувчи ишлаб чиқариш тармоғи сифатида қоралар эди. Бироқ, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, туризмнинг ривожланиши табиатдан тўғри фойдаланишнинг маданий қарашларнинг оммавий тус олишига сабаб бўлди. Бу даврга келиб, фан-техника цивилизациясининг ривожланиши натижасида ҳар бир жой ландшафти бетакрор ва ўзига хос эканлигини инсоният англаб етди.

А.А.Минс ва В.С.Преображенскийлар фикрига кўра, ҳудудий тизимларни таҳлил қилиш натижасида шундай хулоса қилинадики, ландшафтнинг маҳаллий хусусиятларини сақлаб қолишда унинг ўзгарган ҳолатидан кўра, унга нисбатан муносабат ўзгаришини муҳим деб ҳисоблайди. Ҳақиқатда ҳам, инсониятнинг ландшафтларга муносабати рекреацион тизимнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Масалан, курорт, дам олиш, даволаниш каби рекреацион фаолиятлар муҳим специфик талабларга, яъни табиат мажмуалари ҳисобига таянади.

Хулоса қилиб айтганда, ландшафт фаолияти тамойили экологик-туристик тизим миллий боғлар ва туристик маршрутларни лойиҳалаштиришда жуда муҳимдир.

Рекреалогия ва рекреацион фаолиятнинг диққатга молик жиҳати шундаки рекреалогия объекти инсон бўлса, унинг тадқиқот предмети эса шахс ҳаётининг маънавий, жисмоний, ижтимоий қисми бўлиш бўш вақт фаолиятидир.

Рекреацион эҳтиёж юқорида таъкидлаганимиздек, аҳолининг маълум қисми (дам олувчилар) нинг жисмоний, маънавий, руҳий қувватини тиклаш эҳтиёжи. Бу эҳтиёж фақатгина жисмоний, руҳий, интеллектуал дам олиши тўғри ташкил этилган фаолият орқали амалга оширилиши мумкин.

“Рекреацион фаолият” бир гуруҳ аҳоли ёки инсон фаолияти билан боғлиқ тарихий тушунча ва “рекреацион машғулот” ва “машғулот цикли” тушунчалари билан ҳам боғлиқ. Рекреацион фаолият инсон фаолиятининг барча турлари билан боғлиқ бўлиши баробарида ўзининг специфик қирраларига ҳам эга. Масалан, Ю.Веденин рекреацион фаолиятни умуминсоний, миллий, шаҳар ва қишлоқларга хос қадриятлар, маданиятнинг этник гуруҳларига хос қирраларини англашга кўмаклашишини таъкидлаган.

Рекреацион фаолиятни тартиблаш ва бир вақтнинг ўзида даврийлигича эътибор қаратиш жуда муҳим. Чунки фаолият ҳар доим табиат ритми ва босқичи (сутка, фасл ёки мавсум) дам олувчиларнинг социал-маиший фаолияти билан боғлиқ. Дам олувчилар ва дам олишни ташкил этувчилар учун

рекреацион фаолиятни ташкиллаштиришнинг характерли шаклларида бири. Рекреацион фаолият цикллари рекреацион машғулотларни типларга ажратиш асосида шаклланади.

Оддий рекреацион машғулот (ОРМ) –рекреацион фаолиятнинг бўлинмас технологик компоненти бўлиб, молекула атомлари сингари бўлинмасдир. Бироқ, социологлар ҳисобларига кўра, уларнинг юз мингдан ортиқ турлари мавжуд. Улар сони йиллар давомида кўпайиб боради. Шу боис, уларни маълум типларининг таркибий қисми сифатида қоралади. ОРМ лар хусусиятлари ва вазифа бажаришдан келиб чиқиб маълумотлар кўламини йирикроқ гуруҳларга айлантириш асосида рекреацион фаолият типлари (РФТ) юзага келади. Масалан, туристлар қизиқиши доирасидаги маршрутларда бирор муаммо юзага келиши мумкин. (Ноқулай об-ҳаво ёки бирор объектнинг таъмирланиши жараёни). Бунда улар қизиқиши доирасидаги бошқа маршрут таклиф этилади.

Ўз навбатида, РФТ лар умумлаштирилиши рекреацион фаолият цикллари ташкил қилади.

Рекреацион фаолият цикллари (РФЦ) –РФТ ларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро шартлилиги асосида, етакчи РФТ базасида таркиб топади. Рекреацион фаолиятни цикллارга ажратишда табиий фасллар асосан эътиборга олинади. Масалан, Бойсун баҳори фестивалини фақатгина баҳорда ёки чанғи мавсумини фақат қишда ташкил қилиш мумкин.

Шундай қилиб, РФЦ тизимли таркибга эга ва рекреациянинг ҳам субъекти ҳам объектини ифода этади. Рекреацион фаолият цикли ёрдамида рекреацион эҳтиёжни мувофиқлаштириш ва уни амалга оширишда шарт-шароитлар яратади ва амалга ошириш технологиясини белгилайди.

Глоссарий

Рекреацион машғулот – дам олувчилар рекреацион фаолиятининг оддий тури.

Рекреацион вақт – рекреацион фаолият учун сарфланадиган (ижтимоий) вақт қисми.

Рекреацион макон – дам олувчилар ва дам олишни ташкил қилувчилар фаолияти натижасида шаклланадиган, рекреацион фаолият учун фойдаланиладиган ижтимоий маконнинг бир қисми.

Қўшимча маълумотлар

Илк бор туризм саноати чегарасини белгилашга уриниш Францияда юз берган, яъни 1979 йилда миллий ҳисоблар тизимининг «Сетелиг ҳисоби» ишлаб чиқилган. Бу воқеанинг ҳақиқатга яқинлиги шундаки, ҳозирга қадар бошқа мамлакатларда фақат туризм учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхоналар мавжуд эмас.

Туризм саноатини шундай корхоналар ташкил этадики, улар ишлаб чиқарган товарлар ва хизматлар ёки бир бутун ишлаб чиқариш туризмсиз фаолият юрита олмайди. Уларга:

- 1. Меҳмонхоналар, кемпинглар, пансионатлар учун хизмат кўрсатувчи корхоналар умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини киритиш мумкин, уларнинг асосий истемолчилари рекреантлар ёки туристлар ҳисобланади;*
- 2. Туристик ёки рекреацион фаолиятни (келиш ёки кетишни) ташкиллаштирувчи туристик фирмалар;*
- 3. Туристлар ёки рекреантларни ташиш билан шуғулланувчи транспорт корхоналари;*
- 4. Туристик саноат мутахассисларининг малакасини оширувчи ва қайта тайёрловчи укув муассасалари;*
- 5. Туризмни бошқариш органлари ва илмий тадқиқот муассасалари;*
- 6. Ахборот ва реклама хизматлари;*
- 7. Туристлар эҳтиёжи учун товар ишлаб чиқарувчи корхоналар;*
- 8. Туристлар эҳтиёжи учун товарлар етказиб берувчи чакана савдо корхоналари.*

Шунингдек, туризм саноатига хизмат қилишда бошқа кўмаклашувчи корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти мутлоқ туризм билан боғлиқ бўлмагани ҳолда, мавсумий хизмат кўрсатишда улар ўз фаолиятини эҳтиёж даражасида кенгайтира олади. Улар:

- 1. енгил автоуловларни ижарага берувчи корхоналар;*
- 2. туристлар ёки рекреантларнинг экскурсия хизмати учун автобуслар етказиб берувчи хўжаликлар;*
- 3. такси парклари*
- 4. ресторанлар, кафелар*
- 5. маиший хизмат кўрсатиш муассасалари.*

Савол ва топшириқлар

1. Рекреацион география нимани ўрганади?
2. Рекреацион тизим таркибига нималар киради?
3. Табиий ва маданий мажмуаларга тавсиф беринг.
4. Тарихий қиёслаш ва иқтисодий – математик усулларга тавсиф беринг.
5. Статистик ва кўп ўлчамли статистик усулларга тавсиф беринг.
6. Қиёсий ва иқтисодий қиёсий таҳлил усулига тавсиф беринг.
7. Меъёрий-баланс ҳисоби ва картографик усулларга тавсиф беринг.
8. Социологик сўровлар ўтказиш усулига тавсиф беринг.
9. Районлаштириш ва омилларни таҳлил қилиш усулига тавсиф беринг.
10. Аэрокосмик тадқиқот усулларига тавсиф беринг.
11. Рекреацион машғулоти нима?
12. Рекреацион вақт ва макон тушунчаларини изоҳланг.

Назорат тестлари

1. «Худудий рекреацион тизимлар, турли хил рекреацион тизимларнинг шаклланиши, ривожланиши ва тарқалиши рекреацион географиянинг ўрганиш объектидир»-деган тушунча муаллифини белгиланг.

- А) А.А.Минц
- Б) В.С.Переображенский
- В) И.П.Герасимов
- Г) А.Д.Лебедев

2. Дам оловчилар гуруҳи, табиий ва маданий мажмуалар, техник тизим, хизмат кўрсатувчилар, бошқарув органлари каби рекреацион эҳтиёжларни таъминлаш гуруҳларини ўз ичига олган ижтимоий демоэкологик тизим қандай номланади?

- А) Рекреацион машғулоти
- Б) Рекреацион вақт
- В) Рекреацион тизим
- Г) Рекреацион макон

3. Францияда миллий ҳисоблар тизимининг «Сателлит ҳисоби» нечанчи йилда ишлаб чиқилган.

- А) 1936
- Б) 1954
- В) 1979
- Г) 1986

4. Рекреацион фаолиятни умуминсоний миллий шаҳар ва қишлоқларга хос қадриятлар, маданиятнинг этник гуруҳларига хос қирраларини аниқлашга кўмаклашишини таъкидлаган олимни белгиланг.

- А) А.А.Минц
- Б) Ю.А.Веденин
- В) В.С.Переображенский
- Г) А.Д.Лебедев

5. Рекреацион фаолиятнинг бўлинмас компонентини белгиланг.

- А) Оддий рекреацион машғулот
- Б) Рекреацион фаолият типлари
- В) Рекреацион фаолият цикллари
- Г) Рекреацион эҳтиёж

Адабиётлар

1. Қаюмов А.,Расулов М., Умаров С., Якубов Ў.Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти. Т., 2005, 74-75 б.
2. Ж.Қорабоев, Т.Мирзалиев. Миллий атласларнинг мақсади, мазмуни ва улардаги карталарга қўйиладиган талаблар //“Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шаклланиши ва ривожланиши”. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Термиз, 2006, -194 б.
- 3.Солиев А., Маҳмадалиев Р. “География фанининг уфқлари ва географлар географияси” //Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 23-жилд. –Т.: 2003, -8 б.

II БОБ. РЕКРЕАЦИЯНИНГ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ, ЭКОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

1 §. Рекреациянинг сиёсий жараёнлар билан боғлиқлиги

Инсоният ҳаёт фаолиятининг иккита қутбий шакли мавжуд. Шулардан бири ишлаб чиқариш кучларининг меҳнат сарфи билан боғлиқ бўлса, иккинчиси меҳнат қилиш давомида сарфланган руҳий, жисмоний энергияни қайта тиклаш билан боғлиқ. Бу икки қутбий шаклнинг диалектик уйғунлиги шундаки, меҳнат сарфи (меҳнат қобиляти, қуввати) қайта тикланмас экан унинг такрор сарф бўлиши мумкин эмас.

Инсоният тарихи, формациялар алмашинуви, халқаро меҳнат тақсимооти тарихига кўра, бир формация (бошқарув шакли) иккинчисини инкор этиши, яъни инкорни-инкор қонунига асосан бирининг ўрнини иккинчиси эгаллаган. Ва, ҳар гал инкорнинг асосини меҳнатнинг оғирлиги, инсон меҳнатига мувофиқ рағбатлантирилмаганлиги асос сифатида эътироф этади.

Шу боис, бу боғлиқлик тарихий характер касб этади. Бошқача қилиб айтганда, бу икки қутбий шакл ишлаб чиқариш тармоқларидаги ўзгаришларда бош омил вазифасини ўтайди. Масалан, Собиқ Иттифоқнинг режалаштирилган иқтисодий тизимида савдо-хизмат кўрсатиш соҳалари ҳозиргидек даражасида ривожланмаган эди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш моҳияти глобал аҳамият касб эта бораётганлиги, баъзан мамлакатдаги табиий ресурслар мамлакатларининг ривожланишида етарли асос бўла олмаётганлиги, яъни, инсон омили, интеллектуал салоҳият унинг ўрнини қоплаётганлиги, маълум. Буни Япония, Швейцария давлатлари мисолида кўриш мумкин.

Рекреация инсон меҳнати қобилятини қайта тиклаш доирасида содир бўладиган жараён сифатида характерланади. Қатъий айтилганда, бу кўрсаткич жамият ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлиги билан боғлиқ.

Шунингдек, иш вақти бирлиги ҳам ўз навбатида рекреацион фаолият “ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги” ва хизмат кўрсатиш тизимининг тўла глобал вазифа бажариш билан боғлиқ бўлади. Масалан, Данияда аҳоли манзилгоҳларида қурилган кўнгил очар манзилгоҳлари, аттракционлар, болалар ўйингоҳлари, ҳовузларнинг қурилиши ва тинимсиз хизмат кўрсатилишининг барчаси чиқинди йиғувчи муассасалар ҳисобидан бажарилар экан. Аҳоли қоғоз, шиша синиғи, чиқинди металллар, полиэтилен чиқиндиларини ўз ўрнига ташлаш орқали чиқинди йиғувчи ва иккиламчи маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналарга катта даромад келтиришади. Ҳатто кишиларнинг эшик олди зиналаригача тозалаб қўйиши улар зиммасида бўлиб, аҳолидан хизмат хақи олинмайди. Афсуски, хизмат кўрсатиш тизимидаги таркибий муаммолар ва уларнинг омиллари барча мамлакатларда

рекреацион вазифани тўла бажариш имконини бермайди. Натижада кишиларнинг рекреацион вақти қисқаради.

Меҳнат қобилиятини қайта тиклашнинг вазифа бажаришига кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин;

I-иш вақти давомидаги танаффус.

II-иш вақтидан сўнг, ҳар куни (парклар, театр)

III-иш ҳафтаси охирида, ҳар ҳафтада (шаҳар атрофи, дала ҳовли, зоопарк ва бошқалар)

IV-йиллик таътил даври (курорт шаҳарлар, санаториялар, дам олиш уйлари в.б.)

Юқоридаги рекреация шакллариининг барчасида даврий меҳнат қобилиятини қайта тиклаш бош масала ҳисобланади. Баъзан рекреацион фаолиятнинг қисқаришига нафақат, транспортнинг кечикиши, магазин ёки хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолиятининг сустлиги балки, ҳукуқлардаги этник, адоватлар, сиёсий барқарорлик каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатади.

Масалан, 70-80 йилларда Кавказ, Қрим, Карпат, Болтиқ бўйи, Урал, Жанубий Сибирь ва Узоқ Шарқ, Чехия, Словакия, Болгария, Югославия минтақаларида рекреацион фаолият юксак даражада ривожланган эди. 1986 йилдаги Чернобиль ҳалокати 90 йиллардаги миллий тўқнашувлар натижасида шаклланган тизим бутунлай издан чикди. Бу нафақат, Собик Иттифок таркибидаги мамлакатлар билан, бутун Евросиё материғида жойлашган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Бирок, ўша даврда ўзининг рекреацион шарт-шароитларини тўла намоён қилиш имкони бўлмаган баъзи давлатларда рекреацион фаолиятнинг ривожланишига асос солинишига сабаб бўлди. Жумладан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда юзлаб муқаддас зиёратгоҳлар қайта таъмирланди ва дунё юзини кўрди. Ўрта асрлар маданияти, илм-фани, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётидан гувоҳлик берувчи бу манзилгоҳлар ҳақида шу ҳудудда бир умр яшаб келаётган кишилар ҳам маълумотга эга эмас эди.

Бугунги кунда дунё бўйлаб рекреацион фаолиятнинг ривожланишига ҳудудлардаги минтақавий барқарорлик, миллий, диний адоватлар, сиёсий тўқнашувлар, терроризм, экстремизм; каби ҳолатларнинг авж олганлиги ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Юқоридаги ёндашувлар билан бирга рекреацион фаолиятдаги экологик рекреация аҳамиятини ҳам ҳисобга олиш лозим. Экологик рекреация тижорат рекреациясидан фарқли равишда кишиларнинг жонли, руҳий қувватини қайта тиклашда муҳим аҳамият касб этади.

2 §. Рекреациянинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқлиги

Барча ижтимоий-иқтисодий жараёнлар сингари рекреацион фаолият ҳам ўзининг ривожланиш тарихига эга. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврлардаги дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барқарорланиши рекреация темпининг ўсиши ҳамда миқёснинг кенгайишига олиб келди.

1950-1976 йилларда халқаро туризм кўрсаткичлари*

Йиллар	Туристлар сони		Ялпи валюта тушумлари		Валюта тушумлари 1 туристга	
	Млн киши	1950 йилга нисбатан %	Млрд доллар	1950 йилга нисбатан %	Доллар	1950 йилга нисбатан %
1950	25,3	100	2,1	100	84,0	100
1960	71,2	281	6,8	324	95,5	114
1965	113,9	456	11,0	524	96,8	115
1970	169,0	668	17,9	852	105,8	126
1973	215,0	849	27,6	1314	128,1	153
1976	219,0	866	40,0	1860	182,7	217

*Халқаро туристик ташкилоти йилномалари маълумотлари

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, саёҳат даврида бир турист бир неча мамлакатларга саёҳат қилади. Шунга кўра ҳақиқатда туристлар сони келтирилган маълумотлардан озроқ. 1976 йилда эса даромад кўрсаткичлари 40 млрд. долларга етди. Рекреация – соғлом турмуш тарзининг узвий таркибий қисмидир. Жаҳон халқлари маданияти, турмуш тарзини ўрганиш баробарида ўз миллий маданияти, қадриятларини намойиш этиш орқали, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ўз навбатида рекреациянинг асосий вазифалари қаторида туради.

Рекреациянинг умумий вазифа бажаришини тўртта асосий гуруҳга ажратиш мумкин. Улар қуйидагилар: 1) тиббий биологик 2) ижтимоий-маданий 3) иқтисодий 4) сиёсий вазифа бажариши.

Товар-пул муносабатларига кўра, рекреация яна бошқа вазифани ҳам бажаради. Масалан, 1) дам олувчи рекреацион фаолиятда иштирок этади ва рекреацион фаолиятнинг кенгайишига ўз хиссасини қўшади. Рекреацион фаолиятнинг кўплаб маданий-маиший муассасаларнинг пайдо бўлиши, иш ўринларининг кўпайиши имконини беради; 2) рекреация пул-товар ёки хизматларнинг айланишига таъсир кўрсатади. Рекерантлар сони қанча кўп

бўлса, бу айланиш шунча тезлашади; 3) хорижий туристларнинг ташрифи эса мамлакат учун валюта тушумларининг ортишига олиб келади.

Рекреациянинг ғоявий-сиёсий вазифа бажариши ҳам кишиларда табиатга халқларга, уларнинг ривожланиш тарихи, турмушининг афзал хусусиятларини англашда муҳим восита сифатида хизмат қилади. Туризм кишиларда байналминаллик, ватанпарварлик, ташаббускорлик каби туйғуларнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Мамлакатлар, миллатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг кенгайишига йўл очади. Турли касб эгалари учун малака ошириш имконини беради.

3 §. Рекреациянинг экологик жараёнлар билан боғлиқлиги

Рекреацион концепциялари рекреология инсон экологиясининг илмий тамойилларига кўра асосланган фанлараро рекреацион тизим доирасида ривожланади. Рекреациянинг ривожланиши натижасида мамлакатларнинг рекреацион масканларида ландшафт ўзгаришлар содир бўлади. Чунки жой ландшафти маданий ландшафтлар билан уйғунлашганда инсон руҳиятида эмоционал-эстетик ҳис уйғотади. Кўпчилик ҳолатида инсон табиий ва маданий ландшафтлар тўқнашган ҳудудда дам олишни истади. Халқаро туризм эволюцияси жараёнида доимо давлатлар ўз аҳоли манзилгоҳлари ва ландшафтларини намойиш этишга интилади.

Табиатдан рекреацион мақсадларда фойдаланиш баъзи ҳолатларда табиат комплекслари учун жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Чунки рекреацион ресурслар ҳам табиатнинг бошқа ресурслари сингари чекланган. Ундан фойдаланиш тўғрисида гапирганда йиллар давомида, улар жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги эътиборга олинади.

Масалан, тоғ ёнбағирларида сув омборларининг қурилишини олайлик, сув омборларини қуриш жараёни баъзан бир неча ўн йилларни ўз ичига олади. Мантиқан олганда, жуда катта меҳнат сарфланади. Битта сув омбори қурилиши натижасида ўнлаб, баъзан юзлаб аҳоли манзилгоҳлари қурилади. Қишлоқ хўжалиги учун янги ерлар очилади. 20-30 йил давомида жуда катта ўзгаришлар содир этилади. Табиий ландшафтлар маданий ландшафтларга айланади. Оқибатда табиий комплекслар издан чиқади. Агар биргина омил, тоғлар ёнбағирларидаги тупроқ типлари ва хусусиятлари эътиборга олинмаса, 40-50 йил ўтгандан сўнг, сув омбори ҳавзаси 50-60 фоизга қисқаради. Натижада, вегетация даври давомида қишлоқ хўжалиги, аҳоли манзилгоҳларини саноат корхоналарини сув билан таъминлашда жиддий муаммолар юзага келади.

Рекреацион фаолиятни кенг ривожлантириш оқилона ташкил этилмаса, аҳолининг нафақат, рекреацион фаолияти балки кундалик турмуш тарзида жиддий ўзгаришларни содир этади.

Шундай экан, рекреацион фаолиятнинг кенг ривожланиши фан учун янги илмий, аҳоли учун оммавий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳозирги кунда бу каби муаммолар бутун жаҳон мамлакатлари учун хавф туғдирмоқда, қайсидир ҳудудда курфокчилик ҳукм суриб дарёлар қуриб қолса, қайсидир ҳудудларда баъзи мавсумларда тинимсиз ёмғирлар натижасида дарёлар ўз ўзидан тошиб чиқиши аҳоли манзилгоҳлари, қишлоқ хўжалиги экинлари, саноат корхоналарини вайрон қилиши каби курофатлар инсоният тақдирининг қисмига айланмоқда.

Шу боис, рекреацион географиянинг амалий вазифаси табиатдан рекреацион фойдаланишнинг асосларини ишлаб чиқишда ландшафтлар тузилиши, ўзгариш ҳолати ва бу ҳолатнинг ривожланиши қонуниятларини эътиборга олишни тақозо этади.

Албатта, кўпчилик ҳолатда, сув омборлари қуриш, янги қишлоқ хўжалиги ерларини очиш, саноатни, қолаверса рекреацион фаолиятни ривожлантириш инсониятнинг ҳаётий эҳтиёжи ҳисобланиб, бу жараёнларга сармоялар ажратилганда ландшафт ўзгаришлари, юзага келиши мумкин бўлган экологик муаммолар эътиборга олинмайди.

Шундан келиб чиқиб, табиатдан фойдаланишнинг барча турларида оқилона иш юритиш талаб этилади, табиатдан рекреацион фойдаланиш технологияси умумий табиатдан фойдаланишнинг таркибий қисми ҳисобланади ва уни амалга оширишда социал-иқтисодий, экологик қонунлар муштараклигини эътиборга олиш лозим.

Табиатдан фойдаланишнинг умумий тизими табиатни муҳофаза қилишнинг учта механизмини ўз ичига олади; 1) табиатдан фойдаланиш тизимини чегаралашнинг маъмурий ҳуқуқий механизми; 2) табиатдан фойдаланишнинг кўп мақсадли вариантини қамраб олган иқтисодий-режа ва маъмурий-ҳуқуқий механизми; 3) хўжалик ҳисобидаги ёки ижарадаги табиатдан фойдаланишнинг тўловли механизми, яъни, юзага келиши мумкин бўлган талофатларни қоплаш ижарачи зиммасига юкланади.

Табиатдан рекреацион фойдаланиш асослари мамлакатда шу соҳада олиб бориладиган таълим тарбия жараёнлари билан ҳам узвий боғлиқ. Кўплаб шарқ мутафаккирлари ўзларининг асосларида инсоният ҳаётининг давомийлиги бевосита табиат билан боғлиқлигини уқтиришга ҳаракат қилишган. Ҳар қандай диний қарашга эътибор берилса, табиатнинг мусаффолиги энг олий неъмат сифатида эътироф этилган. Демак, табиатни

муҳофаза этиш ундан оқилона фойдаланиш нафақат мактаб балки, олий таълим муассасаларида балки, оиладанок эътибор қаратиш лозим.



Табиатдан
фойдаланишдаги
рекреацион фаолият
юретишдаги тарбиявий
жиҳатларнинг босқичлари
ҳақида рус олими Д.Л.
Армонд 1969 йилдаёқ ўз
мулоҳазаларини ёзиб
қолдирган.

1. Рекреацион
жараёнларда табиат билан
маданий алоқада бўлиш
кўникма-ларни

шакллантириш болаликнинг илк давридан бошланиши лозим. Табиатни муҳофаза қилишдаги умумий тарғиботлар ва бу йўналишдаги болалар тарбияси ҳақида барча замонавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши лозим.

2. Мактабда аввало, география ва табиий билимлар дарсларида табиатни муҳофаза этишнинг барча элементларига эътибор қаратилиши лозим.
3. Университетларда махсус факультетларни ташкил этиш орқали табиатни муҳофаза қилиш курсларини чуқур ўрганиш. Ихтисослашган даражада туризм назоратчилари ва экскурсоводлар тайёрланишини ташкил этиш зарурияти.
4. Туристларга улар саёҳат қилаётган ўлка табиатни англаш орқали кўпроқ роҳат олиши мумкинлигини бадиий, тарихий ахборотлар орқали уқтириш.
5. Дам олиш масканлари, миллий боғларда тартиб сақловчи, ёнгиндан қўриқчиси, тиббиёт ходимлари, чиқиндиларни йиғиштурувчилар ишларини қатъий тартибли ташкил этиш. Ҳудуднинг табиийлиги ва тозалигига аҳамиятни кучайтириш.
6. Қўриқхона зоналарида қатъий тартиб ўрнатиш нима учун ташкил этилганлиги ва нима қўриқлаганлигини акс эттирувчи ҳар бир қўриқхона музей бўлимининг мақсадга мувофиқлиги.

Рекреацион ҳудудларининг санитар-эпидемиологик ҳолати интеграл кўрсаткич ҳисобланиб, у бир томондан аҳолининг саломатлик даражаси (касалланиш, ногиронлик, жисмоний ривожланиш даражаси каби демографик кўрсаткичлар) бошқа томондан атроф муҳит ҳолати (сув ва ҳавонинг

ифлосланиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, меҳнат хизмат кўрсатиш, дам олиш шароитлари) билан боғлиқ.

Ўзбекистондаги санитар эпидемиологик вазият тахминга кўра, охирги ўн йил давомида аҳоли саломатлиги ва атроф муҳит ҳолатини ифодаловчи алоҳида кўрсаткичлар таҳлилида ижобий томони ўзгариш кузатилмайди. Шунингдек, у вақт оралиғида атроф муҳит билан боғлиқ саломатликнинг қатор муҳим кўрсаткичларида барқарор ва ижобий ўзгаришлар таъминланган. Охирги йилларда аҳолининг умумий ўлим кўрсаткичлари камайишига эришилди. 1991 йилда ҳар 1000 кишига аҳоли ўлими 6,2 ни ташкил этган бўлса, 2004 йилда 5,0 кишини ташкил қилди. 2004 йилда туғилиш коэффиценти 20,9, табиий ўсиш 14,5 бўлди.

2004 йилда даволаниш ва профилактика муассасаларига тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганларнинг аксарияти қон ва қон айланиш органлари касаллигига кўра, мурожаат қилганлар улуши умумий соғлигидан арз қилганларнинг Қорақалпоғистон Республикасида 48,6% ташкил этади.

Республикада бу турдаги касалликлар кўрсаткичи 27,07 % бўлди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларида нафас олиш органлари касаллиги шунга мувофиқ равишда 20,0%; 22,1% бўлди. Хоразм вилоятида овқат ҳазм қилиш органлари касаллиги кўрсаткичлари 18,5 ташкил қилган.

Сув таъминоти хавфсизлиги республика аҳолиси хавфсизлигининг таркибий қисмларидан бири. Шунинг учун санитария-эпидемиология хизмати ичимлик сувларини доимий назорат қилиб туради.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида келгусида қуйидаги масалалар ўз ечимини топиш лозим.

1. Келгусида сув, тупроқ тозаллиги ва сифат меъёрларига яқинлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати; меҳнат, хизмат кўрсатиш ва дам олиш шароитлари яхшилашнинг қонуний меъёрий талабларининг таъминлаш.

2. Сув, тупроқ, ҳавонинг ифлосланиши, озиқ-овқат маҳсулотлари спорти устида ишловчи мутассади ва ижрочи ходимларни ихтисослик даражасини чуқурлаштириш ва амалдагиларини қайта тайёрлаш;

3. Санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техник базасини мувофиқлаштириш;

4. Келгусида экологик ва аҳоли саломатлиги муаммоларини бартараф этиш мақсадида соғлиқни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш муассасалари фаолиятини интеграциялаш.

Глоссарий

Рекреациянинг тиббий-биологик вазифа бажариши санитар-курорт доволаниш ва соғломлаштиришдан тушкунлик билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишда кўмаклашади.

Рекреациянинг ижтимоий-маданий вазифа бажариши энг муҳим жиҳатидир. Маданий ёки маънавий эҳтиёж биринчи навбатида дунёни кенг маънода англаш ва унда ўз ўрнини билиш эҳтиёжидир. Рекреацион фаолият ўз мамлакати ва бутун дунёни, алоҳида давлатларнинг маданияти, тарихи ва ижтимоий қийматларини ва табиат билан инсоннинг маънавий мулоқоти учун кенг имконият очади.

Рекреациянинг ижтимоий вазифа бажаришида ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат қобилиятларини қайта тиклаш бош ўринни эгаллайди. Чунки, ишчи ва хизматчилар дам олиши давомида меҳнат қобилиятини тиклайдилар, руҳи тетикланади., яъни гўёки янги мавсум учун ишга отланаётгандай кайфиятда яна иш ўрнига қайтади. Уларнинг меҳнат қобилиятининг ортиши ишлаб чиқариш самарадорлигини ортишига олиб келади.

Қўшимча маълумотлар

Tourist-сўзи илк мартаба XIX аср бошида Англияда пайдо бўлиб, ўз шахсий эҳтиёжи ёки маданий дунёқарашини кенгайтириш учун саёҳат қилувчи кишиларга нисбатан қўлланилган. БМТ белгилашига кўра, турист- бу бирор жойга бир кечадан ортиқ ва бир йилдан кам муддатга саёҳат учун борган шахслардир. Туризм- бу динамик тараққиётдаги истеъмолга йўналтирилган фаолият тизимидир.

Замонавий туризмнинг бошланиши XIX асрнинг 40- йилларига тўғри келиб, бу даврда инглиз тадбиркори Т. Кук мамлакат ичкарасида бир қанча экскурсия ва саёҳатлар ташкил қилган ва кейинчалик, 1885 йилда парижга бутун жаҳон кўрғазмасига саёҳат уюштирган. Т. Кук ташкил этган бу бизнес тармоғи салмоқли даромад келтира бошлагач туризмга бошқа тадбиркорларнинг ҳам қизиқиши ортиди. Даврлар ўтиб турли мамлакатларда дунё бўйлаб экскурсиялар ва саёҳатлар ташкил қилувчи туристик компаниялар пайдо бўлди.

XX асрга келиб, туризмнинг ривожланишида транспорт муҳим ўрин эгаллаган. Буни ўтган асрда транспорт воситаларининг такомиллашуви, темир йўлларнинг тараққиёти, Янги сув йўлларининг очилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, «Сувайш» каналининг қурилиши Ўрта ер денгизи қирғоқларидаги мамлакатларда туризмнинг ривожланишига сабаб бўлди.

Савол ва топшириқлар

1. Меҳнат қобилиятини тиклаш вазифа бажаришига кўра қандай турларга ажратилади.
2. Рекреациянинг сиёсий жараёнлар билан боғлиқлигини изоҳланг.
3. 90- йилларда рекреацион фаолиятнинг қисқаришига қайси омиллар таъсир кўрсатди?
4. Рекреациянинг ижтимоий –иқтисодий жараёнлар билан боғлиқлигини изоҳланг.
5. 1950-76 йиллардаги халқаро туризм кўрсаткичларига тавсиф беринг.
6. Рекреациянинг умумий вазифа бажаришининг тўртта асосий гуруҳини изоҳланг.
7. Товар-пул муносабатларига кўра рекреация қандай вазифаларни бажаради.
8. Рекреациянинг экологик жараёнлар билан боғлиқлигига изоҳ беринг.
9. Табиатни муҳофаза қилишнинг учта механизмига тавсиф беринг.
10. Рус олими Д. Л. Армонднинг табиатни муҳофаза этишнинг тарбиявий жиҳатлари тўғрисидаги мулоҳазаларига изоҳ беринг.

Назорат тестлари

1. Экологик рекреациянинг тижорат рекреациясидан фарқи нимада?
А) Бўш вақтнинг кўплигида
Б) Фаолиятнинг тижорат билан боғлиқ бўлмаганлигида
В) Дунё мўъжизаларини кўриш имкониятининг кўплигида
Г) Жонли, рухий қувватни қайта тиклашда
2. Тушкунлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга кўмаклашувчи рекреация вазифасини белгиланг.
А) Тиббий-биологик
Б) Ижтимоий-маданий
В) Иқтисодий
Г) Сиёсий
3. Рекреацион фаолият юритишдаги тарбиявий жиҳатларнинг босқичлари ҳақидаги мулоҳазаларини ёзиб қолдирган олимни белгиланг.
А) Т.Кук
Б) А.А.Минц
В) Д.Л.Армонд
Г) Л.И.Мухина

4. Турист сўзи илк маротаба қаерда пайдо бўлган?

- А) Грецияда
- Б) Англияда
- В) Италияда
- Г) Францияда

5. Замонавий туризмнинг бошланиш даврини белгиланг.

- А) XIX асрнинг 40-йиллари
- Б) XIX асрнинг 2-ярми
- В) XX асрнинг 50-йиллари
- Г) XX асрнинг 2-ярми

Адабиётлар

1. В.С. Переображенский. Теоритические основы рекреационной географии М., «Наука» 1975.
2. Н.С. Мироненко, И.Т. Твердохлебов. Рекреационная география. Изд. Московского Университета 1981.
3. Журнал «Отдохни», № 43,45,49/ 2001, Изд. «Бурда»
4. Журнал «Отдых и путешествия», № 19/ 2001.

III БОБ.

РЕКРЕАЦИОН ИСТЕЪМОЛ-РЕКРЕАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ХУДУДИЙ ВА МУДДАТЛИ ТУЗИЛМАЛАРИ СИФАТИДА

1 §. Умумий, гуруҳли ва индивидуал (якка тартибдаги) рекреацион истеъмолнинг ўзаро боғлиқлиги

Рекреацион истеъмол тарихан шаклланган ва бугунги кунда инсоният умумий истеъмолининг шакли ва тамойилини намоён этувчи, ўз навбатида ўзгарувчан жараёндир.

Дунё мамлакатлари бўйлаб рекреацион истеъмолнинг ўзгарувчанлиги рекреацион фаолиятнинг ташкил этилишидаги ҳудудий шакллари билан боғлиқ.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, мамлакатларнинг ҳудуди қанчалик катта бўлса, рекреацион фаолиятни ташкил этишдаги талаб ва таклиф ҳам шунча юқори бўлади. Масалан, собиқ Иттифоқ давридаги рекреацион фаолиятнинг районлашуви ўзига хос тарихий аҳамият касб этар эди. Рекреацион фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ ҳудди шундай ҳолатни ҳозирги Хитой ёки табиий жойлашувига кўра архипелагларга ажралган Малайзия каби давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Умуман, рекреацион фаолиятнинг районлашуви жараёни мамлакатнинг географик ўрни ёки унинг ҳудудининг орографик жойлашуви, иқлими, ички сувлари тақсимооти, маданияти ва архитектурасининг тарихан шаклланганлиги, оромгоҳлари каби жараёнлар билан боғлиқ.

Рекреацион истеъмол учта даражага ажратилади. Улар: умумий - гуруҳли – якка тартибли (индивидуал).

Булар ичида умумий рекреацион истеъмол доимо етакчилик қилади. Бироқ, уларнинг барчаси жисмоний ва руҳий қувватини тиклашдаги жамият истеъмолини ва унинг барча базаларининг ҳар томонлама ривожланишини билдиради.

Гуруҳли рекреацион истеъмол эса аҳолининг маълум ёшдаги ёки ижтимоий гуруҳининг истеъмолини англатади.

Якка тартибдаги рекреацион истеъмолга истеъмолга кўпгина рекреацион машғулотлар киради ва бунда истеъмолчи ўзини биринчи навбатда қизиқтирадиган истеъмолни қаноатлантиради.



Улар саломатликни тиклаш, чарчоқни босиш, атроф муҳитни кузатишга ишқибозлик, эстетик истеъмолни қаноатлантириш, маънавий озуқа олиш, кундалик турмуш тарзидан қочиш ва б. Масалан, республикамиздаги мавжуд сихатгоҳлар инсон саломатлигини тиклашдаги айрим соҳалари (жигар, ўт, юрак, ошқозон-ичак касалликларини даволашга) ихтисослашганлиги шу

сихатгоҳни қизиқтирган истеъмолчини ўзига жалб этади ёки эстетик истеъмолни қаноатлантириш, маънавий дам олиш учун тарихий шаҳарлар, зиёратгоҳлар, музейлар, сайлгоҳларга асосан истеъмолчилар боришади.

Якка тартибдаги истеъмол ривожланишининг ўзига хослигига кўра айрим ижтимоий гуруҳларнинг истеъмолини ҳам англатади. Масалан, турли симпозиумлар (олимлар, врачлар, технологлар), кино ва қўшиқ фестиваллари, ярмаркалар учун бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ижтимоий гуруҳларнинг ташрифини ижтимоий гуруҳлар истеъмоли сифатида белгилаш мумкин.

Мамлакатимизда ҳам мустақиллик йилларида турли қадимий шаҳарлар юбилейлари, симпозиумлар, форумлар, халқаро конференциялар, фестиваллар, халқаро спорт мусобақаларига эътибор ортиди. Натижада, республиканинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузининг ортишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимизнинг ислом маданияти марказига айланиши ҳам мустақиллик даврида бутун республика миқёсида зиёратгоҳларнинг таъмирланиши, уларга эътиборнинг ортганлигининг натижасидир.

2 §. Рекреацион истеъмолни тадқиқ этишнинг йўналишлари ва методлари

1980 йилларда шу соҳада тадқиқотлар олиб борган бир гуруҳ олимлар (Н.С.Мироненко, И.Т.Твердохлебов) фикрига кўра, рекреацион истеъмолнинг таркиби ва ҳажмини ўрганиш географиянинг вазифасига кирмайди. Бирок, ўтган ўттиз йил давомида географиянинг ўрганиш объекти анча кенгайди ва унинг замирида бир неча туркум фан тармоқлари шаклланди. Жумладан,

иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўзида саноат географияси, қишлоқ хўжалиги географияси, аҳоли географияси, шаҳарлар географияси, туризм географияси, медицина географияси каби фан тармоқлари пайдо бўлди. Шу боис рекреацион фаолият туризм географияси, медицина географиясининг ўрганиш объектига кирмаслигини эътироф эта олмаймиз.

Рекреацион истеъмол ҳажмини, унинг ривожланиш даражасини тизимли ўрганиш учун табиий, иқтисодий, демографик, социологик, ижтимоий-психологик, тиббий-биологик жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Рекреацион истеъмол мажмуали омиллар таъсирида бўладиган, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий иқтисодий омиллар: ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражаси; ишлаб чиқаришнинг истемол даражаси; хизмат кўрсатиш; туризм ва дам олиш тизимининг ривожланганлик даражаси; аҳолининг пул даромади; маҳсулот ва хизматларнинг чакана баҳоси; транспорт инфраструктурасининг ривожланганлик даражаси; аҳолининг таътил муддати; рекреацион районлар ва йўналишлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминланганлиги; аҳолининг ижтимоий ва касбий таркиби; аҳоли ҳаётининг маданий даражаси; аҳолининг урф-одатлари.

2. Демографик омиллар: шаҳар ва қишлоқ аҳолиси таркиби (урбанизация даражаси); аҳолининг ёш ва жинс таркиби; оила аъзолари сони ва таркиби; жойлашув хусусиятлари (турмуш тарзи)

3. Ижтимоий-психологик омиллар: мамлакатнинг маданий ва иқтисодий алоқалари (коммуникацияларнинг ривожланганлиги); маданий турмуш даражаси; моданинг аҳамияти; шахс кадр қиймати.

4. Тиббий-биологик омиллар: аҳолининг саломатлик даражаси.

5. Табиий омиллар: аҳоли яшайдиган табиат зонаси; денгиз, дарё, тоғ массивларига нисбатан географик жойлашув хусусиятлари.

Рекреацион истеъмол мамлакатларнинг иқтисодий ҳаёти ва маданий турмушида доимо янги вазифаларни белгилаш имконини беради. Чунки, рекреацион истеъмолнинг пайдо бўлиши учун иқтисодиёт ёки ишлаб чиқаришда маҳсулотлар ва хизматлар таклифининг пайдо бўлиши ва истеъмол учун тўлов қобилиятининг шу таклифга монанд ёки мос келиши лозим бўлади.

Рекреацион истеъмолни иқтисодий баҳолаш баҳолашнинг бошқа жиҳатларини ҳам эътиборга олади. Табиий, тиббий-биологик, социологик ва ижтимоий-психологик жиҳатлар шулар жумласидандир.

Рекреацион истеъмолни баҳолашнинг табиий жиҳатига эътибор қаратганда, рекреацион географиянинг тадқиқот усулларида берган таърифимиздаги тарихий қиёслаш усулидаги Қадимги Бобил фожеасини

эсланг. Бугунги кундаги табиат ёки атроф муҳитдаги бўлаётган ўзгаришлар инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига қандай таъсир кўрсатмоқда. Ҳатто, 1828 йилдаёқ, француз физиги Жозеф Фурье коинотдан келаётган қуёш нурларининг қайтиб кетиш қонуниятининг бузилишини парник ҳодисасига ўхшатган эди. 1896 йилда эса швед олими Сванте Арениус ис газининг атмосферада кўпайиб бораётганлигини таъкидлаган ва буни энергия манбалари (кўмир, нефть)дан кенг фойдаланилаётганлигининг оқибати эканлигини эътироф этган. 1990 йилларда БМТнинг ҳукуматлараро комиссияси 100 йилдан сўнг ер шари ҳарорати 6^0 С кўтарилишини, бу ўз навбатида охириги муз босиш даврининг бошланишига олиб келишини маълум қилган.

1997 йилда атмосфера чиқиндиларини камайтириш Киото протоколи қабул қилинди. Унга кўра, саноати ривожланган мамлакатлар 2008-2012 йиллар давомида атмосфера чиқиндиларининг ҳажмини 5,2 фоизга қисқартириши, жумладан, ЕИ давлатлари 8 фоизга, АҚШ 7 фоизга, Канада ва Япония 6 фоизга қисқартириши белгиланган.

Умуман олганда, рекреацион истеъмолни баҳолашда табиий шарт-шароит ўзгаришининг барча жиҳатларни эътиборга олиш ҳам муҳим аҳамиятга ккасб этади.

Рекреацион истеъмолни баҳолашда тиббий-биологик жиҳатни эътиборга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, даволаниш муассасалари, оромгоҳлар, шифо масканлари ҳажми, таркиби ва улар фаолиятининг самарадорлигини акс эттиради. Шу ўринда экологик вазият мушкул кечаётган, яъни сув босиши, ерларнинг шўрланиши, доимий ёнғинлар содир бўлаётган ҳудудларда улар фаолиятини самарали кечади деб бўлмайди. Шу ўринда мамлакатлардаги касалланиш, ўлим даражасининг юқорилиги ҳам эътиборга олинади. Ўтган яқин тарихда, бу масала ўз ечимини топмаганлиги сабабли собиқ Иттифокнинг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган Ўзбекистон учун мустақилликнинг дастлабки йилларида соҳани ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина муаммоларни бартараф этиш масаласини келтириб чиқарди. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш давомида республика атрофидаги мамлакатларнинг барчасида иқтисодий танглик юзага келган эди. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, мустақиллик даврида мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий турмуш тарзининг барқарор ривожланишига катта эътибор қаратилди.

2004 йилнинг январ ойи бошида БМТ системасидаги агентликлар ва нодавлат муассасалари БМТнинг Европа бўлимида Женева саломатлик соҳасида дунёда бўлаётган жараёнларни муҳокама этиш ва жараёнларнинг келгуси фаолиятини белгилаш учун тўпландилар. Йиғилишда 2015 йилгача оналар ва болалар ўлимини икки ҳиссага камайтириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Африканинг қашшоқ мамлакатларда аёллар ўлими 250 марта

юқорилигича қолмоқда. Касаллик билан мурожаат қилган болаларнинг ҳар 10 нафаридан 7 тасининг ҳаёти ўлим билан якун топмоқда. Бу каби шароитдаги мамлакатлар аҳолиси рекреацион фаолият ёки истеъмол кузатилмайди.

Дунёнинг алоҳида мамлакатларида оналар ва болалар ўлими (1999 й)

Мамлакатлар	Оналар ўлими ҳар 100000 тирик туғилган болага	Тирик туғилган болалар сони ҳар 1000 аҳолига	Мамлакатлар	Оналар ўлими ҳар 100000 тирик туғилган болага	Тирик туғилган болалар сони ҳар 1000 аҳолига
Ўзбекистон	31,2	12,3	Бельгия	22,3	11,25
Озарбойжон	43,39	14,72	Венгрия	4,23	9,40
Арманистон	32,87	9,60	Германия	-	9,36
Белорусь	20,39	9,28	Дания	-	12,45
Грузия	51,25	10,17	Италия	-	9,33
Қозоғистон	45,30	14,00	Латвия	41,25	7,98
Қирғизистон	46,10	21,40	Литва	13,73	9,84
Молдава	28,57	10,56	Руминия	41,77	10,45
Россия	44,21	8,37	Словакия	10,67	10,42
Тожикистон	53,90	18,60	Финляндия	-	11,15
Туркменистон	41,20	18,5	Чехия	6,71	8,70
Украина	25,18	7,84	Швеция	-	9,95
Австрия	1,28	9,66	Эстония	15,98	8,70
Болгария	-	8,80	Туркия	-	21,67

Жадвалга кўра, оналар ўлими энг юқори бўлган мамлакатларга Тожикистон, Грузия, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Озарбойжон, Руминия, Латвия, Туркменистон каби мамлакатларни киритиш мумкин. Аксинча, оналар ўлимининг камайишига эришган давлатларга Венгрия, Чехия, Словакия, Литва, Эстония каби мамлакатларни киритиш мумкин.

Шунингдек, болалар ўлими юқори бўлган давлатлар Туркия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби мамлакатларни киритиш мумкин. Аксинча, болалар ўлими салмоғини қисқартиришга эришган давлатларга Украина, Латвия, Россия, Чехия, Эстония, Болгария каби мамлакатларни киритиш мумкин. Умумий ҳолатда, бу жараёнлар БМТ томонидан мамлакатлардаги сихат-саломатликни белгилашдаги мезон сифатида қабул қилинган.

Рекреацион истеъмолни баҳолашнинг социологик ва ижтимоий-психологик жиҳатига кўра, рекреацион истеъмолнинг ижтимоий гуруҳ ва якка тартибдаги даражаси атроф-муҳит билан боғлаб ўрганади.

Рекреацион маконни ташкил этиш тартиби, шунингдек, маконнинг рекреантга таъсир этишида унинг социологик ва ижтимоий-психологик

даражаси муҳим ўрин тутди. Шу сабабли рекреацион фаолиятни ўрганишда социологик ва ижтимоий-психологик жиҳатнинг роли юқори. Социология турли ижтимоий гуруҳларнинг рекреацион истеъмолининг ўта назик жиҳатларини ўрганади. Ижтимоий психология рекреацион муҳитдаги ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг психологик хусусиятларини ўрганади.

Бунда географияни авваламбор, ижтимоий ҳудудий умумийликнинг қимматли йўналиши қизиқтиради. Бу умумийлик умумий ҳудуддаги яшаш омили сифатида ҳудуддаги муносабатлар тизимини боғлаб туради (Шепанский, 1969).

Рекреацион истеъмол билан боғлиқ социологик тадқиқотлар мажмуали ўтказилади. Бунда навбатдаги босқичлар ажратилади:

1. Мавжуд статистик маълумотлар асосида дам олишнинг замонавий анъаналарини ўрганиш;

2. Рекреация ва унинг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган шарт шароитларни ишлаб чиқиш;

3. Аҳоли ўртасида анкета сўровларини ўтказиш;

4. Рекреация ривожланишининг келгуси истиқболларини белгилаб олиш;

5. Рекреацион фаолиятнинг қайта тақдимотини ташкил этишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

6. Рекреацион фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларда юзага келиши мумкин бўлган қалтисликлардан чиқиб кетиш шарт-шароитларини ишлаб чиқиш.

Анкета сўровларини ўтказиш усулидан фойдаланиш юқорида таъкидлаганимиздек, доимо кутилган натижаларни бермаслиги мумкин. Бу ўз навбатида рекреантларнинг социал гуруҳларининг турмуш тарзини ташкил этиш билан боғлиқ маданий қирралари, дам олишга қўйиладиган замонавий талаблар тўғрисида етарлича ахборотлар билан таъминланмаганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, рекреацион истеъмолни ўрганиш, дам олиш қонуниятларини ишлаб чиқиш ва ҳудудий рекреацион тизимларнинг ривожланишидаги дастлабки босқич вазифасини ўтайди.

Глоссарий

Рекреацион истеъмолни иқтисодий баҳолаш – муҳим масалалардан бири бўлиб, ҳозирги даврда мамлакатнинг барқарор ривожланиши, жамият иқтисодий фаровонлигини белгилашнинг асосий мезони сифатида майдонга чиқади.

Қўшимча маълумотлар

Рекреацион туризм кўпчилик мамлакатлар учун туризмнинг оммавий тус олишидир. Испания, Италия, Болгарияда рекреацион туризм кенг тарқалган бўлиб, Миср, Греция ва Франциядаги туризм хусусиятларидан фарқ қилади, яъни туристлар ёки рекреантлар учун хизмат қилишда ҳаво транспорти (кичик рейслар фақат туризм учун) сув ва темир йўл транспортлари муҳим ўрин тутади.

Халқаро туризм ва рекреацион фаолият ҳақида сўз юритилганда Франциянинг ўрни алоҳида қайд этилади. Мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган туризмда 1,5 млн. киши банд. 2000 йилда Францияда 75,5 млн. хорижлик туристлар ёки рекреантлар қабул қилинган. Бу мамлакат иқтисодиётига 3278 млрд. евро миқдоридаги валюта тушумларини олиб кирган. Мамлакатга кўпчилик сайёҳлар Нидерландия, Италия ва Буюк Британиядан ташириф буюришади. Умумий ҳолатда, ЯИМнинг 2,2 фоизи туризм ҳисобига тўғри келади.

Грециянинг асосий курортлари – Халкидики ярим ороли (шимолӣ Греция) Салоники шаҳридан 40 км узоқликда жойлашган бўлиб, Грециянинг дурдонаси ҳисобланади. Грециянинг ўсимликлар олами хилма-хиллиги океан сатҳига нисбатан алмашилиб боради. Қирғоқ районлардан 460м. апельсин, финик палмалари, анорзорлар ва тамаки плантациялари кенг тарқалган. 120м. дан 460метргача бўлган ҳудудларида доимий яшил ва баргли ўрмонлар катта ҳудудни эгаллаган. Ўрмонларда Европа айиғи, ёввойи тўнғиз, кийиклар; қушлардан пеликан, тустовуқ кўп учрайди.

Италияда дам олиш бевосита денгиз билан боглиқ бўлгани ҳолда, мамлакат бюджети даромадларининг катта қисмини ташиқил қилади. Денгиз қирғоғидаги пляжларда дам олиш, ёзги карновалларни томоша қилиш, қадимий иншоотлар ва музейлар мамлакатга туристлар оқимини таъминлайди. Туризм учун хизмат кўрсатишдан тушган даромад ЯИМнинг 6,9 фоизини ташиқил қилади ва хизмат кўрсатиш тармоғида меҳнатда банд аҳолининг 2,6 фоизи туризм билан боглиқ соҳаларда ишлайди. Шунга мувофиқ равишда соғлиқни сақлаш ва унга боглиқ хизмат кўрсатиш тармоқларида 5,1 ва 5,6фоиз, яқка тартибдаги тадбиркорлар кўрсатган хизматлар 11,1 ва 10,8 фоизни ташиқил қилади.

Савол ва топшириқлар

1. Умумий, гуруҳли ва якка тартибдаги рекреацион истеъмол тушунчаларини изоҳланг.
2. Рекреацион истеъмолнинг мажмуали омилларига тавсиф беринг.
3. Атмосфера чиқиндиларини камайтириш бўйича қабул қилинган Киото протоколига тавсиф беринг.
4. «Дунёнинг алоҳида мамлакатларида оналар ва болалар ўлими» жадвалига тавсиф беринг.
5. Рекреацион истеъмол билан боғлиқ социологик тадқиқотлар босқичларини санаб беринг.

Назорат тестлари

1. Рекреацион истеъмол даражаларини белгиланг.
А) Глобал, минтавий, маҳаллий
Б) Умумий, гуруҳли, якка тартибли
В) Жамият, корхона, шахс
Г) Республика, шаҳар, район
2. Ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражаси рекреацион истеъмол мажмуали омилларининг қайси бирига тегишли?
А) Иқтисодий
Б) Демографик
В) Ижтимоий-психологик
Г) Табиий
3. Атмосфера чиқиндиларини камайтириш Кито протоколи нечанчи йилда қабул қилинган?
А) 1936
Б) 1953
В) 1997
Г) 2002
4. Туризмда 1,5 млн. киши банд бўлган мамлакатни белгиланг.
А) Греция
Б) Испания
В) Италия
Г) Франция

5. Туризм учун хизмат кўрсатишдан тушган даромад ЯИМ нинг 6,9 фоизини ташкил қиладиган мамлакатни белгиланг.

- А) Греция
- Б) Испания
- В) Италия
- Г) Франция

Адабиётлар

- 5. В.С. Переображенский. Теоритические основы рекреационной географии М., «Наука» 1975.
- 6. Н.С. Мироненко, И.Т. Твердохлебов. Рекреационная география. Изд. Московского Университета 1981.
- 7. Журнал «Отдохни», № 43,45,49/ 2001, Изд. «Бурда»
- 8. Журнал «Отдых и путешествия», № 19F 2001.

IV БОБ.

РЕКРЕАЦИОН ФАОЛИЯТ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА ТАСНИФИ РЕКРЕАЦИОН ХУДУДЛАРНИНГ АСОСИЙ ТИПЛАРИ

1 §. Рекреацион фаолиятнинг таркибий хусусиятлари таснифи

Биз рекреацион географияни инсоннинг бўш вақтини кўнгилли, мазмунли ўтказиши ва дам олиши ҳақидаги фан сифатида тасаввур қиламиз. Одатда, инсоннинг бўш вақтини ташкил қилиш иш вақти ёки кундалик белгиланган машғулоти ташкил этишдан ҳам мураккаб жараён. Чунки, инсон ишлаши ёки меҳнат қилиши давомида ўзига тегишли вазифани бажаради, яъни бирор лавозим ёки вазифани у аниқ тасаввур қилади. Нимагаки, у ёки бу касбда меҳнат қилиш учун инсон узоқ вақт ниманидир ўрганади, малака ёки кўникма орттиради. Бир сўз билан айтганда, бирор касбга ихтисослашади.

Аҳолининг рекреацион фаолиятини бошқариш ёки тартибга солиш учун соҳа мутахассислари худди шу ихтисослаштишни таъминлашлари зарур. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу жараён иқтисодий, табиий, маданий, тиббий, психологик омиллар билан боғлиқлигича қолаверади. Айниқса, асрлар давомида орзуга айланган ва ниҳоят эндиgina ўз мустақиллигига эришган давлатларда миллийлик (менталитет) муҳим тамойил сифатида қадрланади. Шу боис, четдан кириб келадиган ҳар қандай уқтирувларни тўғридан тўғри қабул қилиб бўлмайди.

Шундай экан, рекреацион фаолият ҳам ўз хусусиятларига кўра, турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин. Чунки, бўш вақтни қандай ташкил қилиши турли мамлакатларда турлича кечади.

Бўш вақтни иккита асосий вазифани бажаради: 1) ишдан ажралмаган ҳолда инсоннинг ўз жисмоний қувватини тиклаши; 2) инсоннинг руҳий қувватининг тикланиши. Инсоннинг руҳий ва жисмоний қувватининг тикланиши эса, яхши овқатланиш, уйку, ҳаракат орқали қаноатлантирилади.

Рекреацион фаолиятнинг турли шакллари мавжуд. Улар чўмилиш, пиёда юриш, мева териш, ёдгорлик ёки зиёратгоҳларга бориш, музей ёки ярмаркаларни томоша қилиш ва бошқалар. Бу каби рекреацион фаолият дам олувчининг ихтиёрига кўра амалга ошади.

Рекреацион машғулот турларини тўртга бўлиш мумкин:

- а) рекреацион машғулотлар ёрдамида даволаниш;
- б) соғломлаштирувчи рекреацион машғулотлар;
- в) спорт билан боғлиқ рекреацион машғулотлар;
- г) дам олувчи онги ва тафаккурини бойитувчи машғулотлар.

Рекреацион машғулотлар ёрдамида даволаниш ва соғломлаштирувчи рекреацион машғулотлар оромгоҳ (санаторий)ларнинг кун тартибига кўра, ёки дам олувчининг ўз хоҳишига кўра, қуёш нурида тобланиш, балчиқли ванна қабул қилиш, чўмилиш, ўйинлар каби машғулотлар билан банд бўлиш киради. Спорт билан боғлиқ рекреацион машғулотлар инсоннинг жисмоний қувватини оширишга мўлжалланган тадбирларни жамлаган. Уларга сувда сузиш, қояларга тирмашиб чиқиш каби машғулотлар киради. Дам олувчининг онгини ва тафаккурини бойитувчи машғулотларга эса, юқорида таъкидлаганимиздек, музейлар, ёдгорликлар, кинотеатрлар, ярмаркаларга бориш каби машғулотларни ўз ичига олади.

Илмий адабиётларда рекреацион фаолиятнинг турлича таснифлаш (классификация) ва гуруҳлашни кузатиш мумкин. Уларнинг асосида рекреацион фаолиятнинг ҳукуқий мақоми, давомийлиги, ҳудудий белгилари, иштирокчилар сони, ижтимоий шарт-шароитлари, ҳаракат даражаси кабилар учрайди.

Рекреацион фаолият вазифа бажариши ва технологиясига кўра, даволаниш, соғломлаштириш ва танишув кабиларга ажратилади.

Даволаниш ва курорт рекреацияси асосан даволанишнинг табиий омилларига кўра фарқ қилади. Бу факторлар: иқлим омиллари, минерал булақлар, малҳамли балчиқлар кабилардир. Жумладан, Ўзбекистонда шу каби шифобахш сувлар кенг тарқалган. Уларнинг ҳар бири шифобахшлик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Республика жанубидаги “Омонхона”, “Анжир Ота” сувлари шулар жумласидандир. Бироқ, бу масканларга курорт даражасида баҳо бериб бўлмайди, яъни собиқ Иттифок даврида Кавказ ҳудудидаги минералли сувлар бўлиши билан бирга, денгиз ва тоғли минтақаларнинг яқинлиги, бу ҳудудларни курорт даражасига олиб чиққан эди. Аммо, юртимиздаги Шохимардонсой, Норин, Хумсан, Хонжиза каби тоғли минтақалар ўзининг табиати билан ўзига хос аҳамиятга эга.

Рекреацион фаолиятни таснифлаш

Рекреациянинг асосий йўналишлари	Рекреацион ресурслардан оқилона фойдаланиш характериға кўра	Худудий мақомға кўра	Давомийлигиға кўра	Худудий белгиларига кўра	Мавсумға кўра	Ташкил қилиш характериға кўра	Ёшлик белгиларига кўра	Иштирокчилар сонига кўра	Ижтимоий шарт-шароитига кўра	Ҳаракат даражасига кўра	Транспорт воситаларидан фойдаланиш характериға кўра
Даволаниш	Иқлимий шарт-шароитларға кўра даволаниш (денгиз ёки дарё бўйида, тоғ, текислик)	Миллий (ички), халқаро (хорижий)	Қисқа муддатли, узок муддатли	Шаҳар атрофи (маҳаллий), район ичида (умумдавлат), халқаро	Йил давомида, мавсумий: ёзги, қишки	Муддатли (режалаштирилган), ўз хоҳишиға кўра: ташкиллаштирилган, ташкиллаштирилмаган	Болалар, ёши катталар, аралаш	Якка тартибда гуруҳ	Марказдан қочувчи, марказга интилувчи	Стационар кўчманчи	Автомобилда (якка тартибда) Автобусда, самолётда (йўналишли, хусусий) Темир йўл
Спорт ва соғломлаштириш	Йўналишли чўмилиш, сув спорти, балиқ овлаш, ов қилиш, тоғ чанги, альпинизм										
Онғ ва тафаккурни бойитувчи	Маданий ва тарихий обидалар, ландшафтларни кузатиш, “Наврўз” баҳор байрамлари, кушларни асровчи ишқибозлар мусобақалари ва бошқалар										

Соғломлаштириш ва спорт рекреацияси. Дунё бўйича чўмилиш майдонларида (пляж) дам олиш ва сув спортининг ривожланганлиги, қуёш ваннаси, қирғоқ бўйлаб сайр қилиш анъанавий тус олган.

Рекреацион машғулотлар ичида *балиқ овлаш* оммавий тус олганлиги билан ажралиб туради. Албатта, ҳар бир мамлакатда балиқ овлаш ҳақидаги меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Балиқ овлаш эса шу қонунчилик доирасида амалга оширилади.

Овчилик – табиатда дам олиш машғулотлари ичида энг қизиқарлиси бўлиб, у мақсадга кўра турли кўринишга эга. Рекреацион машғулот сифатида фото ва кино овчилари нафақат дам олиши балки, ўз машғулотлари билан табиат муҳофазасига ҳисса қўшадилар.

Йўналишли туризм - туризмнинг барча жиҳатларини қамраб олади, яъни у ҳам даволаниш, ҳам спорт ва соғломлаштириш, ҳам онғ ва тафаккурни бойитувчи рекреацион фаолият характериға эга бўлиши мумкин. Йўналишли туризм “Ўлкашунослик” туризми билан узвий боғланган. Туризмнинг бу

йўналиши ўлкамиз учун жуда қадимийдир. Чунки, бутун дунё мамлакатлари тан олган “Буюк Ипак йўли” тарих саҳнасида ўз мавқеига эга. Қадимда бу ҳудудда (Республикаимизнинг ҳозирги кундаги ҳудудида) юзлаб қарвонсаройлар мавжуд бўлган IX-X асрларда Шарқ уйғонишининг пайдо бўлишидаги бош омил ҳам “Буюк Ипак йўли”нинг айнан шу минтақадан ўтганлигидир.

Баъзан, “Ўлкашунослик” билан шуғулланувчи мутахассислар, тадқиқотчилар, олимлар жойнинг табиатини акс эттирувчи суръатлар олади ёки ўқув-оммабоп, илмий фильмларни суратга туширади. Ҳар бир ўлканинг ўзига хос табиати доимо хориж сайёҳлари ёки рекреантларининг диққатини ўзига тортади. Масалан, канадаликлар Шимолий Канадага бўриларнинг увиллашини эшитиш учун махсус боришар экан.

Алпинизм ҳам худди шундай рекреацион спорт машғулоти дир. Дам олишнинг бу турида ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, хизмат кўрсатувчи мутахассислар ва қутқарувчилар гуруҳлари талаб этилади.

Тоғ чанги туризми – рекреацион фаолият ичида ўзига хос аҳамият касб этади. Бироқ, дам олишнинг бу турининг ўзига хос қалтисликлари ҳам мавжуд. Жумладан, қор кўчкиси чанги ҳалокати каби ҳодисалар дам оловчиларни чўчитиши мумкин. Мазкур қалтисликларни бартараф этиш учун қутқарув гуруҳлари, қор қалинлиги ва об-



ҳаво ўзгаришлари ҳақида ахборот бериб турувчи муассасаларнинг мавжудлиги ва улар фаолиятининг намунали ташкил этилиши соҳа ривожига самарали таъсир кўрсатади. Ҳозирги Чимён чанги мажмуаси республикаимизда бу турдаги рекреацион фаолиятнинг ягона масканидир.

Танишув рекреацияси – бирор жойнинг табиати, тарихи, маданияти, анъаналари, турмуш тарзи билан танишиш доимо дунё халқларининг диққатини ўзига жалб этиб келган. Мамлакатларнинг ўрта асрга хос ёдгорликлари уларнинг ўша давр тарихи, маданияти, илм-фанининг ривожланганлик даражаси, ҳўжалиги, турмуш тарзи ҳақида кенг маълумотлар беради.

Жойнинг табиати эса ҳар бир мамлакатда ўзига хос ва бетакрордир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозир 3700 га яқин ёввойи ўсимлик тури мавжуд. Улар орасида ўта ноёб эндемик турлари ҳам бор. Бундай турларнинг

сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10-12 фоизини ташкил этади. Шунингдек, сут эмизувчиларнинг 100 га яқин тури, судралиб юрувчиларнинг 60 га яқин тури, кушларнинг 400 дан ортиқ тури, балиқларнинг 40 дан ортиқ тури бор.

Конгресс туризми мутахассислар ва олимларнинг халқаро илмий-техник алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ. Рекреацион фаолиятнинг бу тури ҳар икки томон рекреантни қабул қилувчи томон учун ҳам рекреантни жўнатувчи давлат учун ҳам манфаатлидир. Рекреант учун кундалик бир меъёردаги иш фаолиятидан чалғиш, янги билим ва малакалар орттириш, сафардан сўнг янги режаларни тузиш, ҳамкорлик доирасини кенгайтириш имконини беради. Шунингдек, бир соҳадаги олимларнинг ўзаро фикр алмашилиши билан бирга шу соҳанинг дунё миқёсидаги жамоасининг шаклланиши имконини беради.

Рекреацион фаолиятни ташкил этиш ҳаракат даражасига кўра ҳам бўлинади. Бу, доимий ва мавсумий рекреацион фаолият турларидир. Мавсумий рекреацион фаолият табиат қонуни билан боғлиқ бўлганлиги боис, кам рентабелли бўлади ва рекреацион жараёнларга хизмат кўрсатувчилар учун кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш харақатига кўра, туризм автомобиль (якка тартибда), автобусда, самолётда (йўналишли, хусусий), темир йўлда, денгиз транспортида (бизнинг мамлакатимизда йўқ) туристларни ташиш кабиларга ажратилади.

Туризм учун хизмат кўрсатишда автомобиль транспортининг роли жуда муҳим. Дунё миқёсида автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 24,5 млн. км шундан 25 фоизи АҚШ ҳиссасига, яна тахминан шунчаси Япония, Хитой, Ҳиндистон ва Россия ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистонда эса автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 115 минг км. Республика мустақиллигига эришганидан сўнг, хорижий давлатлар билан боғловчи автомобиль йўлларини узайтириш ва кенгайтиришга эҳтиёж ортди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Андижон – Ўш-Эргаштом-Қошғар, Термиз-Герат-Карачи автомобиль йўлларини куриш ва таъмирлашда иштирок этмоқда. Бу кейинчалик, Хитойга, Покистонга шу орқали Ҳинд океанига чиқиш имконини беради.

Туризм ёки рекреацион фаолиятнинг кенгайишида ҳаво транспорти энг муҳим аҳамиятга эга. Қитъалараро пассажирларни ташиш ҳозирги кунда 1970 йилга нисбатан қарийб 60 мартага ошди. Ҳозирги кунда бир вақтнинг ўзида Атлантика океани устида юзлаб самолёт парвозда бўлади. Ўзбекистонга келувчи хорижлик туристлар асосан ҳаво транспорти орқали келади.

Дунё миқёсида темир йўлларнинг умумий узунлиги 1,2 млн. км бўлиб, туристларни мамлакатлар ичида ёки мамлакатлараро ташишда муҳим аҳамият

касб этади. Бугунги кунда дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатида темир йўллар ривожланган. Ўзбекистонда ҳозирги кунда темир йўлларнинг умумий узунлиги 7 минг км дан ортди. Республика мустақиллигидан кейинги йилларда, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Қўнғирот-Бейнов темир йўли қурилди.

Туристларни ташишда сув транспорти ҳам зарурият юқори. Бироқ, Ўзбекистондаги мавжуд сув ҳавзалари очик денгизлар билан туташ бўлмаганлиги боис, рекреацион фаолиятда аҳамиятга эга эмас. Умуман олганда, транспорт рекреацион фаолиятни ривожлантиришдаги энг муҳим омиллардан биридир.

2 §. Рекреацион ҳудудларнинг асосий турлари

Ҳозирги кунда кишилар дам олишни ташкил этиш дунё миқёсида турли омиллар билан боғлиқ бўлиб қолди. Улар табиий, иқтисодий, экологик, илмий-техникавий, геосиёсий ва бошқа омиллар. 1580 йилларда Россия ҳудудида бир неча рекреацион районлар таркиб топди. Кейинчалик, собиқ Иттифоқ таркибидаги бир қанча республикаларнинг мустақилликка эришиши, минтақадаги геосиёсий вазиятлар ўзгариши, бу тизимнинг издан чиқишига олиб келди. Чунки, Болтиқбўйи давлатлари биринчи навбатда, “Иттифоқ” таркибидан чиқиб кетди. Кавказда этник тўқнашувлар рекреацион манзилгоҳларда рекреация тизимини издан чиқишига сабаб бўлди.

Аҳолининг аксарият қисми денгиз бўйи рекреацион районларига, санитар даволаниш курортларига тоғ чанғи курортларига дам олиш учун боришар эди. Ҳозирда эса, рекреацион манзилгоҳларга фаолиятини, рекреация тизимини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистонда ҳам жаҳон сайёҳларининг диққатини ўзига жалб этган манзилгоҳлар кўп. Осиё “Швейцарияси” номини олган Ғарбий Тяньшан тоғлари худди шундай манзилгоҳлардан биридир. Ғарбий Тяньшан тоғ рекреацион райони Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон Республикалари ҳудудларининг туташган жойи ҳисобланади. Ҳудуд табиатининг жозибасини сайёҳлар Альп тоғларидаги рекреацион манзилгоҳлар билан қиёслашади. Ҳудудда маҳаллий дарёларда ҳозирги кунда сув туризми ривожланмоқда. Ҳудуд табиати ўттиз йил муқаддам, яъни 1975 йиллардаёқ, туристик гуруҳлар эътиборини тортган эди. Бугунги кунда Жаҳон банки биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Марказий Осиё лойиҳасини моддий жиҳатдан қўллаб қувватламоқда. Ғарбий Тяньшаннинг табиий бойликлари жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортмоқда. Айниқса, хорижлик Рафтинг (ҳаво тўлдирилган

қайиқда сузиш) ишқибозлари Чотқол дарёсида сузиш учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишади.

Ўзбекистоннинг Фарбий Тяншанда яна Оқтош, Чорвоқсой ва Чимён курорт зоналари мавжуд бўлиб, уларда қишда чанғи спорти билан шуғулланиш ва дам олиш мақсадида рекреантлар келишади.

Булардан ташқари, Ўзбекистонда фаол дам олишнинг бир қанча турлари ёки босқичлари мавжуд. Улар:

1. Чўлда туяда саёҳат қилиш ёки “Сemel” босқичи. Бу босқичнинг март ва октябрь ойларининг охирида бўлиши мақсадга мувофиқ. Яъни бу ойларда рекреантларга дам олиш саёҳат қилишлари учун, қулай табиий шароит юзага келади.

2. Угом-Чотқол давлат табиий паркида Кўксув қирғоқларида балиқ овлаш.

3. Чимён тоғларида отда юриш одатда, март ва октябрь ойлари мавсумида ўтказилади. Унда туристлар ёки рекреантлар қуёш тафти, тоғ ландшафти, саёҳат қийинчилиги ва хурсандчиликларини дўстлар ва шериклар билан баҳам кўришдан завқланади.

4. Чимён ва Болдирсой ўтлоқларида сайр қилиш. Бу босқич саёҳатга чиқиш баҳор ойлари ва ёзнинг биринчи ярми қулайлик туғдиради. Унда рекреантлар тоғ ландшафтига хос бой ва хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонот оламини кузатишади, иқлимга хос ўзгаришлардан баҳраманд бўлишади.

5. “Қишлоқ ҳаёти” босқичида ёзда рекреантлар ҳосил йиғиш табиатнинг бой неъматларидан (қовун, тарбуз, узум, олма, анор, анжир, қулупнай, нок каби) баҳраманд бўлишдан, соя-салқин жойларда ҳордиқ чиқаришдан, тўй ва сайллардан даволанади.

6. “Ўзбекистон ҳунармандчилиги” босқичи. Бу босқичда туристлар ёки рекреантлар республиканинг турли минтақаларига хос миллий ҳунармандчилик намуналари билан танишади. Уларнинг яратилиш жараёнини кузатади. Бу неъматларни яратишнинг завқи нимада эканлигини англаб етади ва бунда ҳунармандлар фаолиятининг давомийлиги аждодлардан авлодларга ўтиш анъанаси билан танишади.

7. “Ислом маданияти” босқичида ислом оламида шуҳрат қозонган алломаларнинг муқаддас қадамжойларни зиёрат қилиш, улар қолдирган илмий-маданий, маърифий мерос билан танишиш. Жумладан, Самарқандда Исмоил Ал Бухорий қабри, Шоҳи Зинда мажмуаси, Бухорода Баҳоуддин Нақшбандий, Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг қабрларини зиёрат этиш. Бу босқичда Ўрта Осиё маданияти ва ҳаётига ислом дини таъсири

ҳақида кўп маълумотлар олиш рекреантлар учун маънавий, руҳий қувват олиш имконини беради.

Умуман, руҳшунос олимлар фикрига кўра, ўтганларни зиёрат қилиш, улар ҳаётида қилган амалларни қадрлаш инсонга руҳий қувват бағишлайди.

Тошкент шаҳрининг рекреацион зоналари ва парклари мамлакат пойтахтида дам олувчилар учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳри жойлашган Тошкент воҳаси Ўрта Осиё чўл минтақасининг хушхаво жойларидан биридир. Шу сабабли шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари учун шаҳар парк зоналари микроиклимни сақлаш ва муҳофаза қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Тошкент тупроғи унумдорлиги қулай иқлим шароитининг мавжудлиги боис, шаҳарга ҳар йили кўплаб манзарали дарахтлар гуллар экилади. Тошкентга ташриф буюрган меҳмонлар Тошкент паркларини “Шаҳарнинг ўпкаси” деб аташса, МДХ мамлакатлари аҳолиси шаҳарни “Шарқнинг жаннати” дея эътироф этишади. Тошкент паркларида кексалар, ёшлар, кичик ёшли болаларнинг кўнгил ёзиши, китоб ва газеталар ўқиши, шахмат, теннис ўйнаши учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган.

Амир Темури хайкали Тошкентнинг марказий кўчалари чорраҳасидаги (доира шаклидаги) боғ бўлиб, унда юртимиз давлатчилигига асос солган саркарда Амир Темури хайкали ўрнатилган. Боғнинг шимоли-шарқий қисмида музей ташкил этилган бўлиб, саркарда даврига оид кўргазмалар билан жиҳозланган ва бу кўргазмалар ўша давр маданияти, илм-фани ва маънавий ҳаётини акс эттиради.

Бобур боғи. 1932 йилда ташкил этилган бўлиб, у генерал-губернатор К.П.Кауфман отхонаси ўрнида ташкил этилган. Уни тўқимачилик саноати ишчилари “халқ қурилиши” усулида қуришган. Ҳозирги кунда боғда йирик чинорлар бўлиб, улар боғга асос солинган даврда экилган.

Ғафур Ғулом боғи. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Чилонзор массиви қурилган. Умумий майдони 22 гектар бўлган Ғафур Ғулом боғи халқлар дўстлиги ва Чўпон ота кўчаларининг кесишган жойида барпо этилган. Бугунги кунда боғ нафақат Тошкент шаҳри балки, бутун республикада энг яхши оромгоҳлардан бири ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек боғи. 1934 йилнинг 24 июнида “Ўзбекистон ҳақиқати” газетасида шаҳар аҳолисини боғнинг очилиши тантанасига таклиф этиш ҳақида эълон босилган эди. Республика мустақиллигига қадар боғ “Тельман парки” деб номланган. Бугунги кунда боғнинг кўриниши, ундаги дам олиш шохобчалари янада кўркамлашган.

“Кўнгил очиш” боғи (Тошкент Лэнд). Мамлакат мустақилликка эришганига 16 йил бўлди. Ўтган қисқа муддат давомида шаҳардаги оромгоҳлар сони анча ортди. 1995 йилда Ўзбекистон Марказий банки атрофида янги парк барпо этилди. Шаҳар аҳолиси уни “Тошкент Лэнд” деб аташади. Бошқа боғлар сингари унда ҳам яхши майдонлар, аттракционлар, гуллар кўп. Айниқса, дам олувчилар учун боғдаги кушлар, ўрдак ва ғозлар завқ бағишлайди.

Алишер Навоий номидаги Марказий боғ. Ўтган асрнинг 30-йилларида Тошкент шаҳрида кўплаб истироҳат боғлари қурилган. Шу жумладан, Марказий боғга ҳам шу йилларда асос солинган. 1932 йилда Олмазор кўчасида боғ қурила бошланган ва 1937 йилда унинг қурилиши тугатилган. Унинг умумий майдони 65 гектар, боғнинг сув юзаси билан қопланган майдони 9 гектарни ташкил қилади. Боғ атрофида Халқлар дўстлиги саройи, Наврўз ресторани, Олий Мажлис биноси қад кўтарган. Мустақилликдан сўнг, боғнинг кўрилиши янада кўркамлашди. Янги аттракционлар, яшил майдонлар барпо этилди.

Тошкент зоопарки. Тошкент зоопарки – маданий ҳордиқ чиқариш ва илмий тадқиқот муассасаси. Тошкент зоопарки 1924 йилда ташкил этилган. Ўша даврда Ўрта Осиё Давлат университети биолог олимлари ташаббуси билан. Ҳайвонот боғи учун 3 гектар ер ажратилган. 1940 йилларга келиб, боғдаги ҳайвон турлари 200 га етди. Бугунги кунда ҳайвонот боғи шаҳар аҳолисининг оилавий саёҳати учун энг қулай масканга айланган.

Бундан ташқари, Тошкент рекреацион районида яна кўплаб рекреацион қийматга эга манзилгоҳлар мавжуд. Улар “Керамика”, “Тулшан” Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ёдгорлиги, Шаҳидлар майдони кабиладир.

Умуман, нафақат Тошкентда, балки бутун республика вилоятлари марказларида, аҳоли зич яшайдиган манзилгоҳларда шу каби боғлар ташкил этилган ва мустақилликдан сўнг, қайта таъмирланган ҳамда жиҳозланган.

Глоссарий

Россияда инсоннинг бўш вақтини кўнгилли ўтказишини “Здоровый образ жизни”, яъни ўзбек тилида “Соғлом турмуш тарзи” деб аташса, ғарб давлатларида “Development steady” яъни “Барқарор ривожланиш” дейилади. Бироқ, бу борада ҳозирга қадар барча миллатлар манфаатига мос келадиган ягона концепция мавжуд эмас.

1980 йиллардаёқ шаҳардан ташқарида дам олишнинг икки асосий анъанаси вужудга келган эди. 1) урбанизациялашган рекреацион ҳудудларда курорт аҳоли манзилгоҳлари ёки курорт агломерацияларининг ривожланиши; 2) аҳоли манзилгоҳларига дахлсиз ҳудудларда рекреацион ҳудудларнинг ташкил топиши.

Қўшимча маълумотлар

Охирги 20 йил давомида халқаро туризм ёки рекреацион фаолият кўрсаткичлари юқори темпларда ривожланди, яъни дам олиш учун келувчи рекреантлар ёки туристлар сони ҳар йили ўртача 5,1 фоизга, йиллик валюта тушумлари эса 14 фоизга ортиб борди. Бутундунё туристик ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра, 1991 йилда дунё миқёсида рўйхатга олинган туристлар ёки рекреантлар сони 450млн. кишини ва валюта тушумлари 278млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

Шу йиллар давомида Испаниянинг йиллик даромадининг 30 млрд. доллари миқдоридаги маблағи туризм ҳиссасига тўғри келади, бу мамлакат экспортининг 25 фоизи ёки 1/4 қисми демакдир. АҚШнинг туризмдаги даромади эса 45,2 млрд. долларни ёки экспортининг 5 фоизини ташкил этади. Туркияда эса бу кўрсаткич 2,7 млрд.АҚШ долларини ёки экспортининг 20 фоизини ташкил этади.

2005 йилга қадар дунё туризми юқорида қайд этилганидек, ҳар йилда 5,1 фоизга ортиб борган. Ҳозирги кунда жаҳон бўйича туристлар сони 900млн. кишига етди. Жаҳон миқёсида туристлар ёки рекреантлар сонининг ортишига илмий техник тараққиёт, аҳоли турмуш даражасининг ортиши, бўш вақтнинг кўпайиши каби омиллар таъсир кўрсатади.

Савол ва топшириқлар

1. Аҳолининг рекреацион фаолиятини бошқариш тўғрисида нималарни биласиз?
2. Бўш вақтнинг икки асосий вазифасини изоҳланг.
3. Рекреацион машғулоти турлари қайсилар?
4. Даволаниш ва курорт рекреациясига таъриф беринг.
5. Йўналишли туризм ва овчилик рекреациясига таъриф беринг.
6. Тоғ чанғи туризми, соғломлаштириш ва спорт рекреацияси тўғрисида нималарни биласиз?
7. Альпинизм ва танишув рекреацияларини қиёсланг.
8. Конгресс туризми нима?
9. Туризм ва рекреацияга транспортнинг ривожланганлик даражаси қандай таъсир кўрсатади?
10. Шаҳардан ташқарида дам олишнинг икки асосий анъанасига тавсиф беринг.
11. Ғарбий Тяньшань рекреацион райони ҳақида нималарни биласиз?
12. Ўзбекистонда фаол дам олишнинг турлари ва босқичларини изоҳланг.
13. Тошкент шаҳридаги рекреацион зоналарга таъриф беринг.
14. Тошкент ҳайвонот боғининг ташкил этилиши тўғрисида нималарни биласиз?

Назорат тестлари

1. Иқлим омиллари, булоқлар, малҳамли балчиқлар каби омилларга кўра фарқ қиладиган рекреация вазифасини белгиланг.
А) Даволаниш ва курорт рекреацияси
Б) Соғломлаштириш ва спорт рекреацияси
В) Йўналишли туризм
Г) Онг ва тафаккурни бойитувчи рекреация
2. Рекреацион фаолият ҳудудий мақомига кўра қандай турларга ажратилади.
А) Қисқа муддатли, узоқ муддатли
Б) Шаҳар атрофи, район ичида
В) Миллий, халқаро
Г) Марказдан қочувчи, марказга интилувчи
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ноёб эндемик турлар нечитага етади.
А) 100

- Б) 200
- В) 300
- Г) 400

4. Тошкент зоопарки нечанчи йилда ташкил этилган?

- А) 1910
- Б) 1924
- В) 1936
- Г) 1948

5. Туризмдаги даромади 45,2 млрд. доллар бўлган давлатни белгиланг.

- А) АҚШ
- Б) Франция
- В) Малайзия
- Г) Греция

Адабиётлар

1. В.С. Переображенский. Теоритические основы рекреационной географии М., «Наука» 1975.
2. Н.С. Мироненко, И.Т. Твердохлебов. Рекреационная география. Изд. Московского Университета 1981.
3. Журнал «Отдохни», № 43,45,49/ 2001, Изд. «Бурда»
4. Журнал «Отдых и путешествия», № 19F 2001.

V БОБ.
РЕКРЕАЦИЯ ТАРМОҒИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ
РИВОЖЛАНИШИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ҲАМДА ОМИЛЛАРИ

2 §. Умумий меҳнат тақсимои тизимида рекреациянинг роли ва ўрни

Меҳнат тақсимои - ижтимоий меҳнатни мустақил вазифаларни бажарувчи меҳнат турларига ажралиши жараёнидан иборатдир. Меҳнат тақсимои, меҳнат турларини кўпайтириб, уларни айрим кишиларга касб сифатида бириктириб қўяди. Ишлаб чиқаришда ҳар хил меҳнатни бажарувчи кишилар қатнашадики, уларни инглиз иқтисодчиси Адам Смит “Иқтисодий индивидлар” деб атаган. Меҳнат тақсимои ана шу кишиларнинг ўзаро муносабатда бўлишини тақозо этади. Унинг воситасида кишилар ўз фаолияти билан бир-бирига хизмат қилади, яъни кишилар бошқаларнинг аниқ меҳнати натижаларидан баҳраманд бўладилар.

Фаолият турлари бўйича қараганда, меҳнат тақсимои уч йўналишда ривожланади: умумий, хусусий, қисман.

Умумий меҳнат тақсимои - йирик меҳнат турларининг бир-биридан ажралиб, мустақил аҳамият касб этиши, меҳнатнинг йирик соҳаларга бўлинишидир. Бунга меҳнатнинг моддий ва номоддий, саноат ва қишлоқ хўжалиги, транспорт ва қурилиш, савдо ва маиший хизмат, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги меҳнат турларига ажралиши мисол бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, индустриал меҳнат, аграр меҳнат, хизмат кўрсатиш меҳнати мавжуддир.

Хусусий меҳнат тақсимои - йирик соҳалар ичидаги меҳнат тақсимои. Муайян соҳадаги бир меҳнатдан бошқаси ажралиб чиқиб ихтисослашади, меҳнат турлари кўпаяди. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги аграр меҳнат чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик меҳнат турларига ажралади. Саноатда ҳам шундай жараён юз беради, хусусан ундириш ва қайта ишлаш, оғир ва енгил саноат меҳнат турлари ажралиб чиқади. Машинасозликни олсак, у ерда автомобилсозлик, тракторсозлик, самолётсозлик, станоксозлик каби тармоқларга хос меҳнат турлар пайдо бўлган. Рекреацион жараёнлар хусусий меҳнат тақсимоитининг бир тури бўлиши билан бирга умумий меҳнат тақсимоитининг шаклланишида муҳим ўрин тутди ва унинг таркибий қисмидир.

Шунингдек, рекреацион жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланишида ихтисослашув ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, юқоридаги бўлимларда таъкидлаганимиздек, шарт-шароитлар ёки омиллар

рекреацион фаолиятни ривожланишида асосий ўрин тутса ҳам ихтисослашувсиз соҳанинг ривожланиши мумкин эмас, яъни ихтисослашув рекреацион фаолиятни ҳаракатга келтирувчи куч вазифасини бажаради.

2 §. Рекреацион корхоналар

Ҳар қандай тармоқнинг халқ ҳўжалигида тутган ўрни меҳнат ресурсларининг жамият меҳнат тақсимооти тизимида ихтисослиги доирасида меҳнат фаолиятини юритаётган кишилар салмоғига кўра белгиланади. Чунки, аҳолининг салмоқли улуши шу тармоқда ишлаши давомида ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этади ва уларнинг турмуш даражасида шу тармоқнинг ривожланганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади.

“Рекреацион тармоқ” тушунчасини ойдинлаштириш учун улар фаолиятини бирламчи, иккиламчи ва учламчи даражаларига ажратиш лозим. Улар қуйидагилар:

1. Бирламчи корхонлар рекреантларга бевосита хизмат кўрсатади. Дунё мамлакатлари тажрибасига кўра, бундай корхонларнинг асосий шакли саёҳат ва экскурсия бюроларидан иборат. Улар рекреацион районлардаги муассасалар ва рекреантлар ўртасида воситачилик билан шуғулланади, яъни дам олиш манзилгоҳлари ва уларнинг бир-биридан афзаллик хусусиятлари, йўл транспорт воситалари, тўлов муассасалари ва жараёнлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиради. Рекреантларни жойлаштириш, хизмат кўрсатиш юзасидан дам олиш манзилгоҳлари билан шартномалар тузади. Бу турдаги корхоналар рекреантларнинг асосий яшаш жойида жойлашувига қарамай, рекреацион районларнинг ваколатхоналарини (дочерний организация) эслатади ва бу районлар тўғрисида рекреантларга барча маълумотларни ҳавола этади, реклама фаолиятини юритади. Собиқ тизимда бу каби фаолият касба уюшмалари зиммасида эди. Шундай қилиб, бирламчи рекреацион районларга ташишни таъминловчи ва рекреацион районлар ички фаолияти билан рекреант эҳтиёжини мувофиқлаштирувчи муассасалардир.

2. Иккиламчи корхоналар. Бу турдаги корхоналарга рекреантларнинг ҳаётий таъминоти учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар кўрсатувчи корхонлар киради. Уларга умумий овқатланиш, савдо, маиший хизмат, ички транспорт ва бошқалар киритилади.

Улар вазифа бажариши хусусиятига кўра, рекреациянинг бутун бир тармоғи ёки тизимини эслатади. Бироқ, уларнинг вазифа бажариш миқёси фақатгина ўша рекреацион район учун хос бўлиб, қай даражада ривожланлиги

районнинг рекреация салоҳиятига боғлиқ ва халқ хўжалиги тармоғи сингари ташқи таъминотга эга эмас.

3. Учламчи муассасалар — улар бошқа тармоқларнинг рекреацион хизматларга жалб этилган корхоналардир. Шу корхоналар орқали рекреацион тармоқ бошқа тармоқлар билан алоқада бўлади. Бу турдаги корхоналар халқ хўжалигининг саноат ва қишлоқ хўжалиги рекреантлар ва маҳаллий аҳолига бирдек хизмат кўрсатади. Кўпинча, бу турдаги корхоналарга мебель, хўжалик моллари (идишлар, электр жиҳозлари) ишлаб чиқарувчи муассасаларни киритиш мумкин.

Албатта, бу турдаги корхоналарни рекреацион тармоқ таркибига тўла киритиб бўлмайди, нимагаки, улар таклиф этадиган товарларга доим эҳтиёж бўлмайди. Бироқ, уларсиз рекреацион фаолиятни тўла таъминлаш ҳам мумкин эмас.

Ҳар учала турдаги корхоналарнинг ривожланиши ва фаолият даражаси бевосита рекреантлар салмоғи ва уларнинг талаблари билан боғлиқ. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида талабдан таклифнинг юқорилиги ва рекреантларнинг тўлов қобилиятининг пастлиги рекреацион фаолиятнинг сусайиши баъзан бутунлай инқирозга юз тутишига олиб келади.

Глоссарий

Ихтисослашув – бу, ишлаб чиқаришнинг муайян маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга мослашувидир. Ихтисослашув асосида меҳнат тақсимооти туради. Жамият аъзоларининг меҳнати- бу ижтимоий меҳнат бўлиб, унинг турлари ихтисослашади.

Қўшимча маълумотлар

Рекакциянинг ҳудудий ривожланишига турли шарт-шароит ва омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Арно дарёси қирғоғида Италиянинг қадимий шаҳарларидан бири Флоренция жойлашган. Бу шаҳарда Европа уйғониш даврида Леонардо да Винчи яшаб ижод қилган. Флоренция ўрта асрларга хос архитектура ёдгорликлари билан саёҳатчиларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ватикан давлати эса Римнинг марказида жойлашган, унинг умумий майдони 44 гектар, аҳолиси 550 киши бўлиб, мамлакатни Рим папаси бошқаради. Ҳозирги кунда мамлакатда темир йўл тармоғи, телефон ва телевидения тармоқлари ҳамда ўз радио станциясига эга. Давлат чегарларини гвардиячилар кўриқлайди. Туристлар ёки рекреантларнинг асосан Ватикан музейи ва Авлиё Пётр зиёратгоҳи қизиқтиради. Туристлар бу митти давлатнинг ўрта асрларга хос кўк-сарик йўл-йўл костюмдаги гвардиячиларининг пост алмашинишини томоша қилиш учун таширф буюришади. Яна қизиги шундаки, Рим папаси резиденциясини анъанага кўра, швейцарияликлар кўриқлайди. Швейцариялик кўриқчилар костюмлари 1505 йилдан кейинги даврда ўзгармаган. Бу либосларни ўз даврида Микеланджело ўйлаб топган. Папанинг илгари резиденцияси Авиньонда бўлган ва 1377 йилда ҳозирги Ватиканга кўчирилган. Ватикан давлати 1925 йилда пайдо бўлиб, диктатор Муссолини бу ерларни черковга совға қилган.

Авлиё Пётр мақбараси 324 йилда, яъни авлиё 95 ёшига кирганда Варварлар томонидан ўлдирилганидан кейин қурилган ва унинг архитектори Бараманте бўлган. Ҳозирги мақбара эса 1506 йилда Рафаэль Санте ва Микеланджелолар томонидан замонавийлаштирилган.

Савол ва топшириқлар

1. Рекреацион тармоқ ва туризм саноати тушунчаларини изоҳланг.
2. Рекреацион фаолиятнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи даражаларига изоҳ беринг.
3. Умумий меҳнат тақсимотида рекреация қандай ўрин тутади?
4. Умумий ва хусусий меҳнат тақсимотларини қиёсланг ва рекреацион фаолиятда уларнинг ролини баҳоланг.
5. Рекреацион жараёнларда ихтисослашувнинг тутган ўрнига таъриф беринг.

Назорат тестлари

1. Йирик меҳнат турларининг бир-биридан ажралиб, мустақил аҳамият касб этиши, меҳнатнинг йирик соҳаларга бўлиниши қандай номланади?
А) Меҳнат тақсимоти
Б) Умумий меҳнат тақсимоти
В) Хусусий меҳнат тақсимоти
Г) Ихтисослашув
2. Рекреацион тармоқ қандай даражаларга ажратилади?
А) Глобалъ, минтақавий, маҳаллий
Б) Умумий, гуруҳли, якка тартибли
В) Бирламчи, иккиламчи, учламчи
Г) Давлат, хусусий, шахсий
3. Рим папаси резиденциясини қўриқловчи Швейцариялик қўриқчилар либосларини қайси рассом ўйлаб топган?
А) Микеланджело
Б) Рафаэль Санти
В) Леонардо да Винчи
Г) Вангок
4. Ватикан давлати қачон пайдо бўлган?
А) 324 йил
Б) 1377 йил
В) 1506 йил
Г) 1925 йил
5. 1377 йилга қадар Рим папасининг резиденцияси қаерда бўлган?
А) Авиньонда

- Б) Флоренцияда
- В) Сицилияда
- Г) Венецияда

Адабиётлар

1. В.С. Переображенский. Теоритические основы рекреационной географии М., «Наука» 1975.
2. Н.С. Мироненко, И.Т. Твердохлебов. Рекреационная география. Изд. Московского Университета 1981.
3. Журнал «Отдохни», № 43,45,49/ 2001, Изд. «Бурда»
4. Журнал «Отдых и путешествия», № 19F 2001.

VI БОБ. РЕКРЕАЦИОН РЕСУРСЛАР

1 §. Рекреацион салоҳиятнинг табиий шарт-шароитлар билан боғлиқлиги

Табиий ресурслар ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантиришда асосий омиллардан ҳисобланади. Табиий ресурслар тушунчасини таърифлашдан олдин, бу тушунчанинг кўпчилик муаллифлар томонидан турлича талқин қилинишини айтиб ўтиш керак.

Академик И.П.Герасимов билан профессор Д.Л.Армандлар табиий ресурсларга, бизнинг назаримизда, энг тўлиқ таъриф берганлар: “Табиий ресурслар кишилар бевосита табиатдан оладиган ва уларнинг яшашлари учун зарур бўлган хилма-хил воситалардир”.

Ю.Г.Саушкин электр энергия олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлган табиий компонентларни ва саноат учун хом ашёни табиий ресурсларга киритади. Йирик олим А.А.Минц табиий ресурсларни фойдаланиш шакллари ва йўналишларига қараб, иқтисодий жиҳатдан классификациялашни яъни тасниф қилишни илгари суради.

Иқлим ресурслари — атмосфера ҳавоси, шамол энергияси ва ёғинлардан иборат бўлиб, битмас-туганмасдир. Бирок, атмосферанинг таркиби ва у билан боғлиқ бўлган сифати механик аралашмалар, саноат ва транспорт газлари ҳамда радиоактив моддалар билан ифлосланиши натижасида анча кескин ўзгариши мумкин. Ҳаво тозалиги учун кураш ресурсни муҳофаза қилишнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.



Космик ресурсларга куёш радиацияси ҳамда денгиз сувларининг кўтарилиш ва пасайиши (қалқиши) энергияси кириб, улар ҳам амалда битмас-туганмасдир. Лекин, улар инсоннинг фаол хўжалик фаолияти таъсири остида ўзгариши мумкин. Масалан, катта саноат шаҳарларида атмосфера таркибининг ўзгариши, яъни ифлосланиши, куёш радиацияси миқдорига таъсир қилади. Чунончи, атмосфера таркибида карбонат ангидрид газининг орта бориши радиация миқдорининг пропорционал равишда ортишига сабаб бўлади. Демак, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, аввало, унинг тозалиги учун кураш демакдир.

Табиатнинг инсон учун аҳамияти. Табиат ва унинг бойликлари инсон учун ниҳоятда хилма-хил: иқтисодий, соғломлаштирувчи, тарбиявий, эстетик ва илмий аҳамиятга эга. Шунга мувофиқ, табиатни муҳофаза қилиш муаммоси қуйидаги асосий жиҳатларга бўлинади.

1. Иқтисодий жиҳат. Табиатнинг моддий ишлаб чиқаришдаги аҳамияти аниқ ва равшандир. Табиат ва меҳнат — инсонга керак бўлган моддий фаровонликнинг бош манбаларидир. Инсон истеъмол қиладиган ҳар қандай маҳсулот ўсимликлар ёки ҳайвонлар, тупроқ унумдорлиги, фойдали қазилмалар, ҳаво ва сув, куёш радиацияси ёки ер остининг иссиқликлари эвазига ҳосил қилинади.

2. Илмий жиҳат. Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, аввало, табиат қонунларини тадқиқ қилиш ва уларга қатъий амал қилишни тақозо этади. Бунда табиатнинг бир бутунлиги, доимий ўзгаришда ва ривожланишда эканлиги, ландшафтларнинг маълум даражада ўзини-ўзи тиклаш имконияти мавжудлиги, уларнинг зонал-регионал тарқалиш ва бошқа қонуниятларини чуқур тушуниб етиши табиатдан тўғри фойдаланишдаги асосий шартдир.

3. Соғломлаштириш-гигиеник жиҳат. Табиатнинг соғломлаштирувчи аҳамияти ҳар бир кишига маълум. Соф ҳаво, тоза, мусаффо сувдан баҳраманд бўлиш, ўрмонда дам олиш, денгизда



чўмилиш, тоғларга саёҳат қилиш ва ҳоказолар инсон соғлигига ижобий таъсир кўрсатади ва даволашда кенг фойдаланилади.

Бинобарин, ҳаво, сув ва ер қанча тоза бўлса, сув ҳавзалари, ўрмонлар, парклар, боғлар қанча кўп бўлса, аҳолининг соғлиги учун шунча яхши шароит яратилади. Бироқ, кейинги вақтларда йирик индустриал районларда атмосфера ҳавоси, сувлар ва тупроқлар ифлосланишининг кучайиши ҳамда табиатнинг ўзгариши муносабати билан аҳолининг соғлиги учун хавф вужудга келаяпти. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда табиатни муҳофаза қилишнинг соғломлаштириш-гигиеник жиҳатига, яъни қулай экологик шароит яратиш масаласига ниҳоятда катта аҳамият берилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилишнинг тарбиявий жиҳати шундан иборатки, табиат қўйнида бўлиш, кишига яхши таъсир кўрсатиб, уни хушфёзроқ, мулойимроқ, олижаноб қилади, унда яхши ҳислар уйғотади. Табиатнинг ёшларни юксак эстетик руҳда тарбиялашдаги роли, айниқса катта. Табиат билан тўғри муносабатда бўлиш ёшлар онгини ҳар томонлама ривожлантириб, уларда кузатувчанликни ўстиради, характерининг яхши томонларини шакллантиради, юксак ватанпарварлик ҳиссиётини ва табиатга нисбатан эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш истагини рўёбга чиқаради. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилишнинг тарбиявий жиҳати жуда муҳим аҳамиятга эга.

Табиатни муҳофаза қилишнинг эстетик жиҳати. Табиат инсоннинг маънавий бойлигига катта таъсир кўрсатади. Табиат кишилиқ жамиятининг барча босқичларида санъатнинг илҳомчиси, буюк ижоднинг манбаи бўлиб келган. Ёзувчилар, рассомлар ва бастакорларнинг энг яхши асарларида табиатнинг гўзал манзаралари тасвирланган. Табиат гўзаллиги ижодий кайфият яратади, ижодкорга кўтаринки руҳ беради, одамда ижобий ҳис-ҳаяжон уйғотади, дид, ҳис ва туйғуларни тарбиялайди. Табиатни муҳофаза қилишнинг бу барча жиҳатлари маълум даражада шартли равишда ажратилган бўлиб, аслида кўпинча улар ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги кунда, яъни фан-техника тараққиёти даврида табиатга ва унинг бойликларига таъсир кўрсатиш тобора ортиб бормоқда. Ерлардан максимал фойдаланиш, янги ерларни ўзлаштириш, ер ости бойликларини қидириб топиш ва уларни ишга солиш, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвон ресурсларидан фойдаланиш кўлами кенгаймоқда. Ўз тараққиётини олдиндан узоқ муддатга мўлжаллай оладиган ва табиий ресурслардан ўзи

белгилаган мақсади йўлида фойдаланиш имконига эга бўлган жамиятгина табиатдан оқилона фойдалана олади, деган хулоса чиқади.

Табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда табиатда рўй берадиган асосий жараёнларнинг ривожланиши ва ўзаро таъсири қонуниятлари ҳақидаги билим катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажакдаги оқибатини билиш мумкин эмас. Инсоннинг табиат билан ўзаро таъсири жамият тараққиёти, ишлаб чиқариш усуллари мукаммалаша борган сари жадаллашади ва унинг самарадорлиги ошиб боради. Бир сиёсатчи ва давлат арбоби шундай деган: "Табиат қонунлари ҳисобга олинмасдан тузилган ҳар қандай лойиҳа, инсонларга фақат бахтсизлик келтиради".

Ҳозирги замон қурилиш техникаси, транспорти, алоқа воситалари катта шаҳарларда илгариги манзилгоҳларга қараганда, юзлаб, минглаб марта кўп аҳоли жойлашишига, мелиорация чўлларни бўстонга айлантиришга, селекция эса ҳосилдор экин, мевалар, маҳсулдор моллар яратишга имкон беради.

Саноат ривожланиши билан атроф муҳитнинг ифлосланиши кучайди. Кейинги йилларда синтетик материаллар, кўмир, нефть, газни қайта ишлаб маҳсулот чиқариш, кимевий ўғитлар ишлаб чиқариш, автомобиль, сув ва ҳаво транспортининг жуда ривожланиб кетиши, бунинг устига бир қанча мамлакатларда табиатни муҳофаза қилишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги атроф муҳитни ифлосланишига олиб келди. Ишлаб чиқаришдан чиқариб ташланадиган чиқинди, қишлоқ хўжалигида ўғит, гербицид ва бошқалар атроф-муҳитни зарарлади.

Табиий бойликларнинг анча камайиб қолганлиги ва атроф муҳитнинг ифлосланаётганлиги бир қанча мамлакат ҳукуматларини табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини кўришга мажбур этди. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда ўрмон кесиш тартибга солинди, дарёларда балиқни кўпайтириш бошланди, ов ҳайвонлари кўпайтирилмоқда, овчиликда тартиб ўрнатилди ва муҳофаза қилинадиган ҳудудлар кўпайтирилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, фан-техника тараққиётининг асоси энергетикадир. Одам тош асрида эндиgina оловдан фойдаланган даврда одам ўртача суткасига жон бошига энергия истеъмол қилиш 5 ккал га тенг эди. Ўрта асрда бу рақам-12000 ккал га етди. Ёқилғи сифатида кўмрдан фойдаланиш эса-26000 ккал. Ҳозирги вақтда саноати ривожланган мамлакатларда жон бошига сарфланадиган энергия 200000 ккалдан ошиб кетди.

2 §. Сув ресурслари рекреацион салоҳиятни таъминловчи омил сифатида

Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш. Биосферадаги жараёнлар ва инсоният жамиятида сув катта аҳамиятга эга. Сувда вазнга кўра, 11, 11 фоиз водород ва 88, 89 фоиз кислород мавжуд. Бу мураккаб минерал табиатда турли (газ, суюқ ва қаттиқ) ҳолларда мавжуд бўлиб, модда ва энергия айланма ҳаракатида катта роль ўйнайди. Сувнинг уч хил агрегат ҳолатда бўлиши Ер шарининг турли ҳудудларида об-ҳаво ва иқлим шароитнинг шаклланишида муҳим аҳамиятига эгадир. Сув ресурсларига дарё, кўл, сув омборлари, каналлар, ботқоқлик, денгиз ва океан, ер остидаги сувлар, тупроқ намлиги, кутб ва тоғлардаги музликлар, ҳаттоки, атмосферадаги намликлар ҳам киради.

Ер юзасидаги барча сувлар гидросферани ташкил қилади. Океан ва денгизларнинг умумий майдони қуруқлик юзасига қараганда, 2,5 баробар кўпдир. Океан сувлари Ер шарининг 3/4 қисмини эгаллаган бўлиб, ўртача қалинлиги 4000 м га тенгдир. Гидросферанинг 93,96 фоизи океан сувига, 4,39 фоизи қуруқликдаги дарё, кўл ва ер ости сувлари, 1,65 фоизи кутб ва тоғлардаги музликларга тўғри келади.

Сув Ер юзасидаги турли иқлимни вужудга келтиришда асосий омиллардан бири, сув буғлари эса алоҳида аҳамиятга эгадир. Атмосфера сувларисиз жойнинг об-ҳавосини тасаввур этиб бўлмайди. Ҳавода сув буғларининг миқдори ер юзаси ва йил фаслларига боғлиқ: экватор ҳавосида сув буғлари энг кўп бўлса, кутбий ўлкаларда энг кам бўлади.

Ер юзасидан йилига 525100 минг км сув буғланади. Океан ва денгизлар юзасидан кўтарилган буғ атмосфера ҳавоси намлигининг асосий манбаи ҳисобланади. Атмосферадаги намлик булутларни вужудга келтиради. Баъзи булутларда юзлаб тонна сув бўлади. Бу улкан сув массаларидан иборат бўлган нам ҳаво оқимлари Ер юзасида бир ердан иккинчи ерга кўчиб, жойларга намгарчилик келтиради, жойнинг ҳаво ҳароратига ҳам таъсир кўрсатади. Океан ва денгизлар юзасидан буғланган намлик конденсация жараёнида сув томчиларига айланади ва бевосита океан ва денгизларга тушиб, сувнинг кичик айланма ҳаракатини ҳосил қилади. Атмосферанинг хилма-хил ёғинлари қуруқлик юзасига тушиб тупроқ намлигига, оқимга, кўл ва ботқоқликка, музликка айланади. Намлик яна буғланиб, баъзи ерга синган ва синмаган қисмлари сув оқимини вужудга келтириб, денгиз ва океанларга қайта тушиб, Ер шарида

сувнинг катта айланма ҳаракатини ҳосил этади. Сувнинг айланма ҳаракати жараёнида океан сувининг тўла алмашилиши 3000 йил давом этади.

Ёғин қуруқлик ва океанлар юзасига турли миқдорда тушади ва буғланади. Масалан, океан юзасига тушадиган ёғиннинг ўртача миқдори 107 - 114 см, буғланиши эса 116 - 124 см, қуруқликка эса, ўртача 71 см ёғин ёғиб, 47 см сув қайта буғланади. Қолган 24 см сув қуруқликдан дарёлар орқали денгиз ва океанларга қуйилади.

Атмосфера намлиги сув ва энергия алмашувида фаол иштирок этиши билан бир қаторда, турли оғирликдаги модда заррачаларини ўзи билан бирга олиб юради. Ҳавога кўтарилган тупроқ зарралари, денгиз тўлқини кўпигидан чиққан туз заррачалари шамол таъсирида узоқ масофаларга олиб кетилади. Ҳисобларга қараганда, биргина Оролбўйи ҳудудига чанг-туз заррачалари ҳар гектар майдонга 520 кг, Орол денгизи қирғоқ бўйларида 260 - 800 кг, денгиз сувидан ҳоли бўлган, яъни қуриб қолган ерларга гектарига 1000 кг гача тушади.

Сув қудратли кучга эга. Ернинг ҳозирги орографик хусусияти ва рельефи сувнинг узлуксиз фаолияти натижасида шаклланди ва янада мураккаблашди. Сув қаттиқ жинслардан тузилган тоғ тизмаларини емиради. Тошлар орасига кириб қолган сувлар музлаганда ёриқларни кенгайтириб, мустаҳкам гранит ва базальтларни ҳам ёриб юборади. Сув кучли эритувчи бўлиб, у табиатда кимёвий жиҳатдан тоза ҳолда учрамайди. Сув қаттиқ тоғ жинсларини ҳосил қилган минералларни емириб, эритиб водийларга ётқизади. Масалан, Амударенинг биргина ирмоғи Вахш ҳар 1 км кв сув йиғилиш майдони юзасидан йилига 2680 тонна лойка оқизиклар ва жинсларни ювиб кетади. Ҳозирги кунда Ўрта Осиёда бундан кўпроқ ювиладиган жой бўлмаса керак.

Органик дунё ва инсоният жамиятини сувсиз тасаввур қилиш қийин. Сув организмлардаги биофизик ва биокимёвий жараёнларда ҳамда уларнинг яшаш муҳити сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Сувсиз ҳаёт йўқ. Чунки ўсимлик таналарининг 80-85 фоизи, ҳайвон организмларининг 60-75 фоизи, медуза танасининг 99,7 фоизи сувдан иборат. Янги туғилган чақалоқ танасининг 70 фоизини, катта ёшдаги киши организмнинг 65 фоизини сув ташкил этади. 70 килограмм оғирликдаги ўрта ёшдаги кишининг 45 кг.га тенг қисми сувдан иборат. Сув инсон танасининг ҳамма аъзосида учрайди, ҳатто суякнинг 20 фоизини ҳам сув ташкил этади. Инсон истеъмол қиладиган сабзавот таркибида 80-90 фоиз, сутда 89 фоиз, гўштда 50 фоиз сув бор.

Инсон ўз танасидаги намликнинг бир хил бўлишига ҳаракат қилади, чунки танасидан 12 фоиз намликни йўқотган одам ҳалок

бўлади. Инсон сувсиз бир неча кунгина яшаши мумкин, унинг сувга бўлган бир кунлик физиологик талаби 2,5 литрга тенг. Бу рақам иш шароитига, ташқи муҳит ва ҳаво ҳароратига қараб фарқ қилиши мумкин.

Ўсимликларда ҳам сувга талаб катта. Сув ўсимликларни иссиқдан, жазирама кунларда қуриб қолишдан сақлайди. Уруғдан кўкарган вақтдан бошлаб, ўсимликнинг сувга бўлган талаби орта боради. Масалан, биргина кунгабоқарни вояга етказиш учун 40 литрча, 1 грамм қуруқ беда тайёрлаш учун 500 грамм сув керак бўлади. Олинадиган ҳосилнинг ҳар тоннаси учун бўғдойга 1500 т, шוליға 4000 т, пахтаға эса 10000 тонна сув сарфланади. Суткасиға бир бош қарам бир киллограмм сувни ўзидан ўтказади.

Ўсимликларни сув билан таъминлаб туришда тупроқ хусусияти алоҳида аҳамиятга эға, чунки ўсимлик намни тупроқдан олади. Ўсимликлар намни танасиға, сўнгра барғиға етказиб беради ва бўғлатиб юборади.

Тупроқдағи намлик миқдори тупроқнинг механик таркибига, жойлашиш ҳудудига ва рельефға боғлиқдир, Масалан, 100 кг қумоқ ерда 25 кг. 100 кг лойқада 70 кг намлик бўлади. Тупроқдағи намлик бир йилда янғиланиб туради, дарёдағи сувлар 12 суткада (йилиға 30 марта), атмосферадағи бўғ - 9 суткада (йилиға 40 марта) бутунлай алмашиниб туради.

Ҳозирғи вақтда тоза сувга бўлган эҳтиёж жуда тезлик билан ортиб бормоқда, чунки инсоннинг хўжалик фаолиятини тоза сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсоният жамияти сувни борган сари ўз эҳтиёжи учун кўп сарфламоқда (аҳолини сув билан таъминлашда, саноатда, электроэнергия олишда, суғориш ва ўзлаштиришда. транспорт, балиқчилик ва бошқалар). Сувдан фойдаланмасдан ривожланадиган хўжаликнинг бирор соҳаси йўқ.

Кейинги вақтларда Ер юзи аҳолисини чучук сув билан таъминлаш масаласи долзарб муаммоға айланмоқда. Чунки, аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши, саноат ва қишлоқ хўжалигини шиддат билан тараққий этиши сувга бўлган талабни кучайтиради. Саноат тармоқларидан қора металлургия, рангли металлургия, нефтни қайта ишлаш, кимё, целлюлоза-қоғоз саноати сувни айниқса, кўп ишлатади.

Чучук сувга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Гидросферанинг фақат 2% ини ташкил этувчи чучук сув дарё, кўл, фаол сув алмашиниш зонасидагк ер ости сувлари, музликларда мужассамланган. Чучук сув ресурсининг 24,0 млн. км² тенг қисми ҳозирча инсоният жуда кам фойдаланаётган музликларға тўғри келади. Шаҳарларда 1 киши

суткасига 200-600 литр, қишлоқларда эса, 100-200 литр сув сарф қилади (сув қувурлари йўқ ерларда 30-50 литрга тўғри келади). А.М.Владимировнинг (1991) маълумоти бўйича турли қулайликларга эга бўлган йирик шаҳарлар аҳолисининг ҳар бир кишисига қуйидагича сув тақсим бўлади: Москва ва Нью-Йорк – 600 л/сутк., Париж ва Санкт-Петербургда 500, Лондонда - 263 л/сутк.

Ер шарида аҳолини кўпайиши, янги шаҳарларни пайдо бўлиши оқибатида сувга бўлган талаб ортиб бормоқда. Масалан, 1900 йилдан то 1950 йилгача сувга талаб 3 бараварга ошди. 1970 йилда Ер шари бўйича сувга талаб 120 км. га 2000 йилда эса 180 км. га етган. Дарё сувлари Ер шарида бир текисда тарқалмаган. Дунё аҳолисининг 72% яшайдиган Евросиёда умумий дарё сувнинг 31% ига яқини оқади. Агар Европада аҳоли жон бошига йилига 4,4 минг м³ Осиёда 6,24 минг м³, Африкада 13,1 минг м³ сув тўғри келган бўлса, Жанубий Америкада 51,5 минг м³ сув тўғри келади.

Ер қурраси бўйича ҳар бир кишига йилига ўртача 11 минг м³ дарё тўғри келса, маиший хўжалик эҳтиёжлари учун бир йилда ишлатиладиган сувнинг (234000 км) 20% и бутунлай сарфланиб кетади, қолган 80%и ифлосланган ёки ярим тозаланган ҳолда дарёларга, канал ва ариқларга ташланади ва чучук сувни ифлослаб юборади. Тошкент шаҳрида жон бошига суткада маиший хўжаликлар учун 300 куб литргача сув сарфланса, бир йилда 0,2 куб км дан ортиқ сув керак бўлади. Бу Чирчиқ дарёсининг йиллик сув миқдорининг фақатгина 3% ини ташкил этади (Чирчиқ дарёсининг йиллик сув миқдори 6,9 куб. км).

Ўрта Осиёда Амударё ва Сирдарё сув ҳавзалари асосий сув манбалари ҳисобланиб, уларнинг ирмоқлари экинларни суғоради ва аҳолининг эҳтиёжи учун сарфланади. Ўзбекистонда Амударё ва Сирдарёдан ташқари, яна Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Чирчиқ, Оҳангарон каби дарё сувларидан фойдаланилади (Амударёнинг сув йиғиш ҳавзаси - 227, 0 минг км³, сув сиғими 78 км³ йилига, узунлиги 1440 км; Сирдарёнинг сув йиғиш ҳавзаси 150 км³, сув сиғими 36 км³, узунлиги 2140 км).

Саноат чиқинди сувлари таркибида тирик организмлар учун хавфли бўлган ҳар хил кислоталар, феноллар, водород сульфати, аммиак, мис, рух, симоб, цианид, мишьяк, хром ва бошқа захарли моддалар, ёғ, нефт маҳсулотлари, ҳар хил биоген моддалар мавжуд бўлиб, улар саноат корхоналарида ишлатилган оқова сувлар билан бирга дарё, кўл ва сув омборларга бориб қўшилади.

Агар бирор сув ҳавзасини ифлосланиш даражасини 100% деб олсак, шунинг 42% минерал ифлосланиш - ҳар хил туз, қум, ишқор, кислота. минерал ёғлар, шлак ва бошқалар, 58% органик ифлосланиш - коммунал хўжалиги - шаҳар канализацияси, ҳаммом, кир ювадиган жойлар ва бошқа санитария -соғломлаштириш ташкилотлари; тери, коғоз - целлюлоза, пиводан чиқадиган оқовалар; ўсимлик мойлари, мевалари, полиз экин қолдиқлари; инсон чиқиндиларига тўғри келади.

Сув киши саломатлигида ва унинг хўжалик фаолиятида катта аҳамиятга эга. Акс ҳолда, ифлос сув турли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Касалликларни пайдо қилади, тарқатади, саноат корхоналаридаги технологик жараёнга салбий таъсир кўрсатади, маҳсулот сифатини пасайтиради, қимматбаҳо асбоб - ускуналарни ишдан чиқаради, гидротехник, темир-бетон иншоотларини, сув қувурларини емиради ва жуда катта иқтисодий ва маънавий зарар етказди.

3 §. Ер ресурслари ва атмосфера рекреацион салоҳиятни белгиловчи муҳим омиллар

Ер ресурсларини муҳофаза қилишни режалаштириш ва ундан оқилона фойдаланиш Ер инсон - табиат мажмуасада табиатни бошқа унсурлари қаторида халқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситаси ҳисобланади. Ер саноатда фақат фундамент, корхоналар турадиган жой вазифасини бажаради. Қишлоқ хўжалигида эса, меҳнат жараёни ва маҳсулотлар яратиш бевосита ернинг хусусиятларига, унинг сифат ҳолатига ва фойдаланиш характериға боғлиқдир.

Ердан фойдаланишнинг тизими ва шакллари тарихий тараққиёт жараёнида ўзгаради. Ижтимоий меҳнат тақсимотини ривожланиши ва шу билан боғлиқ равишда одамларнинг ўтроклашуви ерни дастлаб қабилалар, сўнгра эса оилалар ўртасида тақсимланишиға олиб келди. Бу ҳол ердан фойдаланишнинг қатъийроқ шаклини юзаға келтирди. Қулдорлик даврида ердан асосан, қулдорларнинг ўзлари фойдаланган. Феодализмда ердан фойдаланишнинг кўпгина шакллари пайдо бўлган: феодал ер эғалиги, крепостной деҳқонларнинг ердан фойдаланиши, озод деҳқонларнинг феодалға аброк(жужья) тўлайдиган ер эғалиги, кейинчалик ердан фойдаланиш тизими ернинг хусусий мулк бўлишиға ёки ер ижараси шартномасиға асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида шахсларға шахсий турар жой қуриш, жамоа бўлиб боғдорчилик, сабзавотчилик билан шуғулланиш учун ердан фойдаланишға рухсат этилади. Улар доимий ва

вақтинчалик бўлиши мумкин. Ердан фойдаланувчиларга ердан унумли фойдаланиш мажбурияти юклатилади. Ердан меҳнат қилмай, даромад олиш, ерни сотиб олиш ёки сотиш, ҳадя қилиш, ижарага қўйиш, ўз ҳолича бошқа шахсларга бериш тақиқланади. Ер давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун зарур бўлиб қолганда давлат томонидан қайтариб олиниши мумкин.

Суғориладиган ерлар 3,8 млн. га дан иборат, шундан 1,4 млн.га денгиз сатҳидан 400-500 м гача бўлган баландликдаги чўл зонасида, қолган қисми сур кўнғир тупроқ минтақада, суғориладиган ерлар Фарғона водийси, Зарафшон, Чирчиқ, Оҳангарон, Қашқадарё, Сурхон, Шеробод водийларида, Амударёнинг куйи қисмларида катта майдонларни эгаллайди. Лалмикор ерлар майдони 600 минг га дан зиёд. Экин экиш учун етарли даражада намлик тўпланадиган ерлардан фойдаланилади. Лалмикор ерлар Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Жиззах вилоятларида жойлашган. Чўл яйловлари Ўзбекистонда энг кўп майдон - 22, 8 млн. га ни ташкил этади, шундан 10 млн. га сур-кўнғир тупроқли, қарийб 13 млн. га қумли ерлар ва қумли тупроқлар, қолган қисми ўтлоқ -тақир тупроқлар ва тақир ҳамда шўрхоқлардан иборат. Чўл-яйлов жойлардаги суғоришга яроқли ялпи майдон қарийб 12 млн. га. 95% дан ортиқ қисмини беради.

Ҳозирги вақтда ер ресурсларини ҳолати фақат иқтисодга таъсир этмасдан, у экологик шароитга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ер ресурси табиатнинг асосий бойлиги бўлибгина қолмасдан, у Республиканинг ижтимоий - иқтисодий ўсишига ҳам таъсир кўрсатади. Кейинги 35-40 йиллар ичида Ўзбекистонда ердан фойдаланишда катта муваффақиятларга эришилди. Суғориладиган ер майдони 1,5 баробарга кенгайтирилди. Айниқса, 1970 - 1985 йилларда суғориладиган ерлар 2,8 дан 4,0 млн. гектарга етди ёки 43% га ортиди. Янги суғориладиган ерлар бутун Ўзбекистон вилоятлари бўйича тақсимланади. (Асосан, Қашқадарё - Сурхондарё, Самарқанд - Жиззах, Қорақалпоғистон - Хоразм регионларига тўғри келади).

Қуруқлик юзасида ер фондининг структураси: дунё бўйича 13393 млн. гектар (100%) шундан 4041 млн. гектарни (30, 1%) ўрмонлар, 2987 млн. гектар (22, 3%)ни ўтлоқ ва яйловлар, 1457 млн. гектар (10, 8%)ни ҳайдаладиган ва экин экиладиган ерлар, қолган 4908 млн. гектар (36,8%)ни қумли чўллар, музлик ва қорлиқлар, қишлоқ ва шаҳарлар, саноат объектлари ишғол қилган ерлар эгаллаган.

Атмосфера ер пўстига физикавий, кимёвий, биологик таъсир этади ва ер юзасида иссиқлик, намликни тартибга солиб

туради. Атмосфера ернинг химоя қобиғидир, чунки у тирик организмларни турли ультра-бинафша нурлар ва космосдан тушадиган метеоритларнинг зарарли таъсиридан химоя қилади. Атмосфера бўлмаганда эди, Ер юзасида ҳам Ойдаги каби ҳаёт бўлмас эди, Ер юзаси кундузи 100 градус қизиганда, кечаси эса минус-100 градус совиган бўлар эди.

Қуёш ва шамол энергияси, атмосфера ҳавоси ва ёғин-сочин иқлим ресурслари бўлиб, инсоният жамиятда катта аҳамиятга эга. Қуёшдан фазога жуда катта миқдорда иссиқлик энергияси тарқалиб туради. Ер юзасининг ҳар бир квадрат километр майдонига 2500000 от кучига тенг энергия тушади. Қуёш энергияси атмосферанинг юқори қатламларида ютилиб, ер юзасига жуда оз миқдорда етиб келади.

Инсоният қуёш энергиясидан ўз эҳтиёжи учун қадимдан фойдаланиб келган. Кейинги вақтларда қуёш энергиясидан АҚШ, Япония, Франция каби давлатлар яхшигина фойдаланмоқдалар. Туркменистон, Ўзбекистон, Грузия, Арманистон, Молдавия, Украина каби давлатларнинг бир қатор илмий-тадқиқот институтлари арзон қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш йўлларини топмоқдалар.

Инсоният қадимдан тугамайдиган ресурслардан бири бўлган шамол энергиясидан фойдаланиб келган. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Дания давлатларида турли қувватларга эга бўлган кучли шамол электр станциялари қурилган. Ўзбекистон шамол энергиясига бой, аммо мамлакатда бу арзон энергия туридан кам фойдаланилмоқда. Ердаги ҳаётни ҳавосиз тассавур этиш қийин, шунинг учун ҳам тоза ҳаво муаммоси ҳозирги кунда ўта долзарб бўлиб қолди. Атмосфера ҳавоси ҳар доим аралашиб тургани учун, унинг кимёвий таркиби сайёрамизнинг ҳамма жойида асосан бир хилдир.

Ҳаво қобиғи асосан азот (78,09%) - N_2 ; кислород (20,95%) - дан иборат бўлиб, улар атмосфера газ таркибининг 99% ини ташкил этади, қолгани эса бошқа (аргон (Ar) - 0,93%; карбонат ангидрид (CO_2) - 0,03%; неон, гелий, криптон, ксенон ва бошқалар) газлардир. Газларнинг бири кўпайиб, иккинчиси камайиб кетиши тирик мавжудот ҳаётини мувозанатдан чиқариб юборади ва ҳалокатга олиб бориши мумкин.

Атмосферадаги азот асосан Ердаги микроорганизмлар фаолияти натижасида юзага келиб, биологик жараёнларда унчалик роль ўйнамайди. Ердаги тоғ жинсларида мужассамлашган азот атмосферадаги азотга қараганда, 50 баравар кўпдир. Атмосферада эркин ҳолатда учрайдиган кислород яшил ўсимликлар маҳсулоти бўлиб, тирик организмларнинг ажралмас қисми ва ҳаёт манбаи ҳисобланади. Инсон ҳаёти учун кўп

энергия керак: кўп энергия олиш учун эса кислород зарур. Инсон кунига ўрта ҳисобда 9 кг ҳаво билан нафас олади. Инсон ўртача умр (75 ёш) давомида 700000 куб метр ҳавони олади.

Атмосферада озон (O_3) ва сув буғларининг бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Атмосферадаги сув булут ва туманларда майда томчи ва муз кристалчалари ҳолида учрайди. Сув буғлари асосан 10 км гача бўлган баландликларда учрайди. Атмосферанинг қуйи қисмида учрайдиган карбонат ангидрид (CO_2) ўсимликларнинг фотосинтез жараёнида фаол қатнашади. Карбонат ангидрид вулканлар отилиши, ёқилғилар ёниши, органик моддаларнинг чириши ва организмларнинг нафас олиши натижасида пайдо бўлади. CO_2 нисбатан оғир бўлиб, чуқур ерларда (эски қудуқ, шахта ва бошқа жойларда) учрайди.

Атмосфера чанглари ҳаво қобиғининг ажралмас қисмидир. Жуда майда заррачалар органик ва ноорганик жараёнлар тупроқ қатламининг емирилиши (нураши), вулкан ҳодисалари, ўрмон, дашт ва торф ёнғинлари, денгиз сувининг буғланиши оқибатида пайдо бўлгандир. Атмосферада жуда кўп миқдорда космик чанглар бўлиб, ер юзасига йилига 2-5 млн. тонна космик чанг тушади. Атмосферадаги турли чанг ядролари Ер ландшафт қобиғини ўзгартиришда катта аҳамиятга эгадир. Чунки газ ҳолидаги сув буғлари ядро атрофига йиғилиб, сув томчиларини ҳосил этади. Чанглар куёш радиациясини ютиш қобилятига эга ва ер куррасини нурланишдан сақлайди.

Атмосферадаги чанглар ер юзасининг рельеф хусусияти, тузилиши ва баландлигига қараб, турли миқдорда учрайди. Масалан, шаҳар устидаги 1 куб см. ҳажмдаги ҳавода 100000 дона чанг зарраси бўлса, океан устидаги 1 куб см. ҳажмдаги ҳавода 100 дона чанг зарраси бўлади. 1952 йили Лондонда бир ҳафта давом этган ифлос туман натижасида 4000 киши, кейинчалик (3 ой мобайнида) яна бир неча минг киши нобуд бўлган. 1962 йил декабр ойида бу шаҳарда қурумдан 750 киши ўлган. Цемент заводлари ҳам атмосферани кўплаб ифлослайди. Цемент чанглари узоқ-узоқ



жойларгача тарқалиши мумкин. Ҳозирги вақтда заводларга чанг заррачаларини тутиб қоладиган ускуналар ўрнатилиб, миллионлаб тонна қимматбаҳо қурилиш материаллари тежаб қолинмоқда.

Кейинги вақтларда кимё саноатининг қолдиқлари атмосфера ҳавосини кўплаб ифлосламоқда. Кимё саноат тармоқларидан чиққан заҳарли газ ва бирикмалар ҳавога аралашиб, заҳарли газлар миқдорини ошириб юбормоқда. Оқибатда, кимё заводлари ва комбинатларига яқин бўлган ерларда фауна, флоралар зарар кўрмоқда ва баъзи ўсимликлар бутунлай нобуд бўлмоқда. Натижада, бундай ерларда табиий ландшафт ўз хусусиятини йўқотиб, ўзгача тус олмоқда. Ҳаво таркибидаги карбонат ангидрид, ис гази, азот, хлор, фосфор, фенол, фтор ва бошқаларнинг кўп миқдорда бўлиши инсон саломатлигига таъсир этмай қолмайди. Натижада, кўпгина кишилар астма, рак каби касалликларга дучор бўлишади.

Биохимик олим Эйри Гейган-Смит 1950 йили атмосферада озоннинг турли азотли бирикмаси ниҳоятда хавфли эканлигини аниқлади. Озон кимёвий реакцияга жуда тез киришиб, ўсимлик баргларидаги хлорофилл турларини бузади, резина ва ип- газламаларни емиради. Азотли бирикмалар эса кўз, ўпка касалликларига олиб келади ва ҳавода кўланса ҳид тарқатади, Кимёвий бирикма ва қурумлар тарихий ва архитектура ёдгорликларини ҳам бузмоқда. Венеция. Санкт-Петербург, Кёльн, Милан, Лондон ва бошқа шу каби қадимий шаҳарлар кўчаларидаги нодир ёдгорликлар ва хайкаллар емирилмоқда ёки коррозияга учрамоқда. Атмосферанинг ифлосланишида транспорт воситаларининг роли катта: Автомашина, самолёт ва бошқалар катта миқдорда кислород ишлатади. Масалан, Америка - Европа орасида учадиган биргина суперреактив лайнер 8 соат ичида 50 тонна кислород сарф қилади. Шунча миқдордаги кислородни 25-50 минг гектар ердаги ўрмон 8 соатда етказиб беради.

Транспорт турлари инсон саломатлиги учун зарарли бўлган карбонат ангидрид, ис газидан ташқари, турли бирикмалар ҳам чиқаради. Автотранспортдан чиқадиган майда зарралар, жумладан, автомобиль покришкасидан чиқадиган резина зарралари нафас олиш учун, умуман, ҳаёт учун хавфлидир (биргина автомобиль покришкеси емирилиши натижасида, бир йилда 10 кг чангсимон резина заррасини ҳавога аралаштиради).

Атмосфера ва табиий муҳитнинг ифлосланишида радиоактив моддаларнинг таъсири жуда хавфлидир. Радиоактив моддаларнинг сунъий равишда Ер юзасида тарқалиши асосан, иккинчи жаҳон

урушидан кейин бошланди. Атмосферада. сув ости ва қуруқликда турли кучга эга бўлган кўплаб атом, водород, нейтрон бомбалари портлатиб синаб кўрилди. Оқибатда, атмосферага радиоактив моддалар тарқалади. Биргина атом бомбасини портлатиш натижасида 200 дан ортиқ турли радиоактив моддалар пайдо бўлади, баъзиларни эса радиоактив занжирларини ҳосил этиб, бир элементдан иккинчисига ўтади.

Портлатиш натижасида атмосферага кўтарилиган радиоактив моддаларнинг йирик зарралари қуруқ чанг ҳолатида ёки ёғин-сочинга қўшилиб бир неча соат ичида яна ерга қайтиб тушиши мумкин. Уларнинг радиоактив таъсири жуда кучли. Жуда майда радиоактив моддалар эса атмосферанинг юқори катламларигача кўтарилиб, бир неча минглаб километр масофани ифлослаши мумкин. Ҳозирги вақтда бундай захарли моддаларни баланд тоғларда, Антарктида музликларида ҳам учратиш мумкин.

Шундай қилиб, атмосферанинг ифлосланиши халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказди.

Глоссарий

Табиий ресурслар — инсонларнинг яшаш воситаси бўлиб, инсон уларни табиатдан олади ва уларсиз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошира олмайди. Табиий ресурслар инсонга озиқ-овқат, кийим-кечак, ёқилғи ва энергетика хом ашёлари бериши сабабли яшаш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг зарурий шартидир. Табиий ресурсларнинг тури жуда хилма-хил бўлиб, улар ижтимоий ишлаб чиқариш моддий-техника базасининг таркибий қисмидир. Табиий ресурслар комплекси минерал ресурслар, иқлим, сув, ер-тупрок, ўсимлик, ҳайвон ресурслари, шунингдек, атом ресурслари ва планетар ҳамда космик ресурсларни ўз ичига олади.

Қўшимча маълумотлар

Европада ҳар бир денгиз қирғоғи у билан туташ мамлакат маданияти таъсирида ўзига хос тароват касб этади. Португалия XII аср бошларидан мустақил қироллик ҳисобланган. Португалиянинг тарихий маданий алоқалари таъсирида бугунга келиб, дунёнинг турли мамлакатларида 200 млн. киши португал тилида сўзлашади., бу Португалиянинг ҳозирги аҳолисидан 20 марта кўп демакдир. Португалия аллақачон сайёҳлар эътиборини ўзига тортган бўлиб, охириги вақтларга қадар мамлакат даромадида туризмнинг ўрни юқорилигича қолмоқда. Португалиянинг жанубий қирқ районларида Сагреш, Портимао, Фаро, Албуфейра каби кичик курорт шаҳарлари хорижлик мавсумий дам олувчиларнинг доимий маконига айланган.

Европанинг энг баланд тизмаси Альп рекреантларнинг энг сеvimли манзилларидан биридир. Бугунги кунда Альпда яшовчи туб аҳоли 9 млн кишини ташкил этади. Бироқ, тоғлар Милан ҳамда Мюнхен оралигидаги водийда ҳар йили 140 млн дан ортиқ дам олувчиларга хизмат кўрсатилади. Тоғ ва қуёш, қор ва ўрмон ҳудудининг асосий рекреацион ресурсларидир.

Савол ва топшириқлар

1. Табиий ресурслар нима ва рекреацион жараёнларда улар қандай ўрин тутади?
2. Инсон учун табиат қандай аҳамиятга эга ва уни муҳофаза қилишнинг асосий жиҳатлари қайсилар?
3. Табиатни муҳофаза қилишнинг эстетик жиҳатлари тўғрисида нималарни биласиз?

4. Сув ресурслари рекреацион жараёнларда қандай аҳамиятга эга?
5. Ер ресурслари рекреацион салоҳиятни белгилашда қандай ўрин тутади?
6. Табиий экологик мувозанатни таъминлашда атмосфера қандай вазифа бажаради?

Назорат тестлари

1. Табиат ва меҳнат инсонга керак бўлган моддий фаровонликнинг бош манбаси эканлиги табиатни муҳофаза қилиш муаммосининг қайси асосий жиҳатига хос?

- А) Иқтисодий жиҳат.
- Б) Илмий жиҳат.
- В) Соғломлаштириш ва гигиеник жиҳат.
- Г) Эстетик жиҳат.

2. Ўрта асрларда одамнинг ўртача сутка давомида энергия истеъмол қилиши неча к/кал. ни ташкил этган?

- А) 5
- Б) 12000
- В) 26000
- Г) 200000

3. 1 тонна пахта етиштириш учун қанча сув сарфланади?

- А) 1500 тонна
- Б) 4000 тонна
- В) 10000 тонна
- Г) 100000 тонна

4. Португалия қайси даврда мустақил киролик ҳисобланган?

- А) X асрдан бошлаб
- Б) XII аср бошларидан
- В) XV асрнинг иккинчи яримидан
- Г) XVIII асрнинг биринчи яримидан

5. 140 млн. дан ортиқ сайёҳни қабул қиладиган ҳудудни белгиланг.

- А) Миср.
- Б) Эгей денгизи қирғоқлари.
- В) Тиррен денгизи қирғоқлари.
- Г) Альп тоғи, Милан ҳамда Мюнхен оралиғидаги водий.

Адабиётлар

1. В.С. Переображенский. Теоритические основы рекреационной географии М., «Наука» 1975.
2. Н.С. Мироненко, И.Т. Твердохлебов. Рекреационная география. Изд. Московского Университета 1981.
3. Журнал «Отдохни», № 43,45,49/ 2001, Изд. «Бурда»
4. Журнал «Отдых и путешествия», № 19/ 2001.

VII БОБ.

РЕКРЕАЦИОН РАЙОНЛАШТИРИШ

1 §. Рекреацион районларни белгилаш ва унинг хусусиятлари

Географик фанларнинг предметида бири тадқиқот объектларини турли мақсадларда районлаштиришдир. Зеро, районлаштириш орқали муайян табиий географик комплексларнинг ҳолати баҳоланади, тегишли амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва тавсия этилади, уларнинг оптималлаштириш хусусиятлари назорат қилинади, келажак истиқболлари башоратланади. Ушбу

худудий табақалашини ёки қисмларга ажратиш нафақат географияда, балки барча табиий, гуманитар, ижтимоий фанларга ҳам хосдир.

Район сўзи амалиётда икки хил маъно касб этади. Биринчиси, муайян бўлган географик, геологик, ботаник, иқтисодий ва шу каби худуд. Иккинчиси, собиқ Иттифоқ ёки ҳозирги Россия Федерациясидаги маъмурий бўлинма.

Рекреацион район тушунчаси – умумий меҳнат тақсимотини ажралмас қисми бўлиб худудий меҳнат тақсимооти базасида таркиб топади. Шунга кўра, рекреацион район – ижтимоий-иқтисодий категориядир. Худуд рекреацион район даражасида ажратилиши ёки баҳоляниши учун рекреацион фаолият маълум даражада ривожланган тармоқ сифатида ихтисослашган бўлиши лозим.

Собиқ Иттифоқ тузуми даврида рекреацион фаолият асосан ёз мавсумида энг юқори поғонагача ўсар эди. Чунки, аҳолининг аксарият қисми ёзги таътилни денгиз бўйи, курорт манзилгоҳларда ўтказишни истар эди. Бу даврда аҳолининг (ёзда) катта сондаги қисми мавсумий миграцияни ҳосил этар эди. Шу билан бирга, рекреантларга хизмат кўрсатиш учун рекреацион худудларга товарлар ва хизматлар оқими ҳам турли худудлардан кириб келар эди.

Бирок, 1980 йилларнинг баъзи тадқиқотчилари фикрига кўра, рекреацион район шаклланиши учун худудда туризм, қишлоқ хўжалиги (қишлоқ хўжалиги истеъмол маҳсулотлари билан рекреантларни таъминлаш мақсадида), саноат ишлаб чиқариши (рекреантларни зарур саноат моллари билан таъминлаш мақсадида) мажмуали бўлиши керак. рекреацион районлаштиришдан бу қарашлар ўз давридаёқ инкор этилган эди. Ҳақиқатда, рекреацион ра-йонларнинг ҳар бирида рекреантларни жалб этувчи ўзига хос омиллар борки, улар ҳар бир район учун бетакрор. Масалан, “Омонхона”, “Анжир Ота” сувлари табиий оқимидан кўп ҳажмда ишлаб чиқариш имконияти мавжуд эмас ёки “Чортоқ”даги табиий шарт-шароитни бошқа худудда ташкил этишнинг имконияти йўқ. Лекин, рекреантлар маиший шарт-шароитларини яхшилаш учун жиҳозлар (мебеллар, саноат моллари) ни бошқа худудлардан истеъмолчи талабига кўра олиб келиш мумкин.

Профессор А.Ниғматов ўз ишларида Ўзбекистон худудини 14 та “Экотуристтик район”га ажратган. Унинг фикрига кўра, экотуристтик районлаштириш - маълум бир худудни, унинг экотуристтик ҳолати, имконияти ва келажак истиқболлари нуқтаи назаридан бўлимларга ажратишдир.

Бу бўлимлар қуйидагилар:

- I. Устюрт экотуристтик райони
- II. Орол ва Орол бўйи райони
- III. Амударё райони

- IV. Қизилқум райони
- V. Нурота райони
- VI. Зарафшон райони
- VII. Айдарқўл райони
- VIII. Сирдарё райони
- IX. Чирчиқ райони
- X. Фарғона райони
- XI. Туркистон райони
- XII. Қашқадарё райони
- XIII. Хисор райони
- XIV. Сурхондарё райони

Олим Ўзбекистон ҳудудини экотуристлик районларга ажратишда ҳудудий бир бутунлик, комплекс ёндашув, генетик ўхшашлик ва индивидуаллик қоидаларига амал қилган ва қуйидаги геоэкологик принципларга амал қилиш лозимлиги илгари сурилган:

- геотизмларнинг антропоген, табиий ва табиий-техноген ўзгарувчанлиги;
- экотуризмни бошқа туризм турлари билан биргаликда олиб бориш самарадорлиги;
- маданийлаштирилган ландшафтларда агроэколуристлик имкониятларнинг юқорилиги;
- экологик тадбирларни олиб бориш имкониятининг яратилганлиги.

Собиқ Иттифок тузуми даврида Ўзбекистондаги рекреацион манзилгоҳлар бугунги кун даражасида аҳамият касб этмас эди. Чунки, рекреацион манзилгоҳларни белгилашда денгиз муҳим омил ҳисобланар эди. Албатта, сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси рекреацион фаолиятда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги рекреацион салоҳиятни, Россия, Хитой, АҚШ, Канада, Австралия каби йирик ҳудудларни ўз қамровига олган давлатлар билан таққослаб бўлмайди. Бироқ, инсоннинг табиат билан мулоқотини чегаралаш ёки чеклаш ниҳоятда мушкул жараён. Давлатлар табиатни муҳофаза этиш мақсадида доимо қонунлар, қарорлар қабул қилади ва фуқароларнинг табиатга муносабати шу қонунларга мувофиқ тартибга солинади.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда ҳам давлат кўрикхоналари ва рекреацион манзилгоҳлар ўртасида чегара бўлиши лозим.

2 §. Рекреацион районларнинг шаклланиш шарт-шароитлари ва омиллари

Жамиятнинг ривожланиб бориши билан инсонларнинг атроф-муҳитга таъсири ҳам ўсиб боради. Инсон табиат билан, яъни ўсимлик ва ҳайвонот

дунёси ҳамда ер ости ва ер усти бойликлари билан ўзаро мулоқотда бўлади. Табиат ва инсон ўртасидаги муносабат маълум бир қонунлар орқали бошқарилади, уларга риоя қилмаслик эртами кечми, албатта, ҳалокатга олиб келади [2].

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, давлат табиий қўриқхоналари қатъий муҳофаза қилинадиган ҳудудлар бўлиб, уларда ёввойи табиатнинг йил бўйи кузатиб борилади. Ҳозирги кунда республика ҳудудида 9 та давлат қўриқхонаси мавжуд бўлиб, уларнинг асосий вазифаларидан бири табиат ландшафтлари, ноёб ва нодир ҳайвон, ўсимлик турларини табиий аҳволда сақлаб қолиш ва кейинчалик бошқа ҳудудларни улар билан бойитишдан иборат. Мавжуд иккита боғнинг вазифаси эса, гўзал ландшафтлар ва уларнинг ёввойи вакиллари муҳофаза қилиш билан бирга, экологик туризмни ривожлантириш, инсонларнинг табиат билан алоқасини кучайтиришдир. Ушбу қўриқхоналарнинг ер майдони республика умумий ер майдонининг 0,5 фоизини, миллий боғлар эса, 1,3 фоизини ташкил этади [3].

Бодайтўқай қўриқхонаси Қорақалпоғистон Республикасида Амударё дельтасида жойлашган бўлиб, унинг майдони минг гектар. Қўриқхона иқлими мўътадил, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши эса ўртача совуқ. Йиллик ўртача ҳарорат $+11^{\circ}\text{C}$ бўлиб, қишда ҳарорат -5°C гача тушиб кетади. Ёзда эса ҳарорат $+25^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади, баъзан ундан ҳам юқори бўлади. Ҳудуддаги йиллик ёғинлар миқдори 80мм. ни ташкил қилади. Бодайтўқай қўриқхонаси тўқай ландшафтидаги қушлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Ҳудудда қушлардан қора калхат, тустовуқ, узун думли бургут каби ноёб қушлар мавжуд. Сут эмизувчилардан Бухоро буғуси, тўнғиз кўп учрайди.

Зарафшон қўриқхонаси Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган бўлиб, майдони 2330 гектар. Қўриқхона тўқай ландшафти, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун 1959 йилда ташкил этилган. Қўриқхона иқлими континентал, субтропик. Ҳудуддаги ўртача йиллик ҳарорат $+18^{\circ}\text{C}$, ҳаво ҳарорати июль ойларида $+27^{\circ}\text{C}$ дан ҳам ортиб кетади. Қиши бирмунча илиқ бўлиб, -1°C гача совийди холос. Йиллик ёғин миқдори 300 ммни ташкил этади. Қўриқхонада Туркистон дўланаси, чаканда каби ноёб ўсимликлар кўп. Ҳайвонлардан ҳар хил кемрувчилар- юмронқозик, қундуз, ққулардан тустовуқ ва бошқалар муҳофаза қилинади.

Зомин қўриқхонаси Ғарбий Туркистон тизмаларининг шимолий ён-бағрида жойлашган бўлиб, унинг майдони 15600 гектар. Қўриқхона иқлими мўътадил, йиллик ўртача ҳарорат $+468^{\circ}\text{C}$ бўлиб, қишда ҳарорат -6°C гача тушиб кетади. Ёзда эса ҳарорат $+15^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади, баъзан ундан ҳам юқори бўлади. Ҳудуддаги йиллик ёғинлар миқдори 400 мм. ни ташкил қилади. Зомин қўриқхонаси тоғ ландшафтига хос ўсимликлар, ҳайвонлар ва қушларни

муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Худудда арча, терак, тоғ лоласи ўсади, қушлардан қора лайлак, бургут каби ноёб қушлар мавжуд. Сут эмизувчилардан қўнғир айиқ, силовсин яшайди ва улар қизил китобга киритилган.

Китоб қўриқхонаси Зарафшон тоғи ён-бағрида жойлашган бўлиб, унинг майдони 5378 гектар. Қўриқхона иқлими қуруқ субтропик, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши эса ўртача совуқ. Қишда ҳарорат -5°C гача тушиб кетади. Ёзда эса ҳарорат $+18^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади, баъзан ундан ҳам юқори бўлади. Худуддаги йиллик ёғинлар миқдори 600 мм. ни ташкил қилади. Китоб қўриқхонаси 300-400 млн. йиллар илгари яшаган ҳайвонларнинг ўзларини ва тоғ жинсларини муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Худудда Шарқ чинори, Зарафшон арчаси, анзур пиёзи ўсади, қушлардан бургут, қалқару каби ноёб қушлар мавжуд. Судралиб юривчилардан Туркистон кўзойнакли илони, эчкимар кўп учрайди.

Сурхондарё давлат қўриқхонаси Кўхитанг тоғ тизмаси ён бағрида жойлашган. Қўриқхона иқлими қуруқ субтропик, қиши эса ўртача совуқ. Йиллик ўртача ҳарорат $+15-18^{\circ}\text{C}$ бўлиб, қишда ҳарорат -0°C ни ташкил этгани ҳолда илиқ кечади. Ёзда эса ҳарорат $+28-30^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади, баъзан ундан ҳам юқори бўлади. Худуддаги йиллик ёғинлар миқдори 300-400 мм. ни ташкил қилади. Сурхондарё давлат қўриқхонаси тоғ ландшафтидаги эндемик ўсимликларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Худудда сут эмизувчилардан бурама шохли эчки, оқ тирноқли айиқ, Туркистон силовсини, тўнғиз яшайди. Қушлардан бургут, судралиб юривчилардан капча илон (кобра) мавжуд.

Нурота қўриқхонаси Нурота тоғларининг марказий қисмида 400-2000 м. мутлоқ баландликларда жойлашган бўлиб, унинг майдони 22135 гектар. Қўриқхона иқлими континентал, қишда ҳарорат -2°C гача тушиб кетади. Ёзда эса ҳарорат $+15^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Йиллик ўртача ҳарорат $+15^{\circ}\text{C}$. Худуддаги йиллик ёғинлар миқдори 250-550 мм. ни ташкил қилади. Нурота қўриқхонаси тоғ ва тўқай ландшафтидаги қушлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Худудда бодом, ёнғоқ, арча ўсади, қушлардан қирғий, бургут каби ноёб қушлар мавжуд. Сут эмизувчилардан Қизилқум кўйи кўп учрайди.

Чотқол қўриқхонаси Ўзбекистонда, Ғарбий Тяншаннинг Чотқол тизмасида жойлашган бўлиб, унинг майдони 35 минг гектар. Қўриқхона иқлими континентал, қиши эса ўртача совуқ. Қишда ҳарорат -15°C гача тушиб кетади. Ёзда эса ҳарорат $+25^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Худуддаги йиллик ёғинлар миқдори 700-900 мм. ни ташкил қилади. Чотқол қўриқхонаси тоғ ландшафтидаги қушлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил

этилган. Худудда сут эмизувчилардан Тоғ эчкиси, буғу, оқ тирноқли айиқ кўп учрайди. Қўриқхонада мингдан ортиқ ўсимлик тури бор.

Хисор қўриқхонаси Хисор тизмасининг ғарбий ён бағирларида жойлашган бўлиб, унинг майдони 873995 гектар. Қўриқхона иқлими мўътадил, ёзи иссиқ ва қуриқ, қиши эса ўртача совуқ. Йиллик ўртача ҳарорат $+14^{\circ}\text{C}$ бўлиб, қишда ҳарорат -5°C гача тушиб кетади. Ёзда эса ҳарорат $+25-28^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади, баъзан ундан ҳам юқори бўлади. Худуддаги йиллик ёғинлар миқдори 100-150 мм. ни ташкил қилади. Хисор қўриқхонаси тоғ ландшафтидаги ўсимликлар, қушлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Худудда қушлардан бургут, қалқару каби ноёб қушлар мавжуд. Сут эмизувчилардан оқ тирноқли айиқ, силовсин, қор қоплони, тўнғиз кўп учрайди. Ўсимликлардан арча, тоғ пистаси, бодом, ёнғоқ ўсади.

Қизилқум қўриқхонаси Амударё ўрта оқимининг ўнг соҳилида жойлашган бўлиб, унинг майдони 3,9 минг гектар. Қўриқхона иқлими кескин континентал, қуруқ. Қиши эса ўртача совуқ. Қишда ҳарорат -5°C гача тушиб кетади. Ёзда эса ҳарорат $+25-29^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади, баъзан ундан ҳам юқори бўлади. Худуддаги йиллик ёғинлар миқдори 8-100 мм. ни ташкил қилади. Қизилқум қўриқхонаси чўл ландшафтидаги қушлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Худудда қушлардан Амударё қирғовули, қалхат, ўрдақлар мавжуд. Сут эмизувчилардан Бухоро буғуси, хонгул кўп учрайди.

3 §. Рекреацион район белгилари ва Ўзбекистоннинг рекреацион зоналари

Республика аҳолиси дам олиш мақсадида эрта баҳордан токи кеч кузга қадар, тоғ ёнбағридаги сув омборлари бўйларига ошиқишади. Лекин, ҳар бир



рекреантнинг табиат ва унинг қайта тикланмас неъматларига муносабатларини бир хилда ижобий баҳолаб бўлмайди. Шу ўринда экологик маданиятни ривожлантириш муҳим ўрин тутаяди.

Экологик маданиятни ривожлантиришда бошқарувнинг ўрни фақатгина давлат хизмати билангина эмас, балки жамоатчилик ролини ошириш бугунги “Демократик

хукукий давлат қуриш” йўлидаги экологик билимларни тарғибот қилиш, аҳолининг экологик савиясини кўтариш борасида бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Лекин, шунга қарамай, бу соҳада бир қатор камчиликлар мавжуд [4].

Шу боис, юқорида таъкидлаганимиздек, рекреацион манзилгоҳларларда инсоннинг дам олиши табиат билан мулоқотини ривожлантириш учун қулай шарт шароитлар яратилиши лозим ва бу манзилгоҳларда таркиб топган рекреацион мажмуалар иқтисодий даромад келтириши, аҳолининг соғлиги ва меҳнат қobiliятини тиклашга, табиатни муҳофаза қилишга салмоқли ҳисса қўшиши керак бўлади.

Биз юқорида рекреацион районларни ижтимоий-иқтисодий категория эканлигини эътироф этдик. Чунки, рекреацион район шаклланган ҳудудда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир неча тармоқлар: алоқа, тиббиёт, меҳмонхона ва озиқ-овқат муассасалари ташкил топади. Янги иш ўринлари шаклланади, жойлик аҳолининг бандлиги ортади.

Зеро, рекреацион районларнинг шаклланиши табиат ёки жойнинг географик ўрни билан боғлиқ экан, ўз навбатида жойнинг иқтисодий-географик ўрнининг аҳамияти ортади.

Шу ўринда, рекреацион районни иқтисодий-географик жиҳатдан таъминловчи шарт-шароитларни 5 та турга ажратиш мумкин:

1. Рекреацион районнинг рекреантлар оқимини ҳисобга олиш (рекреантларни қабул қилиш салоҳияти, рекреантларнинг ижтимоий ва ёш таркиби, маҳаллий ёки хорижий туристлар эканлиги);

2. Рекреацион районнинг транспорт-географик шарт-шароити, рекреантларнинг яшаш жойи ва дам олиш жойлари оралиғидаги транспорт хизматининг қулайлиги;

3. Рекреацион районга ташқи таъминот базаларининг маҳсулот етказиб беришдаги қулайликлари, асосан тез бузилувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ва уларнинг истеъмол учун яроқлилигини таъминлаш;

4. Рекреацион районнинг қўшимча ишчи кучлари билан таъминловчи ҳудудларга яқинлиги. Асосан рекреантлар энг кўп бўладиган вазиятларда;

5. Рекреацион районнинг бошқа рекреацион районларга нисбатан тутган ўрни;

Рекреацион районнинг ички ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини қуйидаги омиллар белгилайди:

1. Туризм ва дам олиш масканларининг хом ашё техник базасининг ривожланганлик даражаси ва ҳудудий таркиби. Шунингдек, рекреантларга хизмат қилувчи соҳалар фаолияти

2. Худуднинг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш инфраструктурасининг ривожланганлик даражаси.

Бу худуддаги шарт-шароитга икки томонлама таъсир кўрсатиш мумкин. Биринчидан, рекреацион худуддаги иқтисодий барқарорликни таъминласа. Иккинчидан, худудда атроф-муҳитнинг ифлосланиши, худуд ресурсларидан фойдаланиш меъёрларининг бузилиши ҳолатларини келтириб чиқаради.

3. Меҳнат ресурслари. Рекреацион районнинг ривожланиш шарт-шароитларини уларнинг танқислиги ёки йўқлиги мураккаблаштиради. Бироқ, бу ҳолат режалаштирилган иқтисодиётга хос эди. Бугунги кунда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларининг оқими сердаромад, бўш иш ўринлари кўп худудларга йўналган.

Собиқ Иттифоқ тузуми даврида Чортоқ, Чимён, Октош, Нанай, Шохимардон, Кувасой, Хўжа Обигарм зоналари минтақанинг курорт зоналари саналган. Республикада бугунги кунда ҳам бу худудлар иқлими, табиий шарт-шароитларининг ўзига хослиги билан рекреантларни жалб этади.

Кўпчилик тадқиқотчилар республикадаги сув омборларидан рекреацион мақсадларда фойдаланишни тавсия этишади. Бироқ, рекреацион районларнинг жойлашувига эътибор қаратсак, улар асосан, очик денгизлар қирғоқларида ёки дарёлар дельтасида жойлашган. Шу ўринда, республикани ичимлик суви ва қишлоқ хўжалигини суғориш сувларидан фойдаланиш учун қурилган сув омборларидан рекреацион мақсадларда фойдаланиш таклифи ўринли эмас. Чунки, республика аҳолиси ва қишлоқ хўжалигини тоза сув билан таъминлаш саломатликни таъминлашнинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Рекреацион манзилгоҳлар тоғ-оралиқ ботикларида жойлашuvi мақсадга мувофиқ. Бундай манзилгоҳларга “Хумсан”, “Хонжиза” манзилгоҳларини мисол келтиришимиз мумкин, яна Нурота, Ҳисор, Кўхитанг тоғлари рекреацион манзилгоҳларни кўпайтириш ва улар салоҳиятини ошириш имкониятлари мавжуд.

Глоссарий

Географияда эса, одатда, “район” табиий-географик ёки иқтисодий географик бўлинма сифатида ишлатилади. Лекин, ушбу географик таксономик бирлик айнан, шу икки кўринишда бўлиши керак, деган сўз эмас. Чунки, географик фанлар тармоғи жуда кенг ва уларнинг ҳар бирида ўзига хос бўлган районлаштириш ишлари олиб борилади. Масалан, рекреацион, геоэкологик, экотуристтик, геоморфологик, геосиёсий, геокартографик, геоботаник районлар ва ҳ.к [1].

Қўшимча маълумотлар

Бутун дунё миқёсида туризм пойгаси давом этмоқда. Ўрта Ер денгизи қирғоқларида дам олиш бевосита денгиз билан боғлиқ бўлса, Миср, Греция, Италия, Франция каби мамлакатлар ички ҳудудларидаги тарихий обидалар асосий томошагоҳлардир. Бироқ рекреацион районлашувига кўра, бу ҳудудлар бир-биридан баъзан қисман, баъзан эса кескин фарқ қилади. Масалан, Мисрнинг иқлимини Греция ёки Италия иқлими билан таққослаб бўлмайди. Бу ўз навбатида табиати ва ўсимликлар олами ҳам бир-биридан фарқ қилишидан далолатдир.

Рекреантларни дам олишнинг барча (танишув, чўмилиш ва саломатликни тиклаш) компонентларини ўзида мужассам этган ҳудудлар қизиқтиради. Умумий хусусиятларига кўра, рекреацион фаолиятнинг туризмдан фарқи шундаки, кишилар одатда тинч, одамлар кўп бўлмаган жойларда табиатнинг сокин манзарасидан баҳраманд бўлишни ҳохлашади.

Туризмнинг оммалашиши ҳам ўз тарихига эга. 1925 йилда Гагада туризмни ташвиқот қилиш бўйича биринчи халқаро конгресс чақирилган ва бунда 14 та мамлакатдан вакиллар иштирок этган. 1947 йилда эса Парижда халқаро расмий туристик ташкилотлар иттифоқи (ХРТТИ) ташкил топган. 1950 йилларда рўйхатга олинган туристлар сони 25 млн киши бўлган бўлса, 1960 йилларда 70 млн., 1970 йилларда 168 млн., 1995 йилда 600 млн. дан ошиб кетди. 2005 йилга келиб, 900 млн. кишига етди. Натижада бугунги кунга келиб, туризм халқаро иқтисодий алоқаларнинг муҳим жиҳатига айланди.

Савол ва топшириқлар

1. Рекреацион район тушунчасини изоҳланг.
2. А.Ниғматов ажратган экотуристтик районларни санаб беринг.
3. Рекреацион районларнинг шаклланиш шарт-шароитлари ва омилларини изоҳланг.
4. Бодайтўқай ва Зарафшон қўриқхоналари тўғрисида нималарни биласиз?
5. Зомин ва Қизилқум қўриқхоналарига тавсиф беринг.
6. Сурхондарё, Китоб ва Ҳисор қўриқхоналари тўғрисида нималарни биласиз?
7. Нурота ва Чотқол қўриқхоналарига тавсиф беринг.
8. Ўзбекистондаги қайси рекреацион зоналарни биласиз?

Назорат тестлари

1. 1959 йилда ташкил этилган қўриқхонани белгиланг.
А) Бодайтўқай
Б) Зарафшон
В) Зомин
Г) Китоб
2. Рекреацион районни иқтисодий-географик жиҳатдан таъминловчи шарт-шароитлар неча турга ажратилади?
А) 2
Б) 3
В) 4
Г) 5
3. 1925 йилда туризмни ташвиқот қилиш бўйича биринчи халқаро конгресс қаерда бўлиб ўтган?
А) Гагада
Б) Венада
В) Брюссельда
Г) Афинада
4. 1947 йилда туризм билан боғлиқ қандай воқеа содир бўлди?
А) Халқаро конгресс чақирилди.
Б) Халқаро расмий туристик ташкилотлар иттифоқи тузилди.
В) БМТ да туризмни ривожлантириш ташкилоти тузилди.
Г) Туризмни ривожлантириш Европа ҳамкорлиги тузилди.

5. 2005 йилда дунё миқёсида туристлар сони қанчагача етди?

А) 70 млн.

Б) 168 млн.

В) 600 млн.

Г) 900 млн.

Адабиётлар

1. А.Ниғматов, Н.Шамуратова. Ўзбекистонни экотуристлик районлаштириш тажрибаси. Экология хабарномаси. 2007, №2, 40-49 б.

2. У. Сапаров. Экологик онг ва экологик маданият. Экология хабарномаси. 2007, №1, 8 б.

3. Ф.Иноғомов. Қўриқхоналар ва миллий боғлар фаолиятига бағишланган матбуот анжумани. Экология хабарномаси. 2007, №1, 5 б.


4. И.Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1994, 243 б.

VIII БОБ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ВА РЕКРЕАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

1§. Жаҳон рекреацион тизимида Ўзбекистоннинг тутган ўрни

Бутун дунё туризм ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича банд аҳолининг 8 фоизи туризм учун хизмат кўрсатувчи муассасалар ишчилари ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларига ажратилган инвестицияларнинг ҳам 7 фоизи, умумий истеъмол харажатларининг 11 фоизи туризм ҳиссасига тўғри келади.




Бугунги кунда туризм мамлакатлар хазинасига юқори даромад келтирувчи тармоқ сифатида шаклланмоқда. Агар 1950 йилларда дунё бўйича туризм келтирадиган умумий даромад 2,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1970 йилларда унинг ҳажми 17,9 млрд. долларга ва 2000 йилда 176,1 млрд. долларга етди.

Туризм саноати хизмат кўрсатиш тизимининг муҳим тармоқларидан бири, унинг аҳамияти бугунги кунда кун сайин ортиб бормоқда. Туризмнинг ривожланиши мамлакат иқтисодий инфраструктурасининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади ва валюта тушумларини фарқлай олиш лозим бўлади.

Биз юқорида рекреацияни бўш вақт, дам олиш каби тушунчалар билан боғлиқлигини таъкидладик, бир сўз билан айтганда,

рекреацион фаолият кишининг ўзи севган, унга роҳат бағишлайдиган машғулотиدير. Инсон, қулупнай териш билан ҳам, балиқ овлаш орқали ҳам ёки бирор бошқа машғулот билан банд бўлиш билан ҳам дам олиши мумкин.



Умуман, туристик фаолиятнинг рекреацион фаолиятдан фарқи шундаки, туризмда истеъмолчининг мақсади кенгроқ ва саломатликни тиклаш биринчи ўринга қўйилмайди. Туризм кўпроқ инсоннинг руҳияти ва маънавий қизиқишлари билан боғлиқ.

Замонавий туризм саноати — иқтисодиётнинг энг энг ривожланаётган ва сердаромад тармоқларидан биридир. Унинг ҳиссасига дунёдаги ялпи даромаднинг қарийб 10 фоизи тўғри келади. Дунё миқёсида туризмнинг ўсиш темпи йилига 4-5 фоизга ортмоқда.

Ўзбекистоннинг тарихи ва маданияти ниҳоятда бой ва туризм тармоғининг ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга. Худуд “Буюк Ипак йўли”да жойлашганлиги боис, тарихда савдо ва маданий алоқалар маркази сифатида дунё мамлакатлари ичида шуҳрат қозонган. Республика худудида 4000 га яқин архитектура ёдгорликлари бўлиб, уларнинг баъзилари 2500 йиллик узоқ тарихдан гувоҳлик беради. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги тарихий обидалар дунё тарихчилари ва сайёҳларининг доимо диққат марказида бўлиб келган.



Бу шаҳарлар нафақат, ўзларининг ёдгорликлари, масжидлари, мадрасалари, макбаралари билан, балки, бу ҳудудларда Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ибн Сино, Ат Термизий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк ўзбек олимлари яшаб ижод қилганлиги боис ҳам машҳурдир. Ўтган мустақиллик даври мобайнида Ўзбекистон туризм саноатида

сезиларли ўзгаришлар юз берди, яъни мамлакатда туризмнинг ривожланиши билан боғлиқ сиёсий қарашлар ўзгарди, туризмни ривожлантириш меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Туризмнинг барча турларини

ривожлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ишлаб чиқилди ва ҳозирда такомиллашмоқда. Шунингдек, кичик туристик мажмуаларга хорижий инвестициялар жалб этилмоқда, янги туристик йўналишлар очилмоқда, тармоқни ривожлантириш учун малакали кадрлар тайёрланмоқда ва хизмат кўрсатишни жаҳон андозаларига тенглаштиришга интилмоқда.

2§. Рекреациянинг ривожланишида фестиваллар, кўргазмалар, халқ байрамлари ва спортнинг аҳамияти

Ўзбекистон цивилизациялар тўқнашган минтақалардан бирида жойлашган мамлакатдир. Унинг тарихи ниҳоятда бой ва бетакрордир. Тарихда халқимиз табиатдаги ҳар бир ўзгаришни (баҳорнинг келиши, ҳосил йиғимини) байрам сифатида тўкин-сочинликдан, яхшилиқдан нишона сифатида қабул қилган. Байрамлар ва анъаналар ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи ва кишилар ўзаро муносабатларининг турли жиҳатлари ва шаклларида намоён бўлувчи мууайян урф-одатлар ва анъаналар, ахлоқий принциплар ва ҳуқуқий тартиботларнинг тарихан шаклланган йиғиндисидир.



Ўзбек халқининг асрлар давомидаги ижтимоий маънавий қарашлари халқ оғзаки ижоди орқали аجدодлардан авлодларга етказиб келинган. Бугунги кунга келиб, ўлка тарихи, этнографияси, маданияти ва маънавий мероси жаҳон жамоатчилигининг диққатини ўзига тортмоқда. Республикада

“Шарқ тароналари”, “Бойсун баҳори” фестивалларининг “Наврўз” байрам сайлларининг ўтказилиши хорижлик сайёҳларнинг, шарқшунос, этнограф олимларининг ўлка тарихи, маданиятига бўлган қизиқишини орттирмоқда.

Ўз урф одатлари маросимлари мазмунига кўра, деҳқончилик ва чорвачилик учун барака сўровчи халқ ҳеч қачон ўзганинг ерига кўз тикмаслигини, халқининг бағрикенг, дилкаш эканлигини Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ англаб етмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон миллий

гурухлари хориж мамлакатларида ўз миллий анъаналари, қарашларини ифода этувчи чиқишлари билан хорижликлар эътиборини тортмоқда. Республика мустақиллигининг дастлабки йиллариданок, мамлакатда спортни ривожлантириш спорт соҳасида зафарли ютуқларни қўлга киритган спортчиларни маънавий, моддий рағбатлантириш тўғрисида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўтган қисқа муддат ичида жаҳон спорт сахнасида Ўзбекистоннинг мавқеи юксалди. Бугунги кунга келиб, мактаблар ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари”, талабаларнинг “Универсиада” учрашувлари ва турли ёшдаги спортчиларнинг халқаро спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб боришмоқда.

Умуман, рекреациянинг ривожланишида фестиваллар, кўргазмалар халқ байрамлари ва спортнинг аҳамияти юқоридир. Туризм инсон ҳаётий фаолиятининг кўпгина тармоқларини ўз ичига олади. Шунинг учун туризмни ўрганиш маданиятшунослик, тарих, антропология, психология, социология иқтисодиёт каби фан тармоқларини ўрганиш билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон дунё тарихчилари ва кенг жамоатчилигига ҳали тарғиб этиб улгурмаган бой тарихга эга. Республика мустақилликка эришгунга қадар, Кушонлар даври Султон Саодат, Қирққиз архитектура ёдгорликлари тўғрисида ғиштдан қурилган. “Қирққиз” харобалари ҳозирга қадар сақланиб келинган. Маълум бўлишича, тарихда “Қирққиз” га дунёнинг турли мамлакатларидан, жумладан, Франция келиб таҳсил олган. Улар Шарқ маданиятини ўрганишган. “Қирққиз”да сарой аёллари тарбияланган.

Султон Саодат, Ҳаким Ат Термизий, Исо Термизий мақбаралари эса, мустақилликка қадар ўта аянчли кўринишга эга бўлиб қолган эди. Бу алломалар ўз даврининг йирик олимлари, маърифатпарвар ва ҳадисшунос бўлишган.

3 §. Ўзбекистон табиати ва уни муҳофаза қилиш зарурияти

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, яъни Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган мамлакат. Ҳудудининг шимолий нуқтаси Устюрт платосининг шимолий-шарқида, жанубий нуқтаси $45^{\circ} 31'$ шимолий кенгликда Термиз шаҳрида, ғарбий нуқтаси Устюрт платоси бўйлаб, 50° шарқий узокликда, энг шарқий нуқтаси эса, Фарғона вилоятининг шарқий қисмига $37^{\circ} 10'$ узунликда жойлашган. Ўзбекистоннинг майдони 448,9 минг кв. км бўлиб, ҳудудининг 78,7 фоизи текисликдан ва 21,3 фоизи тоғлардан иборат. Мамлакат ҳудудида Талас, Угом, Қоржонтоғ, Писком, Чортоқ, Қурама, Туркистон, Моргузар, Нурота, Зарафшон, Ҳисор,

Бойсунтоғ, Сурхонтоғ, Кўхитангтоғ, Боботоғ, Фарғона, Олой тизма тоғлари, Қорахотин, Мингбулоқ, Асакаовдан ботиклари мавжуд.

Ўзбекистоннинг табиий географик ўрни Марказий Осиёдаги бошқа республикалари табиатидан кескин фарқ қилади. Мамлакат ҳудуди шимолдан жанубга қадар 325 км.га чўзилган. Ер юзасининг тузилиши (текисликлар, тоғлар) даги тафовутлар иқлим ҳосил қилишда муҳим ўрин тутди. Масалан, мамлакат жанубида субтропик иқлим минтақаси ҳукм сурса, шимолда шимолий ғарбдан эсувчи совуқ ҳаво массалари тўғридан-тўғри кириб келади. Мамлакат ҳудуди бўйлаб ўртача йиллик ҳарорат ҳам турлича. Масалан, ўртача йиллик ҳарорат Нукусда $+11,0^{\circ}\text{C}$ бўлса, Тошкентда $+13,9^{\circ}\text{C}$, Термизда эса $+17,8^{\circ}\text{C}$ га тенг.

Ўзбекистоннинг текислик қисмида ёзда ўртача йиллик ҳарорат $+26+30^{\circ}\text{C}$ га етади. Жанубда асосан $+31+32^{\circ}\text{C}$ га етади. Баъзан Термизда ҳарорат $+50^{\circ}\text{C}$ гача етади. Умуман, ёз қуруқ иссиқ кечади. Қишда январ ойларида, ҳарорат шимолда -10°C гача етади ва жануби-шарққа томон исиб боради. Термизда ўртача ҳарорат қишда $+3^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади. Баъзи йилларда Арктика ҳаво массаларининг кириб келиши натижасида қиш совуқ келади ва ҳарорат Устюртда $-36-37^{\circ}\text{C}$ гача, Тошкентда $-28-30^{\circ}\text{C}$ гача, Сурхондарёда $-18-20^{\circ}\text{C}$ гача совиб кетади. Шунга мувофиқ равишда ёғинлар ҳам турлича тақсимланади. Ёнг кам ёғин миқдори Устюрт, Қуйи Амударё ва Қизилқумга тўғри келиб, 100 мм атрофида. Ўзбекистоннинг адир ва тоғ олди қисмида йиллик ёғинлар 300-550 ммни ва баланд тоғ минтақаларида 550-900 мм ни ташкил қилади.

Ўзбекистоннинг йирик дарёлари Амударё ва Сирдарё бўлиб, улар асосан қор ва музлардан, қисман ер ости сувларидан тўйинади. Ўзбекистоннинг тупроқ қоплами, ўсимлик ва ҳайвонот олами жуда хилма-хил. Уларнинг тақсимланишида иқлим ва рельеф муҳим ўрин тутди. Мамлакат ҳудуди бўйлаб чўлларда асосан шўрхоқ, тақирлар, текислик, ва водийларда бўз тупроқлар, тоғ олди ва тоғ минтақаларида сур ва қўнғир тусли тупроқлар кенг тарқалган.

Чўлларда буғдойиқ, юлғин, шувоқ, шўра, бурчоқ, исирик, саксовул каби ўсимликлар, тоғ олди ва баланд тоқ минтақаларида бетага, равоч, бодом, писта, дўлана, ўрик, олма, равоч, арча, Туркистон қайини, ёнғок, терак каби ўсимликлар ўсади. Ўзбекистон ҳайвонот оламининг тарқалишида ҳам иқлим ва рельеф муҳим аҳамият касб этади. Чўл ва адир минтақасида асосан, калтакесак, илон, кўрсичқон, юмронқозиқ, сут эмизувчилардан: чўл мушуги, жайрон, оққуйруқ, қора қулоқ, тулки хонгул ва бошқалар яшайди. Тоғ ва тоғ олди минтақаларида оқ сичқон, оқ сувсар, ўрмон сичқони, ўрмон олмахони, қундуз, қўнғир айиқ, силовсин, бўри,

тулки, сиртлон, бўрсик, қуён яшайди. Қушлардан бургут, тасқара, каклик, булбул кабилар учрайди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилди. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг тасарруфидаги бошқарув ҳамда назорат органлари тузилди. Табиатни муҳофаза қилиш ва уни такрор барпо этиш доирасидаги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ноёб ва ўта ноёб ўсимлик ва ҳайвон турлари аниқланиб, уларни муҳофаза этиш мақсадида Ўзбекистон “Қизил китоби” чоп этилди ҳамда қўриқхоналарга аҳамият ортиди.

Глоссарий

Буюк адабиёт танқидчиси В.Г.Белинский “Халқ поэзияси, унинг тарихи билан узвий боғлиқдир, поэзияда ҳам тарихда ҳам халқнинг сирли руҳияти мужассамланган, шу сабабли унинг тарихини поэзия билан, поэзияни эса тарихи билан тушунтириш мумкин”- деб таърифлаган.

Кўшимча маълумотлар

Хорижга аҳолининг сайёҳ сифатида чиқиши таҳлил этилганда, Ўзбекистондаги жами аҳолининг 1,7 фоизи сайёҳатга чиққан бўлиб, шунинг 20 фоизи Россияга, 80 фоизи Германия, Япония ва Буюк Британия ҳиссасига тўғри келади (бунда бир сайёҳ бира тўла бир неча давлатга чиқишини эътиборга олинг). Ўзбекистон фуқаролари бундан ташқари Украина, Қозоғистон, Туркия, Хитой, БАА, Жанубий Корея, Исроил, Греция давлатларига ҳам сафарга кўп чиқишади. 2004 йилда Ўзбекистонда 261,6 минг хорижлик сайёҳ таириф буюрган. Таириф буюрган туристларнинг асосий қисми, яъни 76,2 фоизи Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозир Ўзбекистонда 500 дан ортиқ туристик ташилотлар ва фирмалар фаолият юритмоқда. Бу ташилотларнинг дунёнинг 24 мамлакатига ўз вакиллари ва шериклари бор. 4-5 халқаро даражадаги 11 та меҳмонхона мажмуаси фаолият юритмоқда. 2-3 халқаро даражали меҳмонхоналар сони эса 80 тадан ошди. Туристларга хизмат кўрсатиши учун 150 та санитар-курорт ва физиотерапевтик соғломлаштириши масканлари барпо этилган. Уларнинг аксарияти шифобахш минерал сувлар, шифобахш балчиқлари мавжудлиги, табиий-иқлимий шарт-шароитлари қулайлигига кўра юқори қийматга эга.

Тарихда баён этилишича, Бақтрия емирилиб, унинг харобалари ўрнида пайдо бўлган Кушонлар империяси жуда қисқа муддат ичида қудратли давлатга айланади. Император Канишка (78-123) ҳукмронлик қилган давр охирларида Кушон давлати ўз ҳудудини ниҳоятда кенгайтиради ва замонасининг буюк давлатлари Рим, Парфия ва Хитой билан бир қаторда туради. Канишканинг дин соҳасидаги сиёсати натижасида Кушон империясида жумладан, Ўрта Осиёда ҳам то араб истилосигача буддизм дини кенг тарқала бошлаган. Ҳаттоки, Хитойга ҳам буддизм Кушон империяси орқали тарқалган. Буддизмнинг энг муҳим асарларидан бири Амиабс Сутра Кушон мамлакатидан Хитойга 147 йилда олиб келтирилганлиги тўғрисида Хитой

Савол ва топшириқлар

1. Жаҳон рекреацион тизимида Ўзбекистоннинг тутган ўрнига баҳо беринг.
2. Ўзбекистон ёдгорликлари ва маданий обидалари тарихи тўғрисида нималарни биласиз?
3. Ўзбекистоннинг табиий шарт-шароитларининг рекреацион аҳамиятини баҳоланг.
4. Урф одатлар ва анъаналар қандай рекреацион аҳамият касб этади?
5. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган рекреацион географик ўрнини баҳоланг.
6. Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилишнинг заруриятини изоҳланг.
7. Ўзбекистон «Қизил китоби» ва унга киритилган ноёб турлар тўғрисида нималарни биласиз?

Назорат тестлари

1. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишида энг муҳим ўрин тутувчи омилни белгиланг.
А) Иқтисодий-ижтимоий.
Б) Тарихий-маданий.
В) Экологик-эстетик.
Г) Спорт-соғломлаштириш.
2. «Халқ поэзияси, унинг тарихи билан узвий боғлиқдир, поэзияда ҳам тарихда ҳам халқнинг сирли руҳияти мужассамлашган, шу сабабли унинг тарихини поэзия билан, поэзияни эса тарихи билан тушунтириш мумкин»- деган фикрни ким айтган?
А) А.А.Минц.
Б) Ю.А.Веденин.
В) В.Г. Белинский
Г) В.С. Переображенский.
3. «Қирққиз» архитектура ёдгорлиги Ўзбекистон Республикасининг қайси ҳудудида жойлашган?
А) Сурхондарё
Б) Бухоро
В) Хоразм
Г) Қорақалпоғистон Республикаси

4. 2004 йилда Ўзбекистонга қанча сайёҳ ташриф буюрган?

А) 261,6 минг

Б) 331,2 минг

В) 446,7 минг

Г) 517,8 минг

5. Ўзбекистон ҳудудида мавжуд архитектура ёдгорликлари сонини белгиланг.

А) 1000

Б) 2000

В) 3000

Г) 4000

Адабиётлар

1. А.Ниғматов, Н.Шамуратова. Ўзбекистонни экотуристлик районлаштириш тажрибаси. Экология хабарномаси. 2007, №2, 40-49 б.

2. У. Сапаров. Экологик онг ва экологик маданият. Экология хабарномаси. 2007, №1, 8 б.

3. Ф.Иноғомов. Қўриқхоналар ва миллий боғлар фаолиятига бағишланган матбуот анжумани. Экология хабарномаси. 2007, №1, 5 б.

4. И.Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1994, 243 б.

IX БОБ.

ХАЛҚАРО РЕКРАЦИОН ОҚИМ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖАҲОН РЕКРЕАЦИОН РАЙОНЛАРИ ТАВСИФИ

1§. Халқаро рекреацион оқим ва унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар

Халқаро рекреацион оқимнинг географик йўналишининг шаклланишига ҳар доим қуйидаги тўртта омиллар гуруҳи ўз таъсирини кўрсатади:

I. *Ижтимоий-иқтисодий омиллар гуруҳи.* Бу гуруҳдаги омиллар дунё мамлакатлари ва минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасини акс эттиради. Мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти рекреацион талаб ҳажмининг ортишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ва рекреацион оқим кўрсаткичларини белгилаб беради. Кўпгина тадқиқотчилар бу гуруҳ омилларига аҳолининг ўсиши, умумий иқтисодий тараққиёт, транспорт тизимининг яхшиланиши, давлатлараро савдо-иқтисодий муносабатларнинг либераллашуви ва оммавий ахборот воситаларининг таъсири, геосиёсий вазият, аҳоли жон бошига бўш вақтнинг тақсимооти кабиларни киритади.

II. *Рекреацион ресурслар омили гуруҳи.* Бу гуруҳда рекреацион ресурсларнинг келиб чиқишига кўра табиий ва антропоген ресурслар эканлиги, улар таркиби, захираси ва рекреантларни ўзига жалб этиш даражаси киради ва улар орасида рекреацион сиғим асосий роль ўйнайди.

III. *Инфраструктура омили.* Бу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий инфраструктуранинг етарли даражада ривожланганлиги билан боғлиқ.

IV. *Мамлакат ёки минтақанинг географик жойлашуви омили.* Бу омилнинг таркибий қисмларига рекреацион районларга нисбатан мамлакатнинг жойлашуви ва транспорт тармоқларининг қулай шаклланганлиги киради.

Халқаро рекреацион оқим энг юқори бўлган минтақаларга Европанинг дунё океани билан туташ ҳудудлари, Кариб ҳавзаси, Ўрта Ер денгизи қирғоқларидир.

Кейинги вақтларда Ғарбий Европанинг халқаро туризмдаги улуши пасаймоқда. Бу минтақа 1970 йилларда хорижий сайёҳларнинг 68 фоизини қабул қилган ва даромадининг қиймати шунча монанд равишда 62 фоизни ташкил этган. ХХI аср бошида дастлаб 56 фоизга, кейинчалик 42 фоизга қисқарган. Шунга қарамасдан, Ғарбий Европа дунёнинг асосий рекреацион минтақасилигича қолмоқда. Ҳудудга келувчи туристлар ва рекреантлар

сони 1970 йилларда 113 млн. кишини, 1980 йилларда 190 млн. кишини, 1990 йилларда 275 млн., 2001 йилда 365 млн. кишини ташкил қилган. 2010 йилга бориб, бу кўрсаткич 476 млн. кишигача ўсиши башорат қилинмоқда. Туризм ёки рекреацион жараёнлар ривожланган дунё мамлакатларининг 20 тасидан 13 таси Европа давлатлари, келувчи европаликлар улуши юқори бўлган 20 та давлатнинг ҳам 12 таси Европа мамлакатларидир. Мазкур ҳолат минтақадаги рекреацион жараёнларнинг фаоллигидан далолат беради ва бунинг сабаблари қуйидагилар:

Биринчидан, минтақада туризмнинг ривожланишида табиий омилларнинг қулайлиги, денгиз қирғоқларининг, қўлтиқлар, ички денгизларнинг кўплиги, минглаб километр денгиз чўмилиш майдонларининг мавжудлиги, дарёларнинг серирмоқлиги, қирғоқ бўйи ва тоғ манзарали ҳудудларнинг кўплиги.

Иккинчидан, тарихий-маданий омиллар: турли тарихий ва архитектура ёдгорликларига бойлиги, моддий ва руҳий маданият даражасининг юқорилиги, аҳолининг миллий ва диний таркибидаги хилма-хиллик, таълимнинг юқори даражадалиги минтақанинг дунёнинг бошқа минтақалари билан қадимдан алоқа ўрнатганлиги.

Учинчидан, ижтимоий-иқтисодий ва иқтисодий-географик омиллар Хорижий Европада туризм ва рекреациянинг ривожланиши учун қулайлик яратади. Умумиқтисодий ривожланишнинг юқорилиги, аҳоли даромадларининг ортиб бориши, урбанизациянинг юқорилиги, транспорт ва ижтимоий инфраструктуранинг мавжудлиги, шунингдек, бошқа туристик ва рекреацион минтақаларнинг яқинлиги.

Тўртинчидан, сиёсий омилнинг таъсири яъни минтақада сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ва нафақат иқтисодий, балки сиёсий интеграциянинг ҳам чуқурлашаётганлиги каби омиллар минтақада туризм ва рекреацион фаолиятнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Европарламент ва Европа Иттифоқи кенгаши томонидан 1990 йил Европа туризми йили эканлиги эълон қилинган эди. Бу мамлакатлар тараққиётига катта ҳисса қўшди. Европа Иттифоқи давлатларида туризм тармоғида 35 млн. киши банд ва Европа Иттифоқи давлатлари ялпи ички маҳсулотларининг 8 фоизини туризмдан тушган даромадлар ташкил қилади. Баъзан минтақадаги сиёсий вазиятлар кескинлиги салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар ҳам бўлади. Масалан, Югославияда фуқаролар уруши нафақат ички тараққиётга, балки халқаро туризмнинг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

2§. Жаҳоннинг рекреацион марказлари географияси

Ғарбий Европада туризмнинг барча тури (танишув, рекреация, илмий, конгресс, диний, экологик) ривожланган минтақада ички туризмнинг ривожланишида транспорт омили муҳим ўрин тутди. Туристлар ёки рекреантларнинг 9/10 қисми европаликлар, дунёнинг бошқа минтақаларидан келувчилар жами турист ва рекреантларнинг 1/10 қисмини ташкил этади. Умуман, Хорижий Европани туристик-рекреацион районлашувига кўра, тўртта асосий йирик ҳудудга ажратилади: Ғарбий, Жанубий, Марказий-Шарқий ва Шимолий районлар.

Рус олими Ю.Д.Дмитревский ҳам Европа туристик ва рекреацион районларини шу тартибда ажратади ва йирик районлардан ташқари бир неча микрорайонларга ҳам ажратган.

В.П.Максаковский туристик-рекреацион районлаштиришда бошқача ёндашувни таклиф этади. Унга кўра, районлаштиришда табиий объектлар асос қилиб олинади, яъни денгиз бўйи, тоғ, кўл ва дарё туризми районлари ва марказларига ажратиш.

Шу ёндашувга кўра тавсиф берсак, денгиз бўйи туристик рекреацион районлари кенг тарқалган. Албатта, дунё миқёсида таҳлил этилганда ҳам Ўрта Ер денгизи қирғоқларидаги туристик-рекреацион район ихтисослашувига кўра, биринчи ўринда туради. Туризм ва рекреациянинг ривожланишига кўра, иккинчи ўрнини Кариб ҳавзаси эгаллайди. 1980 йилларда, бу районга ташриф буюрган туристлар ва рекреантларнинг умумий сони ўртача 160 млн. кишига (баъзи йилларда 240 млн. кишига) етган.

Ўрта Ер денгизи. Денгиз туризмнинг ихтисослашувига кўра, бу райондаги туристик-рекреацион ҳудудлар чизиқли шаклда денгиз қирғоғи бўйлаб жойлашган. Ҳудудда ороллар алоҳида туристик-рекреацион аҳамият касб этади. Ёз чўмилиш мавсумида рекреацион юк бир неча мартаб ортиб кетади.

“Француз Ривьераси” қирғоқ ҳудудининг узунлиги 230 км бўлиб, Тулондан ғарбга Ментонгача, яъни Франция-Италия чегарасигача чўзилган. Қирғоқ иклими ўзига хос бўлиб, Альп тоғлари Шимолий шамоллардан тўсиб туради. Шу боис, ёқимли об-ҳаво 300 кунгача давом этади. Ҳавонинг йиллик ҳарорати $+20^{\circ}\text{C}$, ҳатто қишда ҳам $+8^{\circ}\text{C}$ дан қуйига тушмайди. Шунга кўра, бу ҳудудда чўмилиш мавсуми жуда узок муддатгача давом этади. Француз Ривьерасининг пойтахти Ницца курорт шаҳри бўлиб, шаҳар аҳолисининг ярми туризмга хизмат кўрсатувчи тармоқларда банд. Бошқа курорт шаҳарлар Антиб, Ментон, Канн ҳам туризм ва рекреация ривожланган шаҳарлардир. Канн шаҳрида ҳар йили кинофестиваль бўлиб ўтади.

Италияда Ўрта Ер денгизи қирғоқлари туризми ва рекреациясида Италия Ривьераси асосий район ҳисобланади. Географик жойлашувига кўра, бу район «Француз Ривьера»сининг давоми бўлиб, Сан-Ремо, Рапалло, Портофино курорт шаҳарлари сифатида шухрат қозонган. Европалик аслзодалар XIX асрдаёқ бу ҳудуд билан қизиқишган.

Денгиз бўйи туризми ва рекреациясига нафакат Лигур денгизи қирғоқлари, балки Тиррен денгизидаги марказлар ҳам худди шундай жойлашувга ва ихтисослашувга эга. Тиррен денгизи туризм-рекреацион ҳудудларига Неаполь, Сарренто, Калабрия ва Сицилияни киритиш мумкин. Адриатика денгизида эса, Венеция Ривьераси ўзига хос тароватга эга.

Катта учликнинг учинчи давлати Испанияга узоқ йиллар давомида (Генерал Франко бошқарувидаги даврларда) хорижлик фуқаролар кам боришган. Бу ҳолат ўтган асрнинг 75-йилларигача давом этган.

Бугунги кунда Испаниянинг туризм ва рекреация ҳисобидаги даромади йилига ўртача 30 млрд долларни ташкил қилади. Туризм ва рекреациядан олинadиган даромадлари салмоғига кўра, Испания дунёда, АҚШдан кейин, иккинчи ўринда туради. Ҳозирги пайтда Испанияда фаол аҳолининг 10 фоизи туризмда банд, 10 мингдан ортиқ катта ва кичик меҳмонхоналари бўлиб, улар 900 минг ўринга эга.

Ўрта Ер денгизи туристик-рекреацион районларининг яна бири, бу Хорватиянинг Адриатика қирғоқларидир. Хорватия қирғоқларининг узунлиги 700 км га чўзилган. Ҳудуддаги кичик ороллар, қўлтиқлар, бўғозлардаги қирғоқлар билан ҳисоблаганда, 6000 км га чўзилади. 1990 йилларда ҳудудга бир вақтда миллион дам олувчи Дубровник Опатия, Сплит каби машҳур денгиз курорти шаҳарлари мавжуд. Грецияда Эгей денгизи қирғоқларида ҳам кўпгина денгиз курорти райони мавжуд.

Қора денгизнинг ғарбий қирғоқларида Болгария ва Руминия денгиз курортлари районлари бўлиб, географик жиҳатдан Греция курорт қирғоқларининг давомидир. Бу ерда йирик денгиз курортлари мажмуалари шаклланган: Руминияда Мамая, Эфория, Констанца; Болгарияда Олтин кум, Дружба, Албена, Варна, Қуёшли қирғоқ, Несебор, Бургаса каби рекреацион районлар бор.

Хорижий Европанинг денгиз туризми фақат Ўрта Ер денгиз қирғоғи курортлари билан чегараланмайди. Атлантика океани ва Болтиқ денгизи қирғоқларида ҳам денгиз курорти тараққий этган. Бу қирғоқларда Испаниянинг Байонна, Франциянинг Сен Мало, Белгиянинг Остенда, Буюк Британиянинг Брайтон ва Борнемут, Польшанинг Сапот каби рекреацион марказлари мавжуд. Жаҳон туризми ва рекреациясида машҳур бўлган

Канар ороллари ҳам Испанияга тегишли бўлиб, материкдан 1150 км узоқликда жойлашган.

Тоғ туризми ва рекреацияси бўйича Альп тоғлари биринчи ўринни эгаллайди. Унга ҳар йили 80 дан 150 млн. кишигача дам олиш учун келишади. Альп районида рекреантларни қабул қилувчи асосий мамлакатлар Австрия ва Швейцария бўлиб келган ва ҳозирга қадар шундайлигича қолмоқда. Шу мамлакатлар қаторига иқлими қулай тоғ спорт рекреацияси марказлари сифатида Франция, Италия, Германия, Лихтенштейн, Словениянинг тоғли ҳудудларини ҳам киритиш мумкин. Францияда Шамони, Швейцарияда Давос, Италияда Бормио, Германия, Гармиш-Партенкирхен шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда Альп тоғ рекреациясининг моддий техник базаси энг юқори даражага етган. Ҳудудда рекреантлар сони мавсум давомида 3 млн кишидан ошиб кетади. Қирларга рекреантларни олиб чиқувчи техник ускуналар сони 12 мингдан ортиқ ва 40 мингдан ортиқ чанғи трассаси бор. Тоғ чанғи туризмининг иккинчи йирик райони Марказий Европа тоғларидир. Улар асосан, Судет, Карпат ва Рила-Родопда бўлиб, халқаро тоғ курорти сифатида машҳурдир. Германияда Оберхоф ва Обервизенталь, Польшада Закопане, Словакияда Штрбске-Плесо Руминияда Синая ва Предял, Болгарияда Боровец ва Пампорово манзиллари шулар жумласидандир. Бу ҳудудларда минералли булоқлар ва шифобахш балчиклари билан машҳур курортлар: Германияда Баден-Баден ва Бад-Эльтер, Чехияда Карловы-Вары ва Марианске-Лазне, Польшада Криница, Ивонич ва Шавницада жойлашган. Жанубий-Шарқий Европада Мацоха, Постойна, Агтелек, Магура ғорлари билан ном таратган.

Татра тоғлари (Польша, Словакия чегарасида) ҳар йили 7-8 млн. туристни қабул қилади.

Хорижий Европа кўл туризмининг бош районлари Финландиянинг “кўлли ўлкалари”да, Польшанинг Кашуб ва Мазур кўллари атрофида, Германиянинг Мекленбург кўли соҳилларида, Венгриянинг Балатон ва Италиянинг Лаго-Маджор кўлларида ривожланган. Дарё рекреацияси эса Дунай, Одра, Эльба дарёлари қирғоқларида ривожланган.

Глоссарий

Кўчма туризмда эса, асосан “Катта учлик”ни Франция, Испания ва Италия етакчилик қилиб, бу учликка дам олиш учун келувчиларнинг умумий сони йилига 125 млн. кишини ташкил қилади. Буюк Британия, Польша, Австрия, Германия, Венгрия, Португалия, Андорра, Греция, Швейцария давлатлари Европа туризмидаги етакчи учликдан кейинги ўринни эгаллайди. Бу мамлакатларга ташриф буюрувчиларнинг асосий қисмини Марказий ва Шимолий европаликлар ташкил этади. Шунга кўра, Европа мамлакатлари туристларининг йўналишлари шимолдан жанубга йўналган.

Узоқ вақтлар давомида Ўрта Ер денгизи туризмида Франция ва Италия рақобатда бўлиб келди. Франциянинг Ўрта Ер туристик-рекреацион бош районини: “Француз Ривьераси” дейишади.

Қўшимча маълумотлар

Француз Ривьераси XIX асрдаёқ денгиз бўйида дам олишдаги энг қулай ҳудуд сифатида шуҳрат қозонган эди. Бу ерда Бальзак, Флобер, Мопассан. XX асрда Америка ёзувчилари Эрнест Хемингуей, Скотт Фицджеральд каби Ривьера ҳақида ёрқин хотираларини ёзишган. Россияликлар ҳам худди шундай XIX асрда ўзлари учун Ривьерани кашф этишган. Ф.И.Тютчев, Н.В.Гоголь, А.И.Куприн, А.П.Чехов, И.А.Бунин, В.В.Маяковский, Ф.И.Шаляпин, С.П.Дягилевлар ҳам бу ерда яшаган ва ижод қилган.

1975 йилдан кейин, Испанияда ҳам “Туристик портлаш” юз берди. Натижада, Испания нафақат Европада, балки бутун дунёда туризм ва рекреациянинг ривожланишига кўра, биринчи ўринга чиқиб олди. Испаниянинг бой табиий рекреацион ресурслари, тарихий архитектура ёдгорликлари, Ғарбий Европа туризм бозорларининг яқинлиги, туризмни таъминлаш яратилганлиги ва нисбатан арзон туристик хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши худди шу ютуқни ва катта даромад олиш имкониятини таъминлади. Шунингдек, Франко тартибидан кейинги даврда Испанияда сиёсий шарт-шароитнинг ўзгариши ҳам бу ютуқни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлди.

Савол ва топшириқлар

1. Халқаро рекреацион оқимнинг географик йўналишига таъсир кўрсатувчи омилларни санаб беринг.
2. Халқаро рекреацион оқим энг юқори бўлган минтақаларни санаб беринг.
3. Ғарбий Европанинг халқаро туризмдаги улушига тавсиф беринг.
4. Ғарбий Европада рекреацион жараёнлар фаоллигининг сабаблари нимада?
5. Ғарбий Европада рекреациянинг қандай турлари ривожланган?
6. Хорижий Европанинг туристик рекреацион районларини санаб беринг.
7. В.П.Максаковскийнинг туристик рекреацион районлаштиришдаги ёндошувини изоҳланг.
8. Ўрта денгиз туризмга тавсиф беринг.
9. Ғарбий Европа туризмдаги катта учлик давлатлари қайсилар?
10. Тоғ рекреацияси ва кўл рекреацияси ҳақида нималарни биласиз?

Назорат тестлари

1. Рекреацион оқимнинг географик йўналишининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар неча гуруҳга ажратилади?
А) 2
Б) 3
В) 4
Г) 5
2. 1970 йилларда хорижий сайёҳларнинг 68 фоизини қабул қилган минтақани белгиланг.
А) Ғарбий Европа
Б) Болқон ярим ороли
В) Индонезия ороллари
Г) Лотин Америкаси
3. Европани туристик-рекреацион районларга ажратган олимни белгиланг.
А) В.П.Максаковский.
Б) Ю.Д.Димитревский.
В) В.Г.Белинский.
Г) В.С.Переображенский.

4. Н.В. Гоголь, И.А. Куприн, И.А. Бунин каби ёзувчилар яшаб ижод қилган туристик рекреацион минтақани белгиланг.

А) Тиррен денгизи қирғоқлари.

Б) Сицилия ороли.

В) Венеция Ривьераси

Г) Француз Ривьераси

5. 1975 йилда қайси мамлакатда «Туристик портлаш» юз берди?

А) Францияда

Б) Испанияда

В) Италияда

Г) Грецияда

Адабиётлар

1. В.С. Переображенский. Теоритические основы рекреационной географии М., «Наука» 1975.
2. Н.С. Мироненко, И.Т. Твердохлебов. Рекреационная география. Изд. Московского Университета 1981.
3. Журнал «Отдохни», № 43,45,49/ 2001, Изд. «Бурда»
4. Журнал «Отдых и путешествия», № 19/ 2001.
5. Дмитриевский Ю.Д. Туристические районы мира.-Смоленск, 2000.- с.138-152.

Мундарижа

- Кириш
- I боб. Рекреацион географиянинг предмети, методи ва вазифалари ҳамда унинг бошқа фанлар билан алоқалари
- 1.1. Рекреацион географиянинг предмети ва вазифалари
- 1.2. Рекреацион географиянинг тадқиқот усуллари
- 1.3. Қурилиш иншоотлари мажмуаси, дам олувчилар ва хизмат кўрсатувчилар
- 1.4. Рекреологиянинг асосий тушунчалари ва вазифалари
- II боб. Рекреациянинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, экологик жараёнлар билан боғлиқлиги
- 2.1. Рекреациянинг сиёсий жараёнлар билан боғлиқлиги
- 2.2. Рекреациянинг иқтисодий-ижтимоий жараёнлар билан боғлиқлиги
- 2.3. Рекреациянинг экологик жараёнлар билан боғлиқлиги
- III боб. Рекреацион истеъмол – рекреацион фаолиятнинг ҳудудий ва муддатли тузилмалари сифатида
- 3.1. Умумий, гуруҳли ва индивидуал (якка тартибдаги) рекреацион истеъмолнинг ўзаро боғлиқлиги
- 3.2. Рекреацион истеъмолни тадқиқ этишнинг йўналишлари ва методлари
- IV боб. Рекреацион фаолият, унинг таркиби ва таснифи, рекреацион ҳудудларнинг асосий типлари
- 4.1. Рекреацион фаолиятнинг таркибий хусусиятлари таснифи
- 4.2. Рекреацион ҳудудларнинг асосий турлари
- V боб. Рекреация тармоғи ва унинг ҳудудий ривожланиши шарт-шароитлари ҳамда омиллари
- 5.1. Умумий меҳнат тақсимоотида рекреациянинг роли ва ўрни
- 5.2. Рекреацион корхоналар
- VI боб. Рекреацион ресурслар
- 6.1. Рекреацион шароитнинг табиий шарт-шароитлар билан боғлиқлиги
- 6.2. Сув ресурслари рекреацион салоҳиятни таъминловчи омил сифатида
- 6.3. Ер ресурслари ва атмосфера рекреацион салоҳиятни таъминловчи муҳим омиллар
- VII боб. Рекреацион районлаштириш
- 7.1. Рекреацион районларни белгилаш ва уларнинг хусусиятлари
- 7.2. Рекреацион районларнинг шаклланиш шарт-шароитлари ва омиллари
- 7.3. Рекреацион район белгилари ва Ўзбекистоннинг

- рекреацион зоналари
- VIII боб Ўзбекистонда туризм ва рекреацион жараёнларнинг
ривожланиш хусусиятлари
- 8.1. Жаҳон рекреацион тизимида Ўзбекистоннинг тутган ўрни
- 8.2. Рекреациянинг ривожланишида фестиваллар, кўргазмалар,
халқ байрамлари ва спортнинг аҳамияти
- 8.3. Ўзбекистон табиати ва ури муҳофаза қилиш зарурияти
- IX боб Халқаро рекреацион оқим хусусиятлари ва жаҳон
рекреацион районлари тавсифи
- 9.1. Халқаро рекреацион оқим ва унинг шаклланишига таъсир
кўрсатувчи асосий омилар
- 9.2. Жаҳон рекреацион марказлари географияси
- Адабиётлар